

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1. Тижорат банклари фаолиятини аудитдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари.....	7
1.2. Аудиторлик рисклари тушунчаси, унинг мазмуни, турлари ва аудиторлик рисклари компонентларининг боғлиқлиги.....	22
1.3. Аудиторлик хулосаларини бериш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари...	47
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ	60
2.1. Тижорат банкларида ички риск ва уларни баҳолаш усуллари.....	60
2.2. Тижорат банкларида назорат рискларини баҳолаш тартиби ва усуллари.....	72
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	87
3.1. Халқаро аудит стандартлари асосида тижорат банкларида аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштири	87
3.2. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолаш усуллари такомиллаштириш.....	99
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	113

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Тижорат банклари иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи локомотиви ҳисобланади. Тижорат банклари барқарор фаолият юритар экан, мамлакатимиз иқтисодиёти бунданда тараққий этиб бораверади. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами натижасида мамлакатимиз тижорат банклари нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ҳам бу борада эришилаётган ютуқлар хусусида тўхталиб: «Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, “Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, ушбу етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 28 тага етди. Шу билан бирга, “Мудис” рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларига берилган “барқарор” даражадаги рейтинг баҳоси 2012 йилнинг 29 август куни кетма-кет учинчи йил қайта тасдиқланди. “Мудис” агентлигининг ҳисоботида қулай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банклар капиталлашувининг барқарор юқори даражаси ушбу прогнознинг асосий омиллари бўлди, деб қайд этилган. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал номутаносибликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан банк-молия тизими муттасил барқарор ривожланмоқда»¹ дея таъкидлаб ўтдилар.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” №ПП-1438 2010 йил 26

¹Каримов И.А. 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ноябрдаги қарорига кўра: “нобанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта ва аудиторлик компанияларининг ролини янада ошириш ҳамда тармоғини ривожлантириш, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш, молия бозори инфратузилмаси институтларини мустаҳкамлаш;”² бўйича асосий йўналишлар белгиланган. Чунки банк тизимини назорат қилишда ва уларнинг капиталининг етарлилик даражасини аниқлашда аудиторлик фирмалари ва халқаро рейтинг компаниялари муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли тижорат банклари фаолиятига МХХС тамойилларининг кенг жорий қилиниши ички ва ташқи аудит хизматларининг янада яқинроқ ҳамкорлик қилишига имконият яратмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад учун тижорат банклари даромадлигига, ликвидлигига ва тўлов қобилиятига жиддий эътибор қаратишдир. Ушбу ҳолат тижорат банклари фаолияти аудитини олиб боришда уларга таъсир этувчи рискларни доимо таҳлил қилиш, баҳолаш ва даражасини пасайтириш лозимлигини келтириб чиқаради.

Ушбу муаммолар ечимини топиш аудиторлик фаолиятини ташкил этиш сифатини тубдан яхшилайти ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Шу билан бирга, унинг услубий жиҳатлари тижорат банкларида аудиторлик ҳисоботлари бўйича аудиторлик рискларини аниқлаш усулларига, уларни баҳолаш тартибларига, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда риск даражаларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга, муаммоларни чуқур тадқиқ қилишга имкон яратади.

Тижорат банкларида аудиторлик рискларини баҳолаш усулларини чуқур таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” №ПП-1438 2010 йил 26 ноябрдаги қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 48-сон(444) 2010 йил 6 декабрь. -442-модда.4-6б. Б.5.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари аудиторлик рискларини таҳлил қилиш, уларни тижорат банклари амалиётида қўллаш масалалари аксарият иқтисодчи-олимлар диққат-марказида бўлмоқда. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолаш масалалари хорижлик олимлардан: Р.Адамс, А.Аренс, М.Бенис, Дж.Вилямс, И.Грай, Х.Грюнинг, россиялик олимлар: Г.Белоглазова, С.М.Бычкова, Ю.А.Данилевский, В.В.Скобара, Н.В.Фадейкиналарнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашнинг амалий жиҳатлари ва ички аудитни такомиллаштириш республикамиз олимларидан Р.Д. Дусмуратов, Х.Н.Мусаев, З.Т.Маматов, Н.С.Санаев, М.М.Тулахўжаева, Б.А.Хасанов, С.Норқобиловлар томонидан ўрганилган. Шу жумладан, Н.Ф.Каримов томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш тизими, ички аудит хизматининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, текширувни режалаштиришда муҳимлилик ва аудит объектини танлаш, аудиторлик далиллари ва ишончлилик даражасини ошириш, ички аудит текширув жараёни босқичларини хужжатлаштириш, ички аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш, тақдим этишнинг босқичлари ва тартиби бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолаш ва хулосаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида аудиторлик рискларини аниқлашнинг назарий асосларини таҳлил қилиш;
- тижорат банкларида аудиторлик ҳисоботлари ҳақиқийлигини тасдиқловчи аудиторлик далиллари асосланганлигини аниқлаш ва уларнинг аудит натижалари бўйича рискларини баҳолаш зарурлиги, унинг сифатини белгилаб берувчи ижобий ва салбий омилларнинг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- тижорат банкларида аудит ўтказишда аудиторлик rischi даражасини аниқлаш усулини такомиллаштиришга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- статистик усуллардан фойдаланиб, аудитни ўтказишда riskни аниқлаш ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- тижорат банкларида молиявий ҳисоботни аудит қилишда ва аудиторлик ҳисоботини тузишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик riskларини аниқлашга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг объекти ва предмети. Ушбу магистрлик диссертациясининг объекти бўлиб, иқтисодиётнинг замонавий босқичида аудиторлик riskларини самарали баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, аудиторлик хулосаларини самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларида аудиторлик riskларини аниқлаш ва баҳолаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ушбу магистрлик диссертациясининг предметини ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги:

- тижорат банкларида аудиторлик riskларига банklar фаолиятидан келиб чиққан ҳолда таъриф берилди;

- тижорат банкларида ички аудит жараёнининг асосий riskлари аниқланди ва уларни гуруҳлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларида аудит ўтказиш жараёнида компьютер тизимлари билан боғлиқ riskларни камайтириш имконини берувчи дастурий воситаларга ўрнатилган назорат турлари аниқланди ва уни амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Банк кенгаши томонидан ўрнатилган асосий кўрсаткичларга тижорат банкларида ички аудит хизмати эришиши зарурлиги аниқланди ва ушбу

кўрсаткичлар ички аудит бўлимини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилиши асосланди;

- аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир бирлиги аудит танловига тушиши эҳтимоллик ёки ноэҳтимоллик усулидан фойдаланилган ҳолда амалга ошириш аудитор томонидан мустақил мулоҳаза юритишига, қобилятига таянган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди. Бунда аудитор ноэҳтимоллик усули орқали аудит танловини ўтказишда салмоғи бўйича усул ёки мақсадли танлов усулидан фойдаланиш бўйича илмий таклиф ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти. Мазкур диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, аудиторлик рисклари даражасини аниқлашга ва аудиторлик хулосаларини шакллантиришга қаратилган таклифлардан тижорат банкларининг ички ва ташқи аудити амалиётида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси таркиби кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банклари фаолиятини аудитдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Аудит тушунчаси - хўжалик субъектлари фаолиятининг яқунларини холисона баҳолаш бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир. Чунки режали хўжалик юритиш усулида тўла мустақил бўлмаган корхоналарни аудит қилишга зарурият йўқ бўлиб, уларни тафтиш қилиш керак эди. Шунинг учун барча давлат вазирликларида тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, бу бошқармалар режали хўжалик юритишда муҳим рол ўйнаган.

Аудит атамаси лотинча «audit» эшитмоқ сўзидан олинган бўлиб, турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини текшириш жараёнини англатади.

Аудит мустақил назорат қилувчи тадбиркорлик субъекти сифатида хўжалик субъекти томонидан берилаётган молиявий ахборотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди. Ундан кутилаётган мақсад хўжалик субъекти фаолиятининг барча қирралари бўйича фактларни йиғиш ва баҳолаш, ҳисоботларни текшириш, уларнинг меъёрий ҳужжатларга мос равишда бажарилган ёки бажарилмаганлигини текширишдан иборат.

Аудит олиб бориш тартиби ҳукумат қарорлари ва идоравий йўл-йўриқлар билан тартибга солинади ёки йўналтирилади, фаолиятнинг муайян қирраларидаги оғишларни вақти-вақти билан назорат қилиб туради. Асл ҳужжатлар ва бухгалтерия қайдлари, нақд пул воситалари, материал-хомашё қийматини диққат ва эътибор билан комплекс равишда ўрганади. Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги бўйича ўз фикрини билдиради. Молия хўжалик

фаолиятини таҳлил қилади, актив ва пасивларини баҳолайди. Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, инвесторлар, кредиторларни жалб этишга ёрдам беради, молия, солиқ ва бошқа соҳаларга маслаҳат беради. Аудит хулосаси барча жисмоний ва юридик шахслар учун, ҳокимият ва суд идоралари учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу хулоса матбуотда ҳам эълон қилиниши мумкин. Аудитнинг тафтишдан асосий фарқи ҳам мана шунда. Режали ҳўжалик юритиш усулида иқтисодий - молиявий жиҳатдан тўла мустақил бўлмаган корхоналарни аудит текширувлардан ўтказишга зарурат туғилмас эди. Чунки, уларни тафтиш қилишнинг ўзи етарли эди. Шунинг учун барча вазирлик, идораларда тафтиш бошқармалари фаолият юритарди.

Банк аудити бу давлат ва нодавлат органларнинг белгиланган меъёр ва қонуний ваколатлар доирасида амалга оширилувчи ҳаракатлар тўпламидир. Ушбу таъриф банк аудити моҳиятини белгилайди.

Яъни банк аудити ҳар бир давлатда ўз хусусиятларидан келиб чиқиб давлат органларини бирига ёки бир нечтасига топширилади. Албатта уларнинг назорат ёндашув усуллари турлича, лекин уларнинг мақсади бир хилдир.

Демак, банк аудитини асосий моҳияти банк тизимини бир маромда фаолият курсатишини, кредиторлар, омонатчилар ва мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш шу билан бирга соғлом банк фаолиятини ташкил қилишда назорат органлари мамлакатни ички ва ташқи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларини ташкил этишдан иборатдир.

Банк аудитини зарурийлиги банкларнинг банкротлик рискига жуда яқинлик билан белгиланади, бунда битта банкнинг банкротлиги бир неча соҳа субъектлари бўлмиш кредиторлар ва мижозларнинг банкротлигига олиб келиши ёки бошқа банклар фаолиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки иқтисодиётда барча соҳа субъектлари ўзаро занжирли боғлиқ ҳисобланади.

Банк аудитининг яна бир муҳим вазифаларидан бири, ички банк

сферасида одил рақобатни ташкил этишдан иборат. Бу кейинчалик кўпгина салбий оқибатларни олдини олади.

Банк аудитининг яна бир вазифаси банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва барча мижозларга бир хил муносабатда бўлишларини таъминлашдан иборатдир. Чунки истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланган. Назорат органлари ходимлари банкни стабил фаолияти тўғрисида жонкуярлик қилиб, уни банкротликдан сақлашлари лозим. Бу эса мақсад сари энг тўғри стратегиядир. Бунда банк секторини давлат аралашувидан озод этиш ва янги банкларга лицензиялар бериш ҳамда уларни фаолиятини тартибга солишда оқилона банк назоратини самарали мажмуи зарурати туғилади.

Ишончли ва самарали банк аудитини аввало банк ходимларининг маъсулиятларини ҳамда назорат органлари ходимларини малакасига боғлиқдир.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш асосан ҳукумат қарори Марказий Банк монетар сиёсати йўналишлари, қонун ҳужжатлари, Марказий Банк йўриқномалари асосида олиб борилади. Ҳуқуқий-иқтисодий меъёрларни ўрнатилиши банкларни банкротлик чегарасидан огоҳ этиб туради. Бу эса, сифатсиз ёки ёмон бошқарувга эга банклар фаолиятини тартибга солиш учун жуда муҳим. Банк фаолиятини ҳуқуқий базасини мустаҳкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлишига ҳамда бутун банк сферасини инқирозга олиб келиши мумкин. Банк тизимини ишончли ва самарали тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуаси яратилиши ва барча банкларга бир хил қўлланилиши лозим. Акс ҳолда айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четда қолиб кетади.

Тижорат банкларида ўтказилаётган аудиторлик текширишлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чорат-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди.

Мазкур фармон талабларини бажарилишини таъминлаш ва Республикада банк аудитини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Марказий Банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кирувчи тижорат банклари аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида “Аудитни мувофиқлаштириш бўлими” ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий Банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида”ги, “Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар ишлаб чиқилди.

Аудиторлик фирмаларига ва аудиторларга банкларда аудит ўтказиш учун Марказий Банк томонидан бериладиган сертификатларни олиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини банк назорати бўйича халқаро Базель комитети талабларига мувофиқлаштириб, амалиётга янгича мазмунда жорий этиш мақсадида Жаҳони банк экспертлари иштирокида 1998 йилда мазкур меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

Аудиторлик фирмаларининг банклардаги аудит текширувлари бўйича тақдим этган хулосалари Марказий Банк томонидан таҳлил қилиниб, аудит текшируви хулосаларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш,

тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга доир тавсияномаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида Марказий Банк томонидан тижорат банклари Кенгашлари ва Бошқаруви раисларига аниқ, кўрсатмалар берилди ва ушбу кўрсатмаларни бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди.

Хусусан, Марказий Банкда фаолият кўрсатган “Барентс групп - ЛЛС” консалтинг фирмаси маслаҳатчилари билан ҳамкорликда Марказий Банк мутахассислари томонидан “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида”ги Низом, “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар” ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқилиши тижорат банкларида ўтказилаётган ички ва ташқи аудит текширувларини Марказий Банк томонидан тартибга солиш жараёнини анча яхшилади.

Тижорат Банкларида сифатли аудит текширувларини ўтказилишини таъминлаш мақсадида Марказий Банк томонидан Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда ташқи аудит текширувларини ўтказишга техник топшириқлар ишлаб чиқилиб, барча аудиторлик фирмалари ва тижорат банкларига етказилди.

Шунингдек, республикада хизмат кўрсатаётган тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, банк тизимида бўлган ишончни мустаҳкамлашда банкларда аудиторлик текширувлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини холисона таҳлил этилишини таъминлаш ва аудит текширувларини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш мақсадида 1999 йил 18 сентябрда Марказий Банкнинг “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида” 1998 йил 4 июлдаги 403-сонли Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган Низомлар асосида Марказий Банкда аудиторларга сертификатлар бериш ва аудиторлар малакасини аттестация қилиш бўйича комиссия тузилган бўлиб, мазкур комиссия томонидан

бугунги кунда 4 та нуфузли халқаро аудиторлик фирмалари Артур Андерсен лимитеди, Прайс Вотерхаус Куперса, Эрнест энд Янгп, KPMG ва 3 та маҳаллий Холис Гурух, Одил-аудит, Ўзбанкаудит каби аудиторлик фирмаларига банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда мазкур аудиторлик фирмаларининг 18 та аудиторларига малака сертификатлари берилди.

Аудиторлик фирмаларининг банклардаги аудит текширувлари бўйича тақдим этган хулосалари Марказий Банк томонидан таҳлил қилиниб, аудит текшируви хулосаларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга доир тавсияномаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида Марказий Банк томонидан тижорат банклари Кенгашлари ва Бошқаруви раисларига аниқ, кўрсатмалар берилди ва ушбу кўрсатмаларни бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди.

Айни пайтда, Марказий Банк томонидан банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган бошқа аудиторлик фирмаларини банкларда аудит ўтказиш жараёнига жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, банк тизимини иқтисодиётда тобора кучайиб бораётган ўзгаришлар билан баравар қадам ташлаш, тижорат банклари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида Жаҳон банк экспертлари билан ҳамкорликда Марказий Банк томонидан ташқи аудит масалаларига бағишланган семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистан Республикаси Марказий Банкининг 1998 йил 4 июль 405-сонли тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблари тўғрисидаги Низомига мувофиқ, барча тижорат банкларида ички аудит хизмати ташкил этилди.

Аудиторлик фирмаларига ва аудиторларга банкларда аудит ўтказиш учун Марказий Банк томонидан бериладиган сертификатларни олиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда тижорат банкларида аудит

текширувларини банк назорати бўйича халқаро Базель комитети талабларига мувофиқлаштириб, амалиётга янгича мазмунда жорий этиш мақсадида Жаҳони банк экспертлари иштирокида 1998 йилда мазкур меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

Аудиторлик фирмаларининг банклардаги аудит текширувлари бўйича тақдим этган хулосалари Марказий Банк томонидан таҳлил қилиниб, аудит текшируви хулосаларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга доир тавсияномаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида Марказий Банк томонидан тижорат банклари Кенгашлари ва Бошқаруви раисларига аниқ, кўрсатмалар берилди ва ушбу кўрсатмаларни бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 2 октябрдаги Пф-2084 сонли Фармони мувофиқ, тижорат банкларида акциядорлар ролини ошириш ва банкларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳар чорақда банк Кенгашида ички аудит хизмати раҳбарининг ҳисоботини тинглаш амалиётга жорий қилинди.

Тижорат банклари ташқи аудитига оид меъёрий ҳужжатлар банк назоратини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Марказий Банкнинг тижорат банклари ташқи аудитига бўлган талабларини янги таҳрирда қабул қилинишини тартибга солиш жараёнини анча яхшилади. Мазкур ўзгарган талабларни тижорат банклари томонидан қисқа муддатларда бажарилишини таъминлаш учун Марказий Банк Америка Халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) ва Холис Гуруҳ аудиторлик фирмаси билан биргаликда 1999 йил 13-15 декабрь кунлари “Тижорат банкларида ички аудит” мавзусида семинар ўтказилиб, семинарда тижорат банкларидан 78 та ходим иштирок этди. 1999 йилда Марказий Банк Жаҳон банки билан биргаликда банк тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган Республика молия институтларини ривожлантириш заёмини ўзлаштиришга киришди. Мазкур заёмнинг аҳамиятли томонларидан бири

тижорат банкларида ички аудитни ривожлантиришни таъминлаш борасида техник ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Шунга асосан ушбу заём ҳисобидан тижорат банкларига аудит хизмати фаолиятини янада такомиллаштиришда кўмак бериш мақсадида Марказий Банкда хорижий маслаҳатчилар иш олиб бормокда. Ушбу маслаҳатчиларнинг асосий вазифаси тижорат банклари аудит хизматлари фаолиятини ўрганиб чиқиб, унинг фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга кўмак беришдан иборатдир.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот, банкларни назорат қилиш» деб номланган VI—бобида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиши, Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб бориши айтилган. қонуннинг 43-моддаси бутунлай аудитга бағишланиб, унда шундай дейилади: «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, рискни ва ликвидлиликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт».

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганининг сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жиҳатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончлигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар рискни бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлигини

макбул даражада таъминлашга қаратилган.

Агар биз жаҳон мамлакатлари кредит тизимининг тарихий ривожига назар солсак, банк ва улар миждозларининг кўп бор хонавайрон бўлганига гувоҳ бўламиз. Шу боис улар фаолияти устидан Ўзбекистонда давлат назорати ўрнатилиши зарурлигини тушунишга олиб келди. Мисол учун, 1929—1933 йилларда рўй берган жаҳон иқтисодиёти инқирози АҚШ иқтисодиётига катта зарба берди. Бу ҳолни таҳлил қилган «The Wall Street Journal» журнали қуйидаги хулосани чиқаради «Америка банк ташкилотининг қоникарсиз аҳволи ва уни кескин ўзгартириш зарурати шунда бўлдики, бу тизим тадбиркорлик ҳамжамиятига ҳам, алоҳида шахсга ҳам хизмат қила олсин. Инқироз қуйидагиларни ошкор этди:

1. Америка банклари ташкилотининг носоғлом табиати банкларнинг турли сабаблар билан хонавайрон бўлишига олиб келди.
2. Америка банк тизими иқтисодий инқироз ва стресслар пайтида жамият манфаатларини таъминлашга ноқобил бўлиб чиқди.
3. Федерал Резерв Тизими (ўша даврда, инқроз пайтида) пул бозорини назорат ҳам, мувофиқлаштира ҳам олмади.

АҚШнинг «улуғ инқироз» йилларидаги аудит ва банк назорати таҳлили соҳадаги ишларни бутунлай қайта кўриб чиқишга олиб келди. Президент Ф.Рузвельт бошчилигидаги ҳукумат банк тизимини марказлаштириш сиёсатини юритди ва бу сиёсат мамлакатда банк назорати ва аудитини янги босқичга олиб чиқди. Кейинчалик депозитларни суғурталаш сиёсатининг кенгайиб бориши АҚШ молия тарихида банкларни Умумфедерал назорати остига олиш имконини берди.

Умуман олганда, «буюк инқироз»дан кейинги йилларда ҳам молиявий бўронлар у ёки бу мамлакатда турли шаклларда юз бериб турди ва уларнинг таҳлили ҳамда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёни банклар устидан махсус давлат назоратининг ўрнатилиши ва кучайтирилишини тушунишга олиб келди. Бу соҳадаги тажрибаларни умумлаштириш, мувофиқлаштириш мақсадида 1975 йили Банк назорати бўйича Базель

комитети тузилди. Ўзбекистон ҳам бу комитетга 1995 йилдан буён аъзо бўлиб кирган.

Банк аудитининг асосини банкларнинг ўзлари томонидан тайёрлаган молиявий ҳисобот шакли ёки аудиторлик фирмалари тасдиқлаган иш фаолиятининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги ахборотлар ташкил этади. Кўпгина халқаро меъёрий ҳужжатларда банк активлари ва пасивларини тўғри баҳолаш, улар фаолиятининг молиявий натижалари ҳаққоний баҳоланиши зарурлиги таъкидланади.

Банк ишининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги аниқ ахборотларнинг назорат органларига тақдим этилишига Банк назорати бўйича Базель комитети банкнинг барқарор фаолият кўрсатишининг мажбурий шарти сифатида қарайди ва бу унинг «Самарали банк тизимининг асосий мезонлари» деб номланган ҳужжатида ҳам ўз аксини топган. Мазкур комитетнинг 1998 йил сентябрида «Банк равшанлигини мустаҳкамлаш» деган махсус материали тайёрланиб, унда банк фаолиятининг молиявий аҳволи ва натижалари ҳақидаги ахборотларнинг ўз вақтида оммага етказиб борилиши таъкидланган. Базель комитетининг 1999 йил июнида қабул қилинган бошқа бир ҳужжатида шундай уқтирилади: «Банклар мавжуд таваккалчиликлар ва унга олиб келувчи вазиятлар ҳақидаги маълумотлар каби йўқотиш ҳолларига захира сифатида шакллантирган капиталларининг барча асосий компонентларини қисқа муддатларда оммага етказиб бориши керак. Бундай ахборотлар ҳеч бўлмаганда йиллик молиявий ҳисоботларга киритилиши, уларда банк молиявий аҳволи ва фаолияти натижаларини акс эттирувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, операциялари, рисклар таркиби ва уларни бошқариш борасидаги саъй — ҳаракатлари ёритилмоғи лозим».

Ўзбекистонда банк аудитини такомиллаштириш, тижорат банкларининг рисклари ва рентабеллиги даражаси, молиявий аҳволи ҳақида ҳаққоний ахборотлар билан таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар кўриб боришмоқда. Бунда 1996 йилда парламент томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 1997 йил март ойидан

бошлаб тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисобварақлар режасига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Булар банклар ресурсларининг таркиби, уларнинг юридик тегишлилиги ва муддати, банк ресурсларининг турли даромадлилик бўйича жойлаштирилиши, тезлиги ва операциялар таваккалчилиги бўйича банк фаолиятига қизиқувчиларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш имконини берди.

Бироқ энг мукамал халқаро стандартлар ҳам тижорат банкларининг реал молиявий аҳволи ва молиявий ҳисоботларидаги маълумотлар билан мос келмаслиги мумкин. Бу мумкин ҳам эмас, чунки ҳеч қандай йўл-йўриқлар банклар ўз ҳисоби ва мижозлари топшириғи бўйича операцияларни амалга оширишда барча ностандарт ҳолларни акс эттиролмайди. Бундай пайтда банк назорати органлари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича юқори малакали мутахассислар, мустақил аудиторлар томонидан бажариладиган текширувлар катта аҳамиятга эга.

Марказий банк топшириғига мувофиқ мутахассислар томонидан банк аудитини ўтказиш бўйича тузиладиган шартномаларнинг намунаси ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш учун Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда техник топшириқлар ишлаб чиқилди. Банк фаолияти ва ҳисоботи таҳлилига оид бу топшириқларда аудиторлар олдида аудиторлик текширишлари давомида келишилган муддатда (беш йилгача) таҳлилий обзор олиб бориши вазифаси қўйилди. Унда стандарт молиявий таҳлилда қўлланилган баланс ва балансдан ташқари позициялар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий кўрсаткичлар жамланган асосий молиявий кўрсаткичларни атрофлича ва ўсиш изчилликларини ёритиш талаб этилди.

Кўрсаткичларни танлаб олишда: ссудаларни таснифлаш асосида активлар сифати ва захираларни яратиш; баланс ва балансдан ташқари моддаларнинг таркибидаги ўзгаришларнинг асосий тенденциялари, нисбий ликвидлилик, фоиз ставкаси ва валюта рискни бошқариш бўйича чоралар; даромадлар таркибидаги асосий тенденциялар; бошқарувнинг иқтисодий

самарадорлиги ва сарф - харажатлар самарадорлигига қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Аудиторлар қуйидаги ҳолларни алоҳида қайд этиши уқтирилди: банк активлари портфели аҳволи, жумладан ссудаларни таснифлашда фойдаланилган мезонлар кўрсатилган ҳолда муддати узайтирилган қарздорликлар; банкнинг маҳаллий ва хорижий банклардаги текширилган ҳисобварақлари («ностро» ҳисобрақаи) ва йил якунигача тугалланмаган позицияларнинг тўлиқ қондирилган таққосламаси; банкнинг маҳаллий ва хорижий банклардаги текширилган ҳисобварақлари («лоро» ҳисобрақаи) ва йил якунигача тугалланмаган позицияларнинг тўлиқ қондирилган таққосламаси; йил якунигача амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўтказилган инвентаризация натижаларини текшириш; филиаллар ва бош банк ўртасидаги ҳисоб - китобларнинг дебет ва кредит сальдосини текшириш, уларнинг йил якунигача тўлиқ чегирмалар, шу жумладан ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга ажратилган умумий захиралар ва реал ёки эҳтимолий зарарлар ўрнини тўлдириш учун яратилган жоиз захиралар таҳлили; йил давомида банк ва унга алоқадор бўлган шахслар ўртасида олиб борилган барча асосий операциялар таҳлили ва бу операцияларнинг банкнинг ўз капитали ва унинг соф даромадига кўрсатган самараси.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига риоя қилиши текширилганда қуйидаги жиҳатлар қамраб олинди: актив ва пассивларни баҳолаш тизими; амалдаги қонунчилик асосида даромадлар ва харажатларни ҳисоблаш усули; қимматли қоғозларни баҳолаш учун асослар; бошқа компанияларда иштирок этиш портфелини баҳолаш учун асослар; хорижий валютадаги «спот»лар ва форвард шартномаларни баҳолаш учун асослар; хорижий валютани конвертирлашнинг белгиланган тартибига риоя қилиши; ҳаракатда бўлган ва ҳаракатда бўлмаган асосий воситаларнинг амортизацияси; имтиёзли солиққа тортиш; лизинг операцияларини молиялаш; факторинг операцияларини молиялаш.

Аудиторлар ўзлари текшириш ўтказаётган банкда фойдаланилаётган

ахборотларнинг компьютерлаштирилган тизимини баён этишлари, шу билан бирга ҳисоботларда қуйидаги жиҳатларни акс эттиришлари лозимлиги таъкидланди: бухгалтерия операцияларини қайта ишлашнинг ягона тизими мавжудлиги; номувофик вазифаларни тақсимлаш; операцияларни автоматлаштиришнинг ривожланиш даражаси; маълумотларни қайта ишлаш ишончилигининг эҳтимолий боғлиқлиги; қўлланилаётган асосий соҳалар ўртасида тизимнинг интеграциялашув ва мувофиқлаштириш даражаси; компьютер ҳимояси ва авария ҳолатларида маълумотларни қайта тиклаш режаси; архив ишлари, шу жумладан, электрон маълумотларни амалдаги тартибга мувофиқ олиб бориш ва ҳимоялаш.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларига(International Financial Reporting Standartes, МҲҲС) мос бўлган йўриқномаларни жорий қилиш жараёни жадаллаштирилаётгани сабабли, тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ўтказиш фалсафаси ва методларини ўзгартиришга бўлган эҳтиёж ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқиши йўлида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил қилиш, банк-молия секторида ортиқча ликвидлик, фонд ва хом ашё бозорларида сунъий “пуфак”ларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратилиши натижасида келажакда бўлиши мумкин бўлган молия-валюта бозоридаги ўприлишлар содир бўлишини олдини олиш керак. Бу масалани ҳал қилишда, назорат масаласига эътибор бериш ва уни янада кучайтириш муҳим масала ҳисобланади. Унинг муҳимлигини таъкидлаб, Юртбошимиз И.Каримов томонидан шундай дейилган: “Бу мавзудаги баҳс-мунозараларда билдирилаётган айрим таклифлар, хусусан, молия ва банк сектори фаолиятини глобал миқёсда назорат қила оладиган халқаро молия институтини шакллантириш таклифи эътиборга моликдир. Мазкур институт зиммасига жаҳон бозорида спекулятив банк фаолиятини, жумладан, халқаро савдони ва халқаро молия бозорини умуман мувозанатдан чиқариши мумкин бўлган дериватив ва бошқа “қуруқ” қимматли қўғозлар соҳасини назорат

қилиш вазифасини юклаш таклиф этилмоқда”³. Демак иқтисодий ва молиявий инқироздан чиқиш шароитида тижорат банкларининг фаолиятини назорат қилиш ва унда мустақил назорат қилиш тизимини ташкил қилиш муҳим ҳисобланади.

Банкларда МҲХСнинг жорий қилиниши иккала томонга янада кўпроқ қулайликлар бериши лозим, чунки ички аудиторлар маълум банкда тўплаган иш тажрибаларини ўртоқлашишлари ва ташқи аудиторлар билан яқин ҳамкорлик қилиш жараёнида билим ва малакаларини оширишлари мумкин. Бунинг натижасида ташқи аудиторлар аудиторлик текширувларини ўтказишга камроқ вақт сарфлайдилар, бу эса аудиторлик хизматларининг шартнома баҳоларига таъсир кўрсатади.

Ташқи аудиторлар нуқтаи назаридан, ички аудиторлар билан ҳамкорлик уларга қатор қулайликлар яратади, яъни банк фаолияти ва операцияларини яхшироқ тушуниш ҳамда ташқи аудит жараёнида қайта ўтказиладиган тестлар сонини минималлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, ташқи аудиторларнинг ички аудиторлар иш натижалари тўғрилигига бўлган ишончи уларга банк фаолияти масалаларининг янада кенг доирасини қамраб олиш имконини беради. Бундай амалиёт банк филиаллари тизими янада кенгайганида, молиявий хизматларнинг мураккаблиги ортиб, бунинг оқибатида аудитга бўлган эҳтиёж ошганида айниқса фойдали бўлади. Тижорат банклари устидан етарли назоратнинг йўқлиги сабабли ушбу операциялар оқибатида дунё мамлакатларидаги кўплаб фирма ва компаниялар ва жисмоний шахслар зарар кўрди. Ушбу зарарларни қоплаш ва зарар кўриш мумкин бўлган рискларни олдини олиш учун банк тизимида МҲХС мос бўлган йўриқномаларни жорий қилиш жараёни жадаллаштирилаётгани сабабли, тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ўтказиш фалсафаси ва методларини ўзгартиришга бўлган эҳтиёж ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса

³ Каримов И. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва таракқий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Ж.18.2806. -Б.223-224.

якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларга ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилиб, банкларнинг устав капиталига қўшимча акциялар эмиссияси жойлаштирилди ва шу соҳада тегишли ишлар амалга оширилиши режалаштирилди. Европарламент томонидан Европо Иттифоқи миллий тизими устидан молиявий назоратни ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилди. Молиявий назоратнинг Европо тизимига жорий қилиниши натижасида ушбу фаолият билан шуғулланувчи учта миллий назорат агентликлар зиммасига ушбу вазифа юклатилди:

1.Мониторинг ва банк тармоғи (European Banking Authority);

2.Суғурта ва пенсия таъминоти соҳаси (European Insurance and Occupational Pensions Authority);

3.Қимматли қоғозлар бозорида инқирозга мойилликни аниқлаш (European Securities and Authority).⁴ Ушбу келишув молиявий инқироздан чиқарилган биринчи сабоқлардан ҳисобланади. Молия бозорларидаги Европо Иттифоқи томонидан ушбу учта назорат агентлигидан ташқари, Европо Марказий банки таркибига кирувчи тизимли рисклар бўйича Европо Қўмитаси деб номланувчи янги экспертлар бўлими киритилди. Ушбу бўлим “Кредит пуфаги” каби макроиктисодий инқироз рискларининг юзага келишини кузатиб боради. Натижада банк тизимини капитали етарлилиги масаласига асосий эътибор берилди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам амалий ишлар қилинди. Шу жумладан тижорат банкларнинг устав капиталини оширишга, шу жумладан давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун маблағ ажратишга алоҳида эътибор берилди. Молиявий инқирознинг дастлабки даври, 2008 йилдан бошлаб шу соҳага давлат томонидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Банк тизимида капиталнинг етарлилик даражасини аниқлашда аудиторлик фирмалари ва халқаро рейтинг компаниялари муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида

⁴ Молиявий назорат ўрнатилади//Банк ахборотномаси. 2010 йил 29 сентябрь, №40.- Б.7

иқтисодий-молиявий инқирозни бартараф этиш бўйича қилинган ишларни кўриш мумкин.

1-жадвал

**Давлат бюджетидан тижорат банклари устав капитални ошириш
бўйича ажратилган маблағларнинг ўсиши (млрд.сўм ҳисобида)⁵**

№	Тижорат банкнинг номи	Эълон қилинган устав капитали	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
			Жами	Шу жумладан				
				2008й	2009й	2010й	2011й	2012й
1.	Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20
2.	Асака банки	300	148	100	48	-	-	-
3.	Ўзсаноатқурилиш банк	100	65	63	2	-	-	-
4.	Микрокредитбанк	150	72	54	18	-	-	-
5.	Агробанк	100	50	22	28	-	-	-
6.	Қишлоқ қурилиш банк	50	36	13	23	-	-	-
	Жами	900	491	272	149	30	20	20

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳон молиявий инқирози шароитида тижорат банкларини ҳимоя қилиш мақсадида, уларнинг капиталашув даражасини ошириш бўйича тегишли ишлар учун 491 млрд.сўм ажратилиб, асосан йирик тижорат банкларини капиталашувини оширишга, шу жумладан Асака банк учун 148 млрд.сўм, Халқ банки учун 120 млрд.сўм, Микрокредитбанкка эса 150 млрд.сўм миқдорида давлат бюджетидан маблағ ажратилиб, ушбу маблағлар 2012 йилгача тижорат банкларини ҳимоя қилиш мақсадида ажратилади.

**1.2. Аудиторлик рисклари тушунчаси, унинг мазмуни, турлари ва
аудиторлик рисклари компонентларининг боғлиқлиги.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, турли мулкчилик шаклларида асосланган тижорат банкларининг вужудга келиши муносабати билан уларни назорат қилиш усули ҳам объектив равишда ўзгаришни тақозо этди. Ушбу

⁵ Муаллиф томонидан матбуотдаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.

шароитда тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолиятини назорат қилишни мустақил равишда амалга оширилиши объектив зарурият бўлиб қолди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун зарур ахборотларни мустақил ва объектив баҳо берувчи аудиторларнинг гувоҳлик бериш вазифаси зарурияти вужудга келади. Бундай шароитда, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ички ва ташқи инвесторларнинг сўзсиз ишончига сазовор бўлган нуфузли аудиторлик ташкилоти сифатида банкларни ташқи аудитини барпо этиш муаммоси иқтисодиётни барқарорлаштириш йўлида муҳим вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши янги иқтисодий муносабатларни барпо этиш заруриятини туғдирди ва тижорат банклари фаолиятини аудити жараёнида уларнинг капиталашув даражасига эътибор беришни ва фаолиятини аудит қилишда рискларни тўғри баҳолаш вазифасини қўйди. Шу боисдан ҳам тижорат банкларида ҳам аудиторлик рискларини аниқлашни ҳалқаро аудит стандартларининг талабларига мос даражада ташкил қилишни талаб этилади.

Аудиторлик рискларини аниқлаш учун энг аввало банклар фаолиятини ташқи аудит текширувида нималарга эътибор беришини билиш лозим. Умумий қабул қилинган аудиторлик фаолиятининг ҳалқаро стандартларига кўра “Тижорат банкларида аудиторлик текширувининг асосий функцияларига қуйидагилар киради: тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, устав капитали ва маблағлари манбаларини тўғри шакллантириш, уларни сақланиши ва мақсадли ишлатилишини аудит қилиш; банкларнинг кредит ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланишни назорат қилиш, кредит портфелини таснифлаш ва таҳлил қилиш; ички банк операцияларини амалга оширилишини текшириш ва уларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини назорат қилиш; ички аудит хизматининг ташкил этилишига баҳо бериш; ахборотларга ишлов беришни автоматлаштириш даражасини

назорат қилиш ва ахборотларни сир сақланишини таҳлил қилиш; бошқа банклардан олинган кредит ресурсларини ва вақтинчалик маблағлардан тўғри фойдаланишини текшириш кабилардир”⁶.

Ташқи банк аудитининг асосий мақсади тижорат банклари билан тузилган шартнома асосида молиявий ҳисобот кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келишини аудиторлик текширишларини ташкил этиш ва уни ўтказишдан иборат. Ташқи аудит жараёнида аудиторлик далиллари йиғилади ва бу далиллар асосида аудиторлик ҳисоботини тузади, тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини аудиторлик хулосаси орқали тасдиқланади. Шу билан бирга тижорат банкининг молиявий ҳўжалик фаолиятидаги йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш, уни яхшилаш бўйича ўз тавсияларини раҳбариятга хат шаклида ёзма равишда беради.

Ҳар қандай молия институтлари ўз қонуниятлари ва зиддиятлари таъсирида, шунингдек, атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Аудиторлар бу жараёнларни тасвирлашга, турли банк тизимларининг тараққиёти натижаларига илмий асосда баҳо беришга узвий ёндошиш зарурлигини биринчи бўлиб англашлари лозим. Тижорат банклари маълум даврда мулкдорлар олдида, шунингдек, баъзан ташқи муҳитда турувчи учинчи шахслар олдида ҳисоб беришга мажбур ҳисобланади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботи аудитида ахборот rischi даражасини камайтириш учун уларнинг фаолиятига доир объектив ахборот бўлиши муҳимдир. Ҳисобот бошқарувчи тизимда (текширилаётган банкнинг маъмуриятида) тузилишини эътиборга олиб, бундай ахборотни мустақил аудиторнинг текшириши, назорат қилиши янада ишончлироқ бўлишини таъминлайди.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий мезонларини тасдиқлаш учун уларнинг молиявий ҳисоботлари мажбурий тарзда ҳар йили аудит текширишдан ўтиши керак. Шунинг учун ҳам тижорат банкларида молиявий

⁶ Международные стандарты аудита.- М.: ГАММА, 2009.- 387с. С.345.

ҳисобот аудитининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, эълон қилинадиган ҳисоботни мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши шартлиги тўғрисидаги қоида “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” қонунда ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Аудиторлик хизматини кўрсатилиши ташқи аудиторлар ва тижорат банклари ўртасида ҳам, турли мулкчилик шаклига асосланган банкларда уларнинг молиявий аҳволини ҳолисона баҳолаш учун аудиторлик фаолиятининг вужудга келишининг объектив заруриятга айлантирди. Қуйидаги омиллар Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг вужудга келишини объектив зарурият қилиб қўйди: турли мулкчилик шаклларидаги тижорат банкларининг вужудга келиши, шунингдек, капиталнинг шаклланиши, инвесторлар синфининг пайдо бўлиши; банкларнинг молиявий ҳисоботлари объектив ахборот асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиши; акциядорлик жамиятларининг, шунингдек, банкларнинг маъмурияти (бошқарув органи) мулкдорлар билан бевосита алоқа қилиш, уларнинг умумий йиғилишига ҳолисона ва объектив ахборотлар бериши; ҳисобот тузувчи компаниялар маъмурияти ва уларнинг инвесторлари, шунингдек, бу ҳисоботдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг манфатлари объектив равишда бир-биридан фарқ қилиши; капитал ҳаракатининг замонавий шакли сифатида фонд бозори қарор топиши ва ривожланиши.

Маълумки, аудиторлик текширувининг асосий маълумотларни олиш базаси бўлиб бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари, бошланғич ҳужжатдан бошлаб йиллик молиявий ҳисоботгача бўлган маълумотлар ҳисобланади. Аудиторлар текшириш жараёнида аудитнинг ишчи стандартларида белгиланган махсус услублардан фойдаланиб, аудиторлик далилларини йиғади, молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аудиторлик хулосалари билан тасдиқлайди ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тузатишга доир ўзларининг таклифларини беради, қўшимча проводкалар ва бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар бўйича фикр-мулоҳазаларини беради.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида” 365-сон қарори га қилинган 2-иловада «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида тегишли жавобгарлик белгиланган. Ушбу Низомнинг 3-4-бандларида⁷ аудит ўтказиладиган хўжалик субъектларининг жавобгарлиги қуйидагича белгиланган:

Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши жарима солиш учун асос ҳисобланади.

Қуйидагилар: ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майгача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги; аудиторлик ҳулосаси мавжуд эмаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майгача аудиторлик текширувидан ўткази ва аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик ҳулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

Шунинг учун мазкур Низомга мувофиқ амалиётда жиддий зиддиятлар келиб чиқмоқда. Солиқ органлари ходимлари томонидан молиявий ҳисоботнинг нотўғрилиги тўғридан-тўғри бир томонлама хал этилмоқда. Яъни, фақат солиқ органлари ходимларининг таклифлари инобатга олинмоқда. Лекин бунинг натижаси амалиётда ўзига хос қийинчиликларга олиб келяпти. Шу сабабли аудиторнинг жавобгарлиги масаласида аудитор

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида” 365-сон қарорига 2-илова. “Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисидаги Низом”.// “Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами”, 2000 й., N 9, 62-модда.

этикасида белгилаш ва уни амалиётга жорий қилиш муҳим масала ҳисобланади.

Шунинг билан биргаликда бу вазифани бажариш текшириш натижаларига ва аудиторнинг профессионал мулоҳаза юритиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Текширилаётган тижорат банкларнинг фаолияти (шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи) муайян мезонларга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида аудитор ўз фикрни билдириши билан ниҳоясига етади. Бу вазифани бажариш учун аудитордан кенг профессионал ва ҳатто интеллектуал дунёқараш, юксак ахлоқий фазилат ва назорат ишининг маълум кўникмалари талаб қилинади.

Аудиторлар далолат бериш вазифасини бажарар эканлар бухгалтерия ҳисоботининг тўғрилиги ва объективлиги тўғрисида фикр билдириш имконини берадиган етарли даражада ишончли далилларни ўз вақтида тўплашни ўзларининг вазифаси деб биладилар. Демак, аудиторлар кўпгина ҳолатларни ўзларининг вазифаларидан, шунингдек олинган топшириқ моҳиятидан келиб чиқмайдиган қўшимча деб ҳисоблашлари керак ва кўп аудиторлар шундай деб ҳисобламоқдалар.

Тижорат банкларида ҳозирги пайтда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда муаммолар мавжуд ва уни бартараф қилишда анча ишларни амалга ошириш лозим. Айниқса тижорат банки билан аудиторлик ташкилоти ўртасида иқтисодий манфаатдорлик жиҳатларини амалга оширишда кўйидагилар бўлиши мумкин:

а) фақат амалга оширилган текширишлар асосида эмас, шу билан бирга тахминий баҳолар асосида ўз фикрини ишлаб чиқиш;

б) суистеъмолликларни аниқлаш юзасидан фаол ҳаракат қилиш;

в) мижозлар орасида, шунингдек консолидациялашган молиявий ҳисобот ва аудиторлар ҳисоботларидан кенг доирадаги фойдаланувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

г) аудиторлар хулосаларининг моҳияти ва аудиторларнинг акциядорлар олдидаги масъулияти тўғрисида;

д) аудиторлар томонидан эмас, балки айни маъмурият томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш (аудиторлар ва маъмурият масъулиятини чекланиши) ҳақида;

е) аудиторларнинг асосий иши сифатида бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш ва текшириш тўғрисида;

ж) ҳолисона ва тўғри тузилган молиявий ҳисоботни тақдим этишга доир таърифнинг мазмуни ҳақида, ҳулосада фақат аудитор фикри ифодаланиши тўғрисида, ҳатто бу профессионал мулоҳаза юритишга қодир бўлган юқори малакали мутахассиснинг фикри бўлса ҳам.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аудиторлик рискин тўғри аниқлаш ва уни таърифини бериш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу масалада иқтисодчи олим Р.Дўсмуратов томонидан берилган таъриф тўғри аниқланган, яъни “Аудиторлик рисқи тушунчаси назарий таҳлили тасдиқлашча, аудит, молия, тадбиркорлик ва суғуртага оид айрим манбаларда “рисқ” атамаси турлича таржима қилиб қўлланилмоқда (“таваккалчилик”, “хатарлилик”, “хавф-хатар”, таҳлика”, “ғов” ва ҳ.к.). Бизнинг фикримизча, аудиторлик фаолиятига нисбатан бундай таржималар “рисқ” атамасининг асл моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Бу борада биз профессор Т.С.Маликов фикрига қўшиламмиз.⁸ Умуман мураккаб илмий атамаларни уларнинг моҳиятини ифодаламайдиган таржималар билан алмаштирмасдан, биринчи марта қўлланилганида изоҳлаган ҳолда, кейинчалик аслини қўллаш мақсадга мувофиқ.⁹ Демак, ушбу фикрга қўшилган ҳолда “рисқ”, шу жумладан “аудиторлик рисқи” атамаси қолдирилиши лозим. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси бир қанча қилинган ишларда бири аудиторлик фаолиятининг миллий стандартини(АФМС) қабул қилиниши ҳисобланади. №9- “Муҳимлик ва аудиторлик рисқи” номли АФМСга мувофиқ “аудиторлик рисқи-бу аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субъектив

⁸ Маликов Т.С. Молиявий қарорлар қабул қилиш асослари. Тошкент: “Шарқ”, 1996. -636.Б.5.

⁹ Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Тошкент: “Молия” нашриёти, 2007й. 276 б. Б.84

аниқланадиган , молиявий ҳисоботда, унинг ишончилиги тасдиқланганидан сўнг хатолар мавжудлигини тан олиш ёки молиявий ҳисоботда бундай камчиликлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлганда, унда камчиликлар мавжуд деб тан олиниш эҳтимолидир”¹⁰. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, молиявий ҳисоботлар аудитида риск доимий равишда мавжуд бўлади ва аудиторларнинг асосий вазифаси ушбу рискларни имкони борича камайтириш, унинг маълум бир чегарасини аниқлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан аудиторлик амалиётида унинг мақбул чегараси қандай бўлишлигини белгилаш муҳим масала ҳисобланади. Тижорат банкларида ушбу чегара қандай бўлиши керак, деган масала муҳим ҳисобланади ва уни аниқлашда хлқаро аудиторлик компанияларининг тажрибаси асосида ишлаб чиқилади. Аудиторлик рисклари бўйича халқаро аудит стандартларига кўра, Аудитнинг Халқаро Стандартлари (АХС)№ 320-“Аудитда муҳимлик”, АХС№400- “Рискларни баҳолаш ва ички назорат” деб номланган стандартлар асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу стандартга кўра муҳимлилик билан аудиторлик rischi ўртасида тескари алоқа мавжуд бўлиб, муҳимлик даражаси қанча юқори бўлса, , аудиторлик rischi шунчалик паст бўлади ёки, аксинча.га қуйидагича таъриф берилган. Шу жумладан шундай дейилган: “Аудит жараёнларини ишлаб чиқиш ва аудит рискин баҳолаш учун рискни қўлланилиши мумкин бўлган паст даражага тушириш учун аудитор ўзининг касбий мулоҳазасига эга бўлиши керак.

“Аудиторлик rischi”деганда аудитор томонидан молиявий ҳисобот жиддий қалбакилаштирилганда мос келмайдиган аудиторлик хулосасини берганда пайдо бўладиган рискка айтилади. Аудиторлик rischi қуйидаги 3 та компонентдан иборат бўлади: топа олмаслик rischi, назорат rischi ва ажратиб бўлмайдиган риск”.¹¹

Шунингдек , аудит рискига қуйидаги омиллар сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Булар:

¹⁰ Национальные стандарты аудита Республики Узбекистан. Ташкент:УБАМА, 2004.-258с.

¹¹ Международные стандарты аудита в Казахстане. Том 1. Алматы. Раритет, 2001. 400с.

1. Аудит ахлоқи (этикаси);
2. Жиддийлик;
3. Профессионал хизматдаги оғишишлар;
4. Аудит касбий малакавий талабларидаги савиялари;
5. Аудит далилларидаги ноаниқликлар;
6. Ички назоратдаги камчиликлар;
7. Режалашритишдаги назардан четда қолган омиллар.

Аудиторлик рисклари(аудитор rischi) текширилган молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисидаги фикрига асосланади ва ушбу фикр нотўғри бўлиши мумкин. Шу жумладан: тижорат банкларининг молиявий ҳисоботи аудитор томонидан тасдиқлангандан кейин муҳим четга чиқишлар аниқланиши ёки аудитор четга чиқишлар бўлмаса ҳам ҳисоботда четга чиқишлар мавжуд деб хулоса бериши мумкин.

Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар томонидан қуйидагича фикр билдирилади: “Аудиторлик рискини тўлиқ бартараф этиш мумкин эмас, шу сабабли аудитни режалаштириш жараёнида турли бўлиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиш орқали рискларни имкони борича камайтиришга ҳаракат қилинади. Умумий аудиторлик rischi қуйидаги турлардан иборат:

- Ички хўжалик rischi;
- Назорат rischi;
- Топа олмаслик rischi.

Аудит иш жараёнида ушбу рискларни ўрганиши, уларни баҳолаши ва баҳолаш натижаларини хужжатлаштириши керак. Рискларни аниқлашнинг қийинлиги шундаки, уларни аниқ қиймат шаклида баҳолаш мумкин эмас, шунинг учун улар аудитор томонидан юқори, ўрта ва паст даражада аниқланади”.¹²

“Аудитнинг махсус дастури асосида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, ҳамда баланснинг моддаларини аниқлаш, масалан: асосий капитал,

¹² Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П., Лебедев Е.А.Аудит банков: Учеб.пособие. -М.:Финансы и статистика, 2001. 352с.- С.39.

пул маблағлари, инвестициялар ёки дебитор қарзлар. Ташқи аудиторлар анъанавий равишда кредитларни ёмон бошқариш ва қаллобликларни назорат қилиши лозим. Шу билан бирга аудитни амалга ошириш жараёнида камдан кам ҳолларда кредит олувчиларнинг кредит таҳлили батафсил кўриб чиқилади.”¹³

Умуман банк рисклари тўғрисида қуйидагича фикр билдирилган: “Риск-бу муваффақиятга мўлжалланган фаолият бўлиб, ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолда иқтисодий субъектдан ушбу салбий ҳолатларни билими ва тадбиркорлиги билан бартараф этишини талаб қиладиган ҳолатга айтилади.”¹⁴

Ушбу формулага кўра аудиторлик рискнинг мақбул тўпламига таъсир қилувчи турли хил омиллар таъсир қилади. Ушбу формуладан тижорат банкларининг ташқи аудити ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин аудиторлик рискларини батафсил турлари бўйича гуруҳлаш иқтисодчи-олим В.В.Скобара томонидан қуйидагича берилган.

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, аудиторлик рисклари кўпгина томонларга боғлиқ бўлиб, ушбу омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан: Тадбиркорлик rischi бу бевосита аудиторлик riskига боғлиқ бўлмасада, аудиторлик текшириши натижаларига таъсир қилади ва молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги воқеаларнинг ушбу аудиторлик ҳулосасига таъсири бўлади.

Ички хўжалик riskини мавжуд бўлиши молия институтларининг қуйидаги ички таснифи билан боғлиқ ва ташқи муҳит шароитига ҳам боғлиқ, ички назорат тизими воситалари билан текшириш имкони йўқ. “Ички хўжалик riskини баҳолашда аудитор томонидан қуйидаги омилларга эътибор бериши лозим: мижоз бизнесининг моҳияти ва хусусиятларига; у томонидан амалга оширадиган операцияларининг турлари ва хажмига; мижозга тегишли фаолиятнинг жорий иқтисодий ҳолатига; раҳбарлик амалга

¹³ Грюнинг Х., Брайович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском/Пер.с англ. - М.:Издательство “Весь Мир”, 2004. 304с. -С.51

¹⁴ Банковские риски:учебное пособие/кол.авторов;под.ред.д-ра экон.наук, проф.О.И.Лаврушина и д-ра экон.наук, проф.Н.И.Валенцевой. - М.:КНОРУС, 2008. 232с. - С.11.

оширувчи ходимнинг виждонига, ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг жавобгарлиги; ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда ходимларнинг тажрибаси; амалдаги қонунчиликка кўра айрим операцияларнинг турлича талқин қилиниши; ноананъавий ва ностандарт операцияларнинг мавжудлиги; раҳбарият ва ходимларга ташқи муҳитдан босим ўтказилиши мумкинлиги; мулкдорлар томонидан мижоз фаолиятини назорат қилиш имкониятлари мумкинлиги.”

Кўрсаткичлар	Аниқланишлар
Аудиторлик ёки умумий риск	Аудитор томонидан қилигна аудиторлик амаллари натижасида нотўғри хулоса қилиш rischi, яъни нотўғри тузилган молиявий ҳисоботга ижобий хулоса бериш ёки аксинча
Ички риск	Ички назорат воситалари билан текшириш имкони бўлмаган, мижоз-компания таснифи натижасида вужудга келадиган riskнинг мавжуд бўлиши. Бунда бошқа тармоқларга қараганда юқори технологияли тармоқларда ички риск омили кўпроқ таъсир қилади. Банклардаги ва кассадаги пул маблағларини баҳолашга нисбатан заҳиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш мураккаброқ ишдир.
Назорат rischi	Ички назоратнинг муҳим хатоларни аниқлай олмаслиги ёки тасдиқламаслик rischi
Топа олмаслик rischi	Аудитор томонидан амалга оширилган текшириш амаллари ва молиявий ҳисоботни таҳлили муҳим хатоларни топа олмаслик хавфи
Таҳлил rischi	Таҳлил амалида муҳим хатолиликни аниқлай олмаслик rischi (топа олмаслик rischi таркиби)
Моҳияти бўйича текшириш rischi	Аудит ўтказиш жараёнида муҳим бўлган хатолиликларни танланма текшириш натижасида топа олмаслик rischi
Танланма-изланиш rischi	Танланма операциялар натижасида муҳим хатолиликларни топа олмаслик rischi
Тадбиркорлик rischi	Аудит натижаларига мижоз ва бошқа қизиқувчиларнинг молиявий йўқотиш бўйича даъво қилиш хавфини пайдо бўлиши

1-расм. Riskларнинг турлари.¹⁵

Демак ушбу таърифга кўра ички хўжалик riskини мавжудлиги кўпгина омилларга боғлиқ ва уларни ташқи аудитор томонидан ҳисобга олиниши лозим. Ички хўжалик riskларни баҳолаш орқали аудитор ўзининг иш

¹⁵ Скобара В.В. Аудит: методология и организация: монография. - М.: Издательство “Дело и Сервис”, 1998. - 576с. С.184

фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган рискларни аниқлаши муҳим ва аниқлай олмаслик riskини имкони борида камайитириши керак. Бизнинг фикримизча ушбу рискларни камайитириш учун тижорат банкларида аудитор томонидан қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб қилинади: аудиторлик текшируви жараёнида танлаш жараёнининг хажмини кўпайтириш, айниқса кредит портфелини таҳлил қилиш, чет эл валюта операцияларини кўпроқ қамраб олиш; аудиторлик текшируви учун вақт сарфини кўпайтириш, шу жумладан банкнинг асосий фаолиятини текширишга қаратиш керак; мазмуннинг хажмидан келиб чиқиб, иш хажми кўпайтириш лозим; аудиторлик амалларини қўллашда уларни модификация қилишга эътибор бериш.

Аудиторлик текширувида муҳимлилик билан аудиторлик riskи ўзаро тескари алоқада бўлади. Чунки муҳимлик даражасини юқори бўлиши ва унинг кўпроқ хажми қамраб олиши riskни камайишига олиб келади. Ушбу боғлиқлиқни қуйидагича ифодалаш мумкин: муҳимлилик даражаси юқори бўлса, умумий аудиторлик riskи паст бўлади; муҳимлилик даражаси паст бўлса, аудиторлик riskи шунчалик юқори бўлади.

Айниқса тижорат банкларининг аудити risk даражаси юқорилиги тўғрисида проф.Л.Р.Смирнова томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Riskка асосланган аудит, чет элда аудит ривожланишининг юқори босқичи ҳисобланади. Унда аудит ишларини risk даражаси юқори бўлган соҳага тўпланиши учун асос бўлади. Масалан: банк фаолиятида биринчи навбатда валюта операциялари, валюта позициясини юритиш билан боғлиқ risk, қимматли қўғозлар билан актив операциялари, фонд бозоридаги risk, кредит операциялари, кредит билан боғлиқ riskлар ва бошқалар.”¹⁶

Ушбу масала янада ривожлантирилиб, ушбу соҳани янада кенгрок тушуниш кераклиги таъкидланади ва унга қуйидагича таъриф берилади: “Банк назорати энг аввало банк riskларини баҳолашга асосланиши лозим.

¹⁶ Смирнова Л.Р. Банковский аудит: Учеб. пособие/Под ред. проф. М.И. Баканова. М.: Финансы и статистика, 2001. 448с. С.14

Банк иши – бу ишчан актив фаолият бўлиб, олинадиган фойда албатта риск билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли риск даражасини тўғри бошқариш ва уларни устидан назорат қилиш лозим.”¹⁷ Демак, аудиторлик rischi кўп жиҳатдан банк riskларига боғлиқ бўлиб, уларни янада батафсилроқ туркумлаш лозим ҳамда уни баҳолаш керак. Халқаро банк амалиётида турли riskларни ўлчаш ва назорат қилиш соҳасида етарлича тажриба тўпланган. Чунки айрим riskлар фақат банк фаолияти билан боғлиқ бўлади ва уларни тест усули билан назорат қилишнинг бошланғич даврида аниқлаш ҳамда баҳолаш лозим.

Шундай қилиб, хулоса қилиб шунини айтиш лозимки, банк riskларни тўғри гуруҳлаш ва уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу соҳада турли олимларнинг фикрларини умумлаштирилди ва муаллиф томонидан уларни қуйидагича гуруҳлаштириш таклиф қилинди.

Лекин ушбу гуруҳлаштириш етарлича якуний натижага эришилмаган. Чунки банк riskлар ҳар доим ҳам аудит riskларига мос келмайди. Шу сабабли аудит riskларини ҳисобга олишда асосий эътибор тижорат bankларининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тижорат bankларининг riskларини гуруҳланишини берилди ва унда қўшимча равишда молиявий инқироз riskи, баланслаштирилмаган тугатиш riskи, тугатиш riskи каби қўшимча riskларни гуруҳлари киритилди. Масалан молиявий инқироз riskи ҳозирги шароитда жуда долзарб ҳисобланади ва уни ҳисоблаш орқали молиявий инқирозни таъсирини камайитириш мумкин.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейинги даврда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат bankларининг фаолиятини ташқи аудитдан ўтказишда хорижий аудиторлик фирмалари билан бир қаторда Республикамиздаги маҳаллий аудиторлик фирмалар ўрни, улар фаолиятининг кўп жиҳатларини ташкил этиш масаласи муҳим ҳисобланади.

¹⁷ Банковский контроль и аудит/Под ред.Н.В.Фадеевиной. - М.:Финансы и статистика, 2002. 496с. - С.108

Бу банк аудити методологиясида, уни ташкил этишда, шунингдек, республикамиздаги аудиторлик ташкилотларининг кадрлари таркибига ҳам таъсир қилмоқда.

Ташқи аудитни ташкил этишда 2 хил ёндошув мавжуд:

1) Молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келишлигини текшириш, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари билан бирга бошқарувни яхшилаш бўйича раҳбариятга хат ҳам тавсия қилиш;

2) Молиявий ҳисоботлар аудити билан бирга банк фаолиятини ва унинг тўлов қобилияти, ликвидлиги ва ресурсларининг етарлилигини таҳлил қилиш асосида бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

Биринчи ёндашувда аниқ хўжалик операцияларини самарадорлиги ва ҳақиқий мазмуни, умуман тижорат банкларининг операцион, инвестицион ва молиявий фаолияти, бошқарувни ташкил этилиши, банк бошқарув тизимини яхшилаш, унинг салоҳиятини ошириш масалаларини, шунингдек активлари ва мажбуриятларини таҳлил қилиш, инвесторлар учун зарур ахборотлар етказиб бериш масалалари ташқи аудит шароитида етарлича очиб берилмайди.

Шу нуқтаи назардан тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини аудитини ўтказишда, шу жумладан аудиторлик рискларини аниқлаш билан боғлиқ муҳим методологик муаммолар вужудга келмоқда ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Тижорат банкларининг фаолиятини ташқи аудитида, хусусан, молиявий ҳисобот аудитини ўтказишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ишчи стандартларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш масалаласи тўлиқ ҳал қилинмаган;

2. Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва унинг натижаларини реализацияси масалаларида аудиторлик рискларини аниқлаш ва уларни баҳолаш даражаси тижорат банклари учун мажбурий аудиторлик талаб даражасида эмаслиги;

3. Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизмати бозорида талаб қилинган даражадан камлиги ёки етишмаслиги, шу жумладан ушбу ҳолат рақобат муҳитини яратиш имконини бермаслиги. Бундан ташқари банк аудитини ўтказиш учун аудитор малака сертификатига эга бўлган ва аудиторлик ташкилотлари аудитор сифатида тадбиркорликни бошлаш учун дастлабки капиталини ташкил этишнинг бироз қийинлиги;

4. Тижорат банкиларини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши ва аудиторлик хулосаларини марказий банкка ва солиқ органларига топшириш муддати ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларда 15-майгача қилиб белгиланиб қўйилганлиги аудиторлик ташкилотларида қийинчиликни туғдирмоқда. Чунки аудиторлик текшириш йиллик ҳисобот тузилгандан сўнг ўтказилади ва ушбу қисқа муддат ичида 2011 йил якунлари бўйича 30 га яқин тижорат банкида ташқи аудит ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича аудиторлик хулосаларини бериши лозим.

5. Маълум бўлган монополиячи аудиторлик компанияларнинг (PricewaterhouseCoopers, Deloitte & Touche, Ernst&Young,) Ўзбекистон молиявий институтларида аудиторлик бозорини эгаллаб олиши шундай вазиятга олиб келдики, улар Ўзбекистон аудиторлик хизмати бозорини энг йирик сегментлари-бўғимларини бошқариш вазифасини ҳам зиммасига олмоқда.

Шундай қилиб, санаб ўтилган аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, аудиторлик хулосаси билан бирга раҳбариятга хат ҳам тайёрладаи. Унда банк фаолиятини яхшилаш бўйича фикр-мулоҳазалар берилади. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмаси элементи ҳисобланган аудиторлик назорати банклар фаолиятини назорат қилиш тизимида алоҳида ўринга эга. Айни пайтда банкларда ташқи аудитини ўтказиш мажбурияти қонун томонидан мустаҳкамланган. Бунинг натижасида ташқи аудит текшируви натижасида олинган маълумотлар эса банклар,

мавжуд ёки бўлажак мижозлар, контрагентлар, сармоядорлар, бошқа қизиқувчилар билан ҳамкорликни бошлаш ёхуд давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади. Ташқи банк аудити тижорат банкларнинг молиявий ҳисоботи бўйича мустақил, банкка боғлиқ бўлмаган экспертиза сифатида биринчи навбатда, унинг акциядорлари ва сармоядорлари ва ташқи молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар манфаатлари учун амалга оширилади. Бироқ ташқи фойдаланувчилар доирасини фақат банк акциядорлари билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Уларни бевосита фойдаланувчилар ва билвосита фойдаланувчиларга гуруҳлаш лозим. Чунки банк томонидан кредит маблағларини кенг жалб қилиш банк соҳасидаги бизнеснинг ўзига хос хусусияти ҳисобланиши туфайли бизнинг фикримизча, ташқи аудиторлик хизматларига бўлган талаб тижорат банкларининг ҳақиқий ва бўлажак акциядорлари ҳамда кредит берувчилари томонидан шакллантирилади. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейинги даврда Ўзбекистон тижорат банклари фаолияти натижалари ҳақидаги маълумот аввало, банкнинг ҳиссадорлари, шериклик гуруҳлари таркибига кирадиган, яъни банкнинг молиявий фаолиятида бевосита иштирок этадиган, бу фаолиятга ўз ҳиссасини қўшадиган ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб, олинган маълумотларни таҳлил қиладиган фойдаланувчиларни қизиқтиради. Молиявий ҳисоботдан манфаатдор фойдаланувчиларнинг кўпгина мақсадли гуруҳлари – ҳақиқий ва бўлажак мижозлар, акциядорлар учун банк фаолиятининг самарадорлиги якуний молиявий натижалар фойда ёки зарар, даромад ва харажатларда акс эттирилади. Бунда банк ишончилигининг аҳамияти пасаймайди. Бироқ банк капиталининг ликвидлиги ва етарлилиги банк мененжерлари ҳамда банк назорати органларининг доимий манфаатига ҳам тааллуқлидир. Шу тариқа, банк фаолиятининг молиявий натижаси банк фаолияти самарадорлигини ифода этади ва аудиторлик текширувнинг мажбурий объектига айланади.

Тижорат банклари молиявий фаолиятининг натижаларига ташқи ва ички омиллар таъсир қилади. Шу сабабли уларни иқтисодий кўрсаткичлар тизими

ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. тижорат банклари фаолиятининг молиявий натижалари кўрсаткичлари тизимининг асосий вазифаси банкда амалга оширилаётган жараёнларни бир хил акс эттирадиган фаолият натижаларини ҳар томонлама ва комплекс баҳолашдан иборат. Банк фаолияти, банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисоботи бўйича талаблар бошқа тижорат компанияларига қўйиладиган талаблардан фарқ қилади. Шу боис даромад ва харажатлар банк фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари сифатида намоён бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, даромад ва харажатлар банк фаолиятининг молиявий натижалари сирасига киради. Бу эса банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, активлар ва пасивларни бошқаришнинг қабул қилинган услублари билан боғлиқдир.

Банк даромади ва харажатларни шакллантириш услубияти банк томонидан тузиладиган ҳисобот моддалари таркиби ва мазмуни билан боғлиқ. Тижорат банкларининг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисобот кўйидагиларни ўз ичига олиши лозим: фоизлар ва ўхшаш даромадлар; фоизли ва шунга ўхшаш харажатлар; дивидендлар шаклидаги даромад; воситачилик ва гонорар шаклидаги даромадлар; воситачилик ҳақи ва гонорарларни тўлаш харажатлари; тижорат қоғозлари бўйича зарарлар чиқариб ташланган ҳолдаги фойда; инвестициявий қимматли қоғозлар бўйича харажатлар чиқариб ташланган ҳолдаги даромад; валюта операциялари бўйича кўрилган зарарлар чиқариб ташланган ҳолдаги даромад; бошқа операцион даромадлари; ссуда ва бўнақлар бўйича зарарлар; умумий маъмурий харажатлар; бошқа операцион харажатлари.

Шундай қилиб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шакли банк фаолиятининг молиявий натижалари кўрсаткичларини шакллантиришнинг иқтисодий модели ҳисобланади. Ушбу модел даромадлар манбаларига қараб таснифланадиган олинган даромад гуруҳлари ва тегишли харажатлар гуруҳлари ўртасидаги нисбат принциплари асосида тузилади.

Молиявий натижаларни аудиторлик текширишни ташкил этиш умумий принципларга асосланган бўлиб, олдиндан режалаштириш, режа ва дастур тузиш, аудиторлик жараёнлари ва ахборот олиш услублари, аудиторлик далилларни тўплаш, текширув натижаларини умумлаштириш ҳамда аудиторлик хулосасини тузишни ўз ичига олади.

№	Аудиторлик текширув босқичлари	Аудиторнинг асосий вазифалари
1.	Бизнес билан танишиш	• Тижорат банки фаолияти билан танишиш, унинг таркиби, фаолият соҳалари, капитали, кредит портфели ва бошқалар.
2.	Олдиндан режалаштириш	• Банк аудитида аҳамиятли соҳаларни аниқлаш. • Фаолият узлуксизлиги принципига риоя қилишни баҳолаш. • Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш, • Ҳисоб сиёсатига баҳо бериш. • Аудиторлик ҳисоботлари маълумот базасини режалаштириш; • Фойдаланиладиган ишчи стандартларни аниқлаш.
2	Умумий режа ва дастурни тайёрлаш ҳамда тузиш	• Текшириладиган объектлар тўғрисида ахборот йиғиш, • Муҳимлик даражаси ва аудиторлик rischi даражасини аниқлаш. • Аудит умумий режасини тузиш. • Аудит дастурини асосий бўлимлар бўйича тузиш.
3	Умумий режа ва дастурни бажариш	• Аудиторлик ҳисобот тузиш учун етарли далилларга эга бўлишлилиқ, • аудит ўтказиш жараёни, дастур асосида белгиланган объектларни текшириш, • танлаш усуллари асосида аудитни ташкил этиш.
4	Аудит натижаларини умумлаштириш ва тижорат банки молиявий ҳисоботига аудиторлик хулосасини тузиш	• Олинган аудиторлик далиллар етарлигини баҳолаш. • Молиявий ҳисоботни тўғрилиги ҳақида ва қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида фикр билдириш, • раҳбариятга хат тайёрлаш, • аудиторлик хулосасини шакллантириш
5	Ички назорат тизимини ўрганиш ва уни баҳолаш	• Ички назорат тизимини таркиби билан танишиш, • Ички назоратни ташкил этиш тартибига баҳо бериш, • Субъект фаолиятини назорат қилиш усуллари таҳлил қилиш, • Ички назоратни тўлиқлигига ва ишончлилигига баҳо бериш.

2-расм. Тижорат банкларида аудиторлик текширув босқичлари¹⁸

¹⁸ Смирнова Л.Р. Банковский аудит: Учеб. пособие / Под ред. проф. М.И. Баканова. М.: Финансы и статистика, 2001. 448с.

Аудиторлик текширув мақсади аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини мажбурий аудит доирасида ўтказиладиган аудит текширувидан кўзланган мақсад фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини тасдиқлаш, амалдаги талабларга риоя қилинишни баҳолаш ҳисобланади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларининг аудиторлик текширувини режалаштиришда аудитор қуйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади: текширув объекти ҳисобланган даромад ва харажатлар турларини аниқлаш; текшириладиган ҳар бир объект бўйича бухгалтерия ҳисоби ва назорат тизимини ташкил этишни баҳолаш; текширув хусусиятини аниқлаш (мос келиши ёки тўғрилиги бўйича); текширув услуги тўғрисида қарор қабул қилиш (ялписига ёки танлаб); текшириладиган ҳар бир объектга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик далилларни тўплаш услубини танлаш.

Бизнинг фикримизча, текшириладиган объектни белгилашда банк даромади ва харажатини таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, даромад учун белгиланган муҳимлик даражасини ҳисобга олиш зарур. Режалаштириш босқичида таҳлилий жараёнларни қўллаш банк фаолияти ва унинг ҳисоботида ўзига хос бўлмаган ҳолатни аниқлаш имконини беради. Масалан, ҳисобот даврида мижоз томонидан тайёрланган ҳисобот маълумотлари билан аудиторлик далиллар асосида тўпланган маълумотлар ўртасидаги жиддий тафовут бухгалтерия ҳисоби ва тижорат банки молиявий ҳисоботидаги хато ҳамда камчиликлар тўғрисида далолат бериши мумкин. Аудитор уларни юзага келтирган сабабларни ва бу нормал иқтисодий ҳолатлар таъсири натижасими ёки бошқа ҳолатлар таъсири бўлганми ушбу жиҳатларни ўрганиб чиқиб, таҳлил қилади. Таҳлил натижалари эса мижоз фаолияти хусусиятлари, даромадни шакллантириш манбалари, асосий даромад манбалари ва маблағларни сарфлаш йўналишлари, шунингдек, банк фаолиятининг молиявий натижалари ҳажми ҳамда ўзгариш суръатига таъсир қилган омилларни аниқлаш имконини

беради. Бизнинг фикримизча, банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича аналитик амалларни бир қанча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар қуйидагилар деб ҳисоблаймиз: банк даромади ва уни ўсиш суръати манбалари бўйича аналитик амалларни бажариш; ҳисобот даври ва ўсиш суръати ҳолатига кўра, даромад ва харажатлар таркиби ҳамда тузилмасини баҳолаш; банк фаолиятининг молиявий натижаларини далиллар асосида таҳлил қилиш.

Банк даромади ва харажатларини далиллар асосида аналитик амалларни бажариш даромад ва харажатларнинг таркибий тизимини тузиш, тузилган тизимларни математик ифодалаш, омиллар таъсирини ҳисоблаш учун бартараф этиш принциплари ва ўрин алмашиш услубидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Банк фаолиятининг молиявий натижаларга нисбатан қўлланиладиган муҳимлик даражаси йўл қўйиладиган хато кўламини ифода этади. Йўл қўйиладиган хато деганда текшириладиган объектлардаги янглишишлар даражаси тушунилади. Буни аудитор аҳамиятсиз ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблайди. Аудитор йўл қўйиладиган хато даражасини аниқлашда текшириш учун мўлжалланган объектлар аҳамиятидан келиб чиқади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олиб, банк даромадлари ва харажатларини текшириш учун мўлжалланган объектга айланиши мумкин. Улар ҳақидаги ахборотни ошкора қилиш даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклида кўзда тутилган.

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини аудитини амалга ошириш жараёнида муҳимлилик, аудит далиллари, танлаш ва аудит рисклари бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рискни ушбу амаллар билан боғлиқ ҳолда кўриш керак. Чунки аудит далиллари йиғиш, муҳимлилик даражаси ва аудиторлик rischi даражалари ва бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини тестдан ўтказиш натижаларига кўра аудит ҳажми аниқланади: меҳнат сарфи, аудиторлик далиллари тўплаш учун бажариладиган аудиторлик амалларининг таркиби ва тавсифи ва ҳ.к.

Аудиторлик ташкилоти тижорат банкларида аудиторлик далиллари асосида аудиторлик хулосасини ва ҳисоботини шакллантиради. Унинг натижалари асосида ижобий ёки салбий хулоса тузилиб, шу асосида молиявий ҳисоботни чоп этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

Ушбу ҳолатда муҳим масала аудиторлик рискларини баҳолаш тартиби ҳисобланади. Аудиторлик рискларини баҳолашдан олдин унинг мақбул тўпламини белгиловчи формулага яна бир бор мурожат қилишга тўғри келади. Аудиторлик рискини баҳолашда ушбу рискларни ҳар бири бўйича тегишли баҳоларни топишимиз лозим. Масалан: топа олмаслик rischi ва уни баҳолаш бўйича Р.Д.Дўсмуратов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Аниқланмаслик рискини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Таҳлилий риск*-бу таҳлил амаллари (ишлари) бажарилганда жиддий хатоларга йўл қўйилиш riskидир. Бундай хатоларни аудитор кўриши мумкин, аммо жуда мураккаблиги ҳамда ўзининг малакаси етишмаслиги сабабли тушунмасдан ўтказиб юбориши мумкин.

2. *Танлашдаги риск*-бу жиддий хато-камчиликларнинг назорат тестларини ўтказиш (танлаб олиш) чоғидаги ҳам, хўжалик муомалаларини моҳиятан текшириш чоғида ҳам аниқланмай қолиш эҳтимолидир.”¹⁹

Демак ушбу рискларни шу гуруҳлар асосида баҳолаш лозим. “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” бўйича аудитор томонидан аниқланган ички хўжалик rischi -90%, назорат rischi -58% ва топа олмаслик rischi-8% ташкил этади. Ушбу формула бўйича ҳисоблаганимизда қуйидагича натижага эришилди.

$$DAR=IR \times CR \times DR = 0,90 \times 0,58 \times 0,08 = 0,04176 \text{ ёки } 4,2\%$$

Ушбу формула асосида аудитор ҳисоблаш натижалари бўйича аудитнинг мақбул тўплами 4,2% юқори бўлмаслиги, унинг фикри бўйича ушбу режалаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

¹⁹ Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт.: Монография. - Тошкент: “Молия” нашриёти, 2007. 276б. - Б88.

Ташқи аудит томонидан ушбу кўрсаткичлар 5 йил давомида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида қуйидагича бўлган.

2-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ташқи аудит томонидан аудиторлик рискининг мақбул тўплами динамикаси²⁰ (йил бошига)

Кўрсаткичлар	2006й	2007й	2008й	2009й	2010й	2011й	2012й
1.Ички хўжалик rischi	0,88	0,90	0,85	0,83	0,82	0,89	0,90
2.Назорат rischi	0,58	0,58	0,60	0,62	0,59	0,61	0,61
3.Топа олмаслик rischi	0,08	0,08	0,09	0,08	0,09	0,10	0,08
4.Аудиторлик рискининг мақбул тўплами	0,0408	0,0417	0,0459	0,0412	0,0435	0,0543	0,0439

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йил 5,43%, 2006 йили 4,59% бўлиб, қолган йилларда аудиторлик рискининг мақбул тўплами 4,2% атрофида кўрсаткични ташкил этган. Лекин ушбу усул яхши бўлганлиги билан аудитор кўпчилик ҳолларда унда фойдаланмайди ва ушбу формула самараси камроқ. Шу сабабли самарали режа тузиш мақсадида аудитор томонидан рискни ҳисоблашнинг иккинчи усулидан фойдаланади, яъни топа олмаслик рискни аниқлайди ва тегишли аудиторлик маълумотлари асосида ушбу кўрсаткич ҳисобланади. Шу мақсадда аудиторлик rischi модели қуйидагича қайта ҳисобланади:

$$DR=DAR/IrxCR$$

Юқоридаги маълумотлар асосида аудитор томонидан ўзига мақбул аудиторлик рискни 5% деб белгилади. У ҳолда юқоридаги маълумотлар асосида ҳисоблаганимизда қуйидагича кўрсаткичларга эришилди:

²⁰ Ушбу жадвал ТИФ Миллий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

$$DR = 0,05/0,8 * 0,5 = 0,125$$

Демак, ушбу формулага кўра, аудитнинг моҳиятидан келиб чиқиб, аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудитнинг ишончлилиқ даражасини аниқлашимиз мумкин. Уни ҳисоблашда $100\% - 12,5\% = 87,5\%$ ни ташкил этади.

3-жадвал

Аудиторлик rischi тўплamlарини аудитнинг мақбул тўплaмига боғлиқлигини таҳлили²¹

Аудиторлик riskининг мақбул тўплaми	Ички назoрат riskи	Назорат riskи	Топа олмаслик riskи	Аудитнинг ишончлилиқ даражаси
5%	80%	70%	8,9%	91,1%
4,5%	75%	75%	8%	92%
4%	85%	70%	6%	94%
5%	75%	80%	8%	92%

“Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” аудитини амалга оширишда аудит натижаси бўйича кутилаётган ишончлилиқ даражаси $87,5\%$ ни ташкил этади ва банк аудитнинг вазифаси аудит ўтказишда аудит танловини янада кенгайтириш ва текширувлар кўламини кўпроқ қисмини жалб этишга қаратиши лозим. Шундай қилиб ушбу формулага кўра ички хўжалиқ riskи ва назoрат riskи билан топа олмаслик riskи ўзарo боғлиқ бўлади ва улар турли комбинацияларда турличa таъсир қилади.

Ушбу жадвалда кўриниб турибдики, аудит ўтказиш жараёнида топа олмаслик riskи доимий равишда мавжуд бўлади Чунки аудит жараёнида танлаш жараёни даражаси қанчалиқ тўлиқ бўлса, шунчалиқ ушбу кўрсаткич кичик бўлади ва ушбу маълумотларда юқоридаги модел бўйича аудиторлик riskини ҳисоблаш тартиби келтирилган. Аудитнинг мақбул тўплaми одатда халқарo аудит жараёнида 5% яқин деб қаралади ва ушбу кўрсаткич аудиторлик фирмасида ҳам қўлланилганда аудитнинг ишончлилиқ даражаси 92 фоиздан юқори бўлган. Лекин шуни таъкидлаш керакки, аудит қилиш

²¹ Ушбу жадвал “Одил-аудит” аудиторлик фирмасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

жараёнида танлаш усулларида фойдаланилмасдан 100% аудит жараёни камраб олинса, у ҳолда ишончлилик даражаси ҳам 100 га тенг бўлади. Ушбу боғлиқликлар умумий аудит жараёнида қандай амал қилиниши Россиялик олимлар А.Д.Шеремет, В.П.Суйц томонидан уларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича ифодалаганлар.

3-расм

Аудиторлик рисклар тўплами элементларининг ҳар хил даражадаги ўзаро боғлиқлиги²²

		Назорат воситаларининг рискига аудитор баҳоси		
		Юқори	Ўртача	Паст
Ажралмас рискига аудиторнинг баҳоси	Юқори	Энг паст	пастроқ	ўртача
	Ўртача	Пастроқ	ўртача	юқори
	Паст	Ўртача	юқори	Энг юқори

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ажралмаслик rischi даражаси назорат воситаларини riskини баҳолаш ва топа олмаслик riskини аниқлаш орқали қўлланиши мумкин бўлган даражада бўлишини таъминлаш лозим. Ажралмас ва назорат воситаларининг rischi баҳолаш даражаси жуда паст бўлиши оқибатида қўшимча муҳимлик бўйича аудит амалларини бажариш эҳтиёжи пайдо бўлишини олдини олиш лозим.

Тижорат банкларида аудиторлик riskларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим ва шу сабабли ушбу масалада иқтисодчи-олим Н.Каримов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, тижорат банклари фаолиятини riskлар билан боғлиқ бўлган позицияларини қўшимча назорат қилиш ва уларнинг мониторингини юритиш банкнинг ички аудит тизими томонидан ҳам амалга оширилиши лозим. Бу ерда ички аудит бўлими харажатлар ва даромадлилик даражасини таҳлилдан ўтказиш асосида riskларни назорат қилади, шунингдек, активлар

²² Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.:ИНФРА-М, 2006.-448с. С.149

ва пассивлар бўйича мувозанатлаштирилмаган позицияларнинг молиявий натижага таъсирини баҳолайди.”²³ Демак ушбу фикрлар асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин. Тижорат банкларининг аудиторлик рискларини бошқаришда рискларни келиб чиқиш манбаларини ҳисобга олиш ва банкнинг асосий фаолиятини ҳисобга олган ҳолда унинг минимал ва максимал чегарасини ҳисоблаш лозим.

Аудиторлик рискининг минимал чегараси аудиторлик рискларининг мақбул чегарасига боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Ушбу чегара муҳимлилик даражасини актив ва пассивларни бошқариш, счётлардаги қолдиқлар, оборотлар, капитални жойлаштириш, операцион ва бошқарув харажатлари даражаларига боғлиқ ҳолда ташкил этилади.

Тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилишда рискларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ушбу соҳада рискларни баҳолаш масаласи бўйича иқтисодчи-олим Норқобилов С. томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Шу билан бирга, аудиторлар банк томонидан амалга оширилган барча–ҳам иқтисодий, ҳам бухгалтерия операцияларининг тўғрилигини баҳолашлари лозим, диққат-эътиборни кўпроқ банкнинг барқарорлигига қаратишлари керак. Масалан, Буюк Британияда аудит масаласи бир оз бошқачароқ бўлиб, банкнинг номолиявий омилларига, ўлчаб бўлмайдиган томонларига кўпроқ урғу берилади. Хусусан: кадрлар сиёсати (малакали кадрларни ёллаш имконияти ва етарлилигини таъминлаш, асосий ходимларнинг меҳнатига тўловлар самарадорлиги, асосий ходимларни йўқотиш оқибатлари); қарорларни қабул қилиш шартлари ва мажбуриятларини тақсимлаш (қарорларни ҳужжатларда акс эттириш, ҳисоб-китобларни олиб бориш ва бу жараёнларни назорат қилувчи ҳамма даражадаги шахслар ўртасидаги вазифаларнинг аниқ тақсимланиши); таваккалчиликларни бошқариш (аниқлаш процедуралари,

²³ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. -Тошкент: «ФАН», 2006. - 262б. Б.32.

таваккалчиликларни ўлчаш ва кузатиш, улар бўйича ҳисоботлар мавжудлиги).”²⁴

Ушбу шароитда рискларни бошқариш, энг аввало банк аудити рискларини бошқариш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки улар бевосита банк рискларига ҳам боғлиқ бўлиб, уларни минималлаштириш аудиторлик рискларини ҳам камайтириш имконини беради.

1.3. Аудиторлик хулосаларини бериш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари.

“Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик Хулосаси” аудиторлик фаолияти Миллий андозаси (70-сон). Мазкур Аудиторлик фаолияти миллий андозаси (АФМА) "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида" 365-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш элементи ҳисобланади

Андозанинг мақсади аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузишнинг ягона тартибини жорий этиш ҳисобланади.

Мазкур андоза талаблари аудиторлик текширувини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосасини тақдим этиш пайтида барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари томонидан тегишли аудиторлик

²⁴ Норқобилов С., Абдусаломова О. Банкларда аудит. - Тошкент: “Маънавият”, 2005. - 176б. Б.37-38

ташкilotи албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкilotи жавоб беради. (ЎзР ВМ 10.11.2006 й. 235-сон Қарори тахриридаги хат боши)

Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Аудит натижаларини умумлаштириш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади: ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш; аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш; аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш; фаолият кўрсатаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш; бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш; ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш; текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз-корхона раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш; аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Аудитор ўз ҳисоботида қуйидаги ҳоллардаги каби, катта номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур: хўжалик юритувчи субъект ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари; текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир хўжалик муомалалари; мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофиқликлар; инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш қайдномалари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар; катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига кутилган

жавоблар олинмаганлиги; текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган ҳўжалик муомалалари.

Аудитор тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиши керак. Шунингдек, катта хатолар хатарини дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олиниши лозим.

Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур. 580-сонли «Субъект раҳбариятининг тақдимотлари» номли АХС-га асосан охириги аудиторлик далиллари сифатида ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг тақдими аудитори томонидан олинади ва ишчи ҳужжатлар таркибига киритилади.

Аудит натижаларини умумлаштириш билан биргаликда аудитор, аудиторлик текширувини якунлаш жараёнида аудит дастурининг барча бандлари бажарилганлигини текшириши лозим.

Барча белги қўйилган суммалар якуний ишчи ҳужжатларини тайёрлашда таҳлил қилиниши ва ҳисобга олиниши лозим. Ушбу ишларнинг натижаларини бошқа олинган далиллар билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Масалан, даъво муддати ўтиб кетаётган туланмай қолган счётлар ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебет қолдиқларнинг аниқланган суммаларига маълумотлар мувофиқлиги тўғрисида тасдиқ олиниши мумкин. Бу ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларининг ишончлилиги ҳақида етарли далилларга эга бўлади.

Агарда олинган тасдиқлар натижаларига кўра контрагентда бундай қарздорликнинг йўқлиги аниқланса, у ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларини ишончсиз деб баҳолаши мумкин.

Аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларини Бош дафтар билан таққослаш мижоз томонидан вақти-вақти билан ўтказиладиган назорат

тадбири бўлиб ҳисобланади. Қоидага кўра, аудиторлар қилинган таққослашларни, аниқланган ғайриоддий суммаларни таҳлил қилади, жами суммаларни қайта жамлаб чиқади.

Аудиторлик фирма барча аудитлар АФМС (АХС) га мувофик ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган миллий (халқаро) стандартларга тегишли сиёсат ва сифат назорати муолажаларини бажариши лозим.

Аудиторлик фирма томонидан қабул қилинган сифат назорати сиёсати масалаларига, одатда, қуйидагилар киради:

- ✓ Малакавий талаблар²⁵:
- ✓ Малака ва малакавий касбдан хабардорлик²⁶:
- ✓ Вазифаларни топшириш:
- ✓ Ваколатни юклаш:
- ✓ Маслаҳатлашиш:
- ✓ Мижозларни қабул қилиш ва сақлаш:

Аудит дастури аудит йўналишини аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун етказишнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Йўналиш беришда, шунингдек, аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун аудитнинг умумий режаси ва вақт бюджетини етказиш фойдалидир.

Ишга раҳбарлик қилиш ишни йўналтириш ва уни шарҳлаш билан яқиндан боғлиқдир ва ўз ичига уни ҳам буни ҳам элементларини киритиши мумкин. 16-сонли «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятнинг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) ва 10-сонли «Шартли ҳодисалар ва ҳисобот санасидан кейин содир этилган ҳодисалар» Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БХХС) давр яқунлангандан кейин молиявий ҳисоботда акс этилган ижобий ҳодисалар билан бир қаторда

²⁵ Ўз.Р Бухгалтер ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси томонидан чоп этилган «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси» ҳамда бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган «Малакавий бухгалтерларнинг ахлоқий Кодекси»га ва аудиторлар томонидан 200 АХС «Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва мақсади» тлаблари билан изоҳлаш керак.

²⁶ Аудиторлик ахлоқ Кодекси

салбий ҳодисаларни ҳам кўриб чиқади ва ушбу икки турдаги ҳодисаларни солиштиради:

а) давр охирига мавжуд бўлган шартлар бўйича қўшимча далиллар тақдим этадиганлари;

б) давр якунлангандан кейин вужудга келган вазиятларга қаратувчилари.

Аудитор молиявий ҳисоботда тузатишлар ёки ёритишлар талаб қилиши мумкин бўлган аудиторнинг ҳисобот санасигача вужудга келган барча ҳодисалар солиштирилиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш учун муолажаларни амалга ошириши лозим.

Аудитор аудиторлик ҳисоботи санасидан кейинги молиявий ҳисобот юзасидан бажарилган муолажалар ёки амалга оширилган ҳар қандай сўровномалар бўйича ҳеч қандай масъулиятга эга эмас. Аудитор ҳисоботи санасидан то молиявий ҳисобот чоп этилгунга қадар бўлган давр мобайнида, молиявий ҳисоботга таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида аудиторга хабар бериш юзасидан масъулият субъект раҳбарияти зиммасида бўлади.

Раҳбарият молиявий ҳисоботга тузатишлар киритган тақдирда, янги аудиторлик ҳисоботига тузатилган молиявий ҳисобот имзоланган ёки тузатилган санадан олдинроқ бўлган сана қўйилмайди ва муолажаларнинг ижро муддатини янги аудиторлик ҳисоботи санасигача узайтириш лозим.

Агар аудитор молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш керак деб ҳисобласа, субъект раҳбарияти эса молиявий ҳисоботга тузатишлар киритмаса ва аудиторлик ҳисоботи ҳали субъектга тақдим этилмаган тақдирда, аудитор фикрини шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.

Субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботни қайтадан кўриб чиққан тақдирда, аудитор илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва аудитор ҳисоботини олган барча фойдаланувчилар вазият тўғрисида хабар олганликларига ишонч ҳосил қилиш учун ушбу вазиятда керакли бўлган аудиторлик муолажаларини бажариши, субъект раҳбарияти томонидан

қўйилган қадамларни шарҳлаши ҳамда қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисобот бўйича янги ҳисобот тақдим этиши лозим.

Янги аудиторлик ҳисоботи илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва илгари тақдим этилган аудиторлик ҳисоботи қайтадан кўриб чиқилишини кенгроқ ёритиб берадиган изохлар билан тушунтириш банддан иборат бўлиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби. Аудитнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумлаштирилган ва баҳоланган текширув натижаларини камида иккита ҳужжат билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1) Аудит ҳақидаги шартномада кўзда тутилган давр ичидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

2) Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистан Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича: аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қойида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат (18-модда). 70-сон «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли АФМС га мувофиқ аудиторлик ҳисоботининг таркиби қуйидагича: номи («Аудиторлик ҳисобот» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» деган ҳар иккала ном бир хил маънога эга); адресат номи; кириш қисми; аъкидлаш қисми; якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказган аудиторлар томонидан бетма-бет имзоланиши лозим. Аудиторлик

ҳисоботи аудиторлик текширувининг буюртмачисига, буюртмачининг барча зарур реквизитлари кўрсатилган ҳолда жўнатилади.

70-сонли «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» номли АФМС га мувофиқ, аудиторлик ташкилоти тузилган аудиторлик ҳисоботи учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ушбу АФМС нинг 16-17 бандларига асосан аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий ҳисобланади ва уни ошкор этиш мумкин эмас. Ушбу ахборотларга алоқадор шахслар ахборотларни ошкор қилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган ҳисоботда корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларининг умумий аҳволи, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати, таҳлил ишларининг даражаси ҳамда корхонадаги ҳисоб-таҳлил ходимларининг тавсифи акс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари корхона бозор шароитларига қандай мослашаётганлиги ва муваффақиятли ривожланиши ҳамда фойдасини кўпайтира олишга қодирлигини ёки аксинчалигини билдириши лозим. Албатта, текширилаётган корхонадаги аҳвол беабад кўрсатилмасдан, аудиторга тақдим қилинган ахборот ҳақиқий бўлгандагина эҳтиросларга берилмаган ва реал аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулоса шаклланади. Акс ҳолда, аудиторлик текшируви бефойда ва уни ўтказиш учун сарфланган маблағ эса зое кетади.

Аудитор ҳисоботда келтирилган камчиликлар бўйича уларни бартараф қилишга қаратилган ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим. Лекин текширилаётган корхона ходимларига «яхшилик» қилиш мақсадида аудитор шахсан ўзи дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботларидаги хатоларни тўғрилаши мутлақо мумкин эмас.

Шу билан бирга аудиторларга у ёки бу нохуш фактларни бошқача қилиб ёритишга ёки текширувчилар учун қулай хулоса тузиб беришга мажбурлаш мақсадида руҳий, жисмоний ёки бошқача тазйиқлар ўтказган ҳолларда улар қатъийлик ва принципиаллик билан иш тутишлари лозим.

Аудитор аниқланган хато ёки камчиликлар тўғрисида корхона раҳбариятига билдиради ва уларни тузатиш бўйича аниқ тавсиялар беради.

Агар бухгалтерлик (молиявий) ҳисобни юритиш, тегишли ҳисоботларни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш бўйича кўрсатилган камчиликлар аудит ўтказиш чоғида буюртмачи корхона томонидан тузатилмаса, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқлаш мумкин эмаслиги тўғрисида аудиторлик текширувининг хулосасида ёзилади. Аудит жараёнида эса бу проводкаларнинг биринчидан тўғрилиги, иккинчидан улардаги суммаларнинг тегишли ҳисобот ҳужжатларида қайд этганлиги текширилади. Агар маълум камчилик ва хатоликлар содир этилган бўлса, бунга, албатта, аудитор ўзининг изоҳини келтиради. Яъни, ҳисобда тўғрилаш ишлари (қўшимча проводка, қизил ёзув (сторно)) амалга оширилади. Бундан, аудитор текшириш чоғида ҳисобнинг узлуксизлик тамойилига амал қилганлигини англаш мумкин.

Аудиторлик хулосаси ва уни тузиш тартиби. Аудиторлик хулосаси бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб, аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадилар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан қўлга киритилади ва оқланади.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак (14-модда).

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг

фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

№	Фойдаланувчилар	Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар.
1	Акционерлар	Жамиятнинг молиявий ҳолати ва дивидендлар фоизи бўйича келгусидаги дивиденд сиёсати
2	Инвесторлар	Маблағларни сарфлашдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик ва таваккалчилик даражаси
3	Кредиторлар ва депозиторлар	Корхонанинг молиявий барқарорлиги, яъни кредиторлар ва дебиторларни ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш имконияти ва хоказо.
4	Хизмат кўрсатувчи банклари	Банк корреспондентнинг ишончилиги
5	Юқори турувчи ташкилот	корхонанинг самарали бошқарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар
6	Давлат солиқ қўмитаси	Активлар, даромад, харажатлар ва солиқ тўланиши бўйича маълумотлар
7	Бошқа давлат органлари	Миллий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар, харажатлар ва бошқа статистик маълумотлар
8	Ишчи ва хизматчилар	Мехнат ҳақини тўлаш қобилияти.

4-расм. Аудиторлик хулосасидан фойдаланувчилар²⁷

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади. Аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган аудиторлик хулосасини тайёрлаш ишларида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) қоидаларининг талабларини инобатга олиш зарур. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда асосан № 70 - «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартидан (АФМС) фойдаланилади.

Бошқача қилиб айтанда, аудиторлик текшируви мумкин қадар объектив бўлиб, унинг хулосаси маълум маънода хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти устидан чиқарилган «ҳукм» ҳисобланади.

Шунингдек, давлат органлари топшириғига биноан ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосаси Ўзбекистан Республикаси

²⁷ “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик Хулосаси” аудиторлик фаолияти Миллий андозаси (70-сон).

процессуал қонунчилигига мувофиқ тайинланган экспертиза хулосасига тенглаштирилади.

Аудиторлик хулосаси учта: кириш, таъкидловчи ва якунловчи қисмдан иборат бўлиши лозим.

1. Кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

Шу билан бирга аудиторлик хулосасининг кириш қисмида текширувдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар рўйхати, санаси ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда акс эттирилиши лозим. Шунингдек, кириш қисмида аудиторлик текширувидан ўтказиладиган ҳисоботнинг тайёрланиши ва ишончилиги учун маъсулият хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига юклатилиши, мазкур молиявий ҳисобот бўйича берилган аудиторлик хулосаси учун эса аудиторлик ташкилоти жавобгар эканлиги кўрсатилиши лозим.

2. Аудиторлик хулосасининг таъкидловчи қисмида аудиторлик хулосаси АФМС га мувофиқ, ўтказилганлиги таъкидланиши лозим.

Таъкидловчи қисм молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишончилигини ва қонунчиликка, ҳамда хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволига мувофиқлигини баҳоланиши кўрсатиши лозим. Шунингдек, таъкидловчи қисмда ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарли асос бериши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи акс эттирилиши лозим.

3. Аудиторлик хулосасининг якунловчи қисмида хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботи ишончилиги ва қонунчиликка мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисида ёзув ёзилади.

Аудиторлик хулосасини аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки аудиторлик ташкилотининг у ваколат берган бошқа ходими имзолайди ва аудиторлик фирмаси муҳри билан тасдиқлайди.

Хўжалик юритувчи субъект фақат аудиторлик хулосасининг якуний қисминигина манфаатдор шахсларга тақдим қилиши лозим. Шу муносабат билан аудиторлик хулосасининг таҳлилий қисми ва якуний қисми алоҳида

имзоланиши ва мухрланиши мумкин. Аудиторлик хулосасининг учта тури мавжуд: ижобий аудиторлик хулосаси; салбий аудиторлик хулосаси; хулоса тузишдан воз кечиш.

Ижобий аудиторлик хулосасида бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги аудитор томонидан тасдиқланади. Қоидага кўра ижобий аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолати ва содир этилган молия-хўжалик муомалаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқлигини ишонарли акс эттиради деган фикрга келган вақтда тузилиши лозим. Мисол тариқасида ижобий аудиторлик хулосасининг намунавий шаклини келтираман. *(илова)*

Салбий аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот қорхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ишонарли маълумот бермаган ва бухгалтерлик ҳисоботи ҳамда унинг молия-хўжалик фаолияти ҳисоби амалдаги меъёрий қонунчилик талабларига мос келмаган ҳолда юритилган вақтда тузилади. Бундай хато-камчиликлар ўз вақтида тузатилмаса молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни қалғитиш мумкин.

Салбий аудиторлик хулосасини тузишга, қоидага кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилоти томонидан аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш мақсадида молиявий ҳисоботга ўзгартишлар киритиш тўғрисида билдирилган фикрга норозилиги сабаб бўлади.

Аудиторлик текшируви натижасида аниқланган хато-камчиликлар хўжалик юритувчи субъект томонидан тузатилганда салбий аудиторлик хулосаси тузилмайди.

Аудитор бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг сифати тўғрисида ишонч билан аудиторлик хулосаси туза олиш учун етарли даражада ишончли далиллар туплай олмаган вақтда хулоса тузмайди. Бундай ҳолат аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги оқибатида молиявий ҳисобот тўғрисида фикр билдириш учун аудиторлик далил-исботлар етарли бўлмаганида юзага келади.

Аудиторлик хулосасини тузишдан воз кечиш айрим махсус ҳолларда юзага келади. Булар: аудитор мустақиллигини йўқотиши, баланс тузилган санадан кейинги содир бўлган жиддий ҳодисалар ёки вазиятнинг ноаниқлиги, хўжалик юритувчи субъект томонидан, ёки айрим мураккаб вазиятлар туфайли аудит ўтказиш соҳасининг чеклаб қўйилиши.

Аудиторнинг хулоса тузишдан воз кечиши ёзма равишда, 70-сон АФМС да кўрсатилган шакл бўйича расмийлаштирилиб, унинг мазмуни жуда ҳам пухта асосланган бўлиши лозим.

Агар салбий хулоса тузилса ёки хулоса тузилмаса, аудитор таъкидловчи қисмда текширув натижаларини, аниқланган амалдаги қонунчилик бузилиши фактларини ва корхона фаолиятидаги бошқа камчиликларни батафсил баён қилади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилиб, унинг икки нусхаси аудиторлик текшируви буюртмачиси яъни корхона раҳбариятига тақдим қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текшируви якунланганидан сўнг 2-3 кун ичида аудиторлик хулосасининг бир нусхасини ўзлари жойлашган ҳудуддаги солиқ органига тақдим қиладилар.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиб, унда аудиторнинг иккиланиш ва (ёки) норозилигидан келиб чиққан чеклашлар аниқ кўрсатилиши лозим. Аудиторлик хулосаси барча молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар олиш имконига эга бўлган очиқ ахборот ҳисобланади. Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан чоп этирилиши мумкин.

Аудиторга барча зарур маълумотлар бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлигини у билмаган бўлса, бунга аудитор жавобгар ҳисобланмайди. Бу ҳолларда барча жавобгарлик зарур маълумотларни аудиторга тақдим этиши лозим бўлган, текширилаётган корхона маъмурияти ва унинг маъсул ходимларига юклатилади.

Шу боисдан, корхона раҳбари ва молия-ҳисоб хизмати ходимлари олдиндан, аудиторлик хулосасини охирги таҳрирда тузгунга қадар танишиб чиқишлари, агарда уларда айрим ҳолатларга нисбатан норозилик, мулоҳаза ёки қандайдир таклифлари бўлса, ушбу билдирилган фикрлар диққат билан эшитилиб, корхона ходимлари иштирокида муҳокама қилиниши ва асосланган ҳолда чиқариб ташланиши ёки эътиборга олиниб, хулосанинг охирги таҳририда инобатга олиниши лозим.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИНИ АНҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

2.1. Тижорат банкларида ички риск ва уларни баҳолаш усуллари.

Тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилишда аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартларини амалиётда қўлланиш зарурлиги муносабати билан ҳозирги вақтда ички риск даражасини белгилаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Аудит қилиш жараёнида ички рискни аниқлаш аудитнинг халқаро амалиёти №400-“Рискни баҳолаш ва ички назорат”номли стандарт (ISA 400 «Risk Assessments and Internal Control») асосида тартибга солинади. Ушбу стандартда қуйидаги тушунчаларга изоҳ берилган: “Назорат rischi-операциялар синфи ва счётлар қолдиғи бўйича четга чиқишлар,(операциялар синфи ва счётлар қолдиғи айримлари ёки улар йиғиндиси бўйича четга чиқишлар) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимида тўғриланган, аниқланган ёки ўз вақтида хатолиқларни олдини олинмаган рисклардир. Ички назорат тизими- субъект раҳбарияти томонидан мақсадга эришишга ёрдам бериш учун йўналтирилган ва қабул қилинган (ички назорат), қанчалик буларни амалга ошириш мумкинлиги, самарали фаолият юритиши учун, шу жумладан субъект раҳбариятининг сиёсатини амалга ошириш, активларни сақланиши, кўзбўямачиликлар ва хатолиқларни аниқлаш, бухгалтерия ёзувларини аниқлиги, ўз вақтида ишончли молиявий ахборотларни тайёрлаши бўйича ҳамма жараёнлар жамланмасини билдиради”²⁸. Демак ушбу стандартда ички хўжалик рискни аниқлаш бўйича асосий тушунча берилган бўлиб, унда назорат rischi ва ички назорат тушунчаларига асосий эътибор берилган. Шу билан бирга банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан назоратнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. “Қўмита томонидан назорат жараёнини асосий тамойиллари ишлаб чиқилди:

²⁸ Международные стандарты аудита в Казахстане. Том 1. Алматы: Раритет, 2001. - 402с. С.400

1-тамойил: Банклар умумий капиталнинг етарлилигини аниқлаш жараёнида ўз rischi ва капиталнинг даражасини қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқиш;

2-тамойил: Банк назорати органлари банкнинг ички капиталини етарлилигини аниқлайди, текширади ва баҳолайди ҳамда ушбу капитал бўйича нормативларга риоя қилинишини таъминлаш ва кузатиб бориш қобилияти ва ушбу соҳада стратегиясини белгилайди;

3-тамойил: Банк назорати органлари банклар томонидан капитал даражасини минимал регулятив нормалардан юқори ушлашини ва банкда капиталини ушбу минимумдан юқори ушлашини талаб қилиш имкониятига эга бўлади;

4-тамойил: Банк назорати органлари капиталнинг камайиб кетишини олдини олувчи аралашувни амалга ошириши, капитални минимал даражадан камайиб кетиши олдини олиши, шу билан боғлиқ банк рискларини таъминлаш, агар капитал миқдори етарли даражада ушлаб турилмаса ёки тегишли даражагача тикланмаса, ушбу ҳолатни тўғрилаш бўйича тезкор чораларни кўриши лозим.”²⁹ Ушбу тамайилларга риоя қилиниши айниқса ҳозирги молиявий инқироз шароитида муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан ички назорат тизимини ташқи аудит томонидан текшириш ва уни ички назорат стандартларига риоя қилиниши масалалари муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ички назорат тизимини текшириши Базел кўмитасини асосий тамайилларида ҳам белгиланган. Шу жумладан 744-моддасида ушбу масалада қуйидагича фикр билдирилган. “Капитални баҳолаш жараёни учун банк ички назорат тизими муҳим аҳамиятга эга бўлади. Банк капиталини баҳолаш жараёнида самарали назорат мустақил текшириш ва заруриятга қараб ички ёки ташқи аудитни ўтказди. Банк директорлар Кенгаши турли хил рискларни баҳолаш тизимида менежментни ташкил этишга, банк капиталини даражасини рискка нисбати ва ички сиёсат

²⁹ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: новые подходы. /Базельский комитет по банковскому надзору. М.:Банк международных расчетов, 2004. 270с. С.177-184.

назоратини ташкил этишга риоя қилиниши бўйича жавобгар ҳисобланади. Директорлар кенгаши ички назоратни тартибга олиш ва ички назоратнинг ишни олиб бориш қобилиятига баҳо бериши лозим.”³⁰ Лекин Базель кўмитасининг стандартларида ички хўжалик rischi тушунчасига, айниқса тижорат банкларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Ушбу масалани ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти қабул қилиниб, унда ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Аудиторлик rischi бўйича алоҳида миллий стандарт қабул қилинган бўлиб, №9 “Муҳимлик ва аудиторлик rischi” номли стандарт 1999 йилда 4 августда қабул қилинган. Шу жумладан ушбу стандартда аудиторлик riskларига қуйидагича таъриф берилган: “Аудиторлик rischi - аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви яқунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда бўлмасада, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир.”³¹ Ушбу стандартда алоҳида назорат rischi масалаласи ҳам кўриб чиқилган. Бунда назорат riskига қуйидагича таъриф берилган: “Назорат rischi хўжалик субъектида мавжуд бўлган ва мунтазам қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида олганда ёки жами ҳолатда жиддий бўлган бузилишларни аниқламаслиги ва тузатмаслиги ва (ёки) бундан бузилишларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилмаслиги эҳтимолидан иборатдир.”³² Шундай қилиб, аудиторлик rischi ва назорат rischi тушунчалари берилган, лекин аудитда яна бир тушунча ички хўжалик rischi ҳам мавжуд.

Ички хўжалик rischi тушунчаси бухгалтерия ахборотидаги қолган маълумотларни, ноаниқликларни ёки фактларни нотўғри талқин қилишни

³⁰ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: новые подходы. /Базельский комитет по банковскому надзору. М.: Банк международных расчетов, 2004. 270с. С.180.

³¹ Национальные стандарты аудита Республики Узбекистан. Тошкент: УБАМА, 2004. 258с. С.123

³² Этот же книга С.125.

билдиради, улар бир вақтда содир бўладиган вазиятда ушбу ахборот асосидан қилинган мулоҳаза ўзгариши мумкинлиги ёки унга ноаниқ ёки нотўғри фактлар таъсир қилиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Ушбу риск тушунчаси хўжалик субъектлари фаолиятини аудити бўйича иқтисодчи-олим Р.Дўсмуратов томонидан қуйидагича таърифланган: “Ички хўжалик rischi- IXP (IR-Internal risk)- бу мазкур бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект ҳисоботида жиддий камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлангунга қадар ёки ички хўжалик назорати тизими умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимоли тушунилади.”³³ Ушбу таъриф хўжалик субъектлари фаолиятини аудит қилишда фойдали деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга шуни ҳам таъкидлаш лозимки, *ички риск* тушунчаси ҳам қўлланилади ва ушбу тушунча ички хўжалик rischi тушунчаси билан бир хил ҳисобланади. Чунки улар инглиз тилидаги варианты (IR-Internal risk) сўзма-сўз таржимаси ички риск маъносини англатади. Лекин тижорат банкларининг хусусиятидан келиб чиқиб, уларда ички riskини ҳисоблашнинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Шу сабабли тижорат банклари фаолиятини ташқи аудит томонидан аудит қилишда ички riskларни қуйидаги гуруҳ бўйича туркумлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банкининг молиявий ҳисоботи тўғрилигига анча таъсир қилувчи вазиятлар аудитда муҳим деб эътироф этилади ва улар бевосита ички назорат rischi билан боғлиқ бўлади. Тижорат банкида юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида ички назорат тизимини ташкил этилишига баҳо берилади. Биз муҳимликни аудитор текшираётган тижорат банкининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини тасдиқлашга тайёр эмаслигининг мезони сифатида аниқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Муҳимлик қондаси текшириляётган ахборот кўрсаткичлари ҳажмига ёки хўжалик

³³ Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: Монография. - Тошкент: “Молия” нашриёти, 2007. 276б. - Б.86.

операцияларини акс этириш чоғида йўл қўйилган хатоларнинг қандайлигига асосланади. Аудитда муҳимлик қоидаси ички хўжалик рисклари билан бевосита боғлиқ бўлиб, аудиторлик хулосаларининг объектив ва ҳаққоний бўлишлигида, шу соҳага доир кўп масалаларни ҳал қилиш учун пойдевор, ўзига хос кафолатдир. Бу қоида аудит босқичлари ўртасида, аудиторлик амаллари ҳажми ва мазмуни ўртасида, тўпланган аудиторлик далилларини баҳолаш қоидалари ва аудиторлик хулосасининг шакли ўртасида мантикий изчиликни шакллантиради. Муҳимлик йўл қўйиш мумкин бўлган хато ҳажмини ва оқибатда аудиторлик хулосасини тузиш шаклини белгилайди.

Бизнинг фикримизча, аудитда муҳимлик ва ички назорат рискинни ўзаро боғлиқлиги, унинг долзарблиги ва аҳамияти бир неча сабаб билан изоҳланади: биринчидан, муҳимлик қоидаси арзимайдиган нарсаларни эътиборга олмасликка йўл қўяди, лекин шу билан биргаликда тижорат банкларининг фаолиятида ички рискни пайдо бўлишига олиб келади ва ушбу кўрсаткич кейинчалик аудитор ҳисоботига ҳам таъсир қилади ва барча муҳим ахборотларни тўла очиб бериш имкониятини чегаралайди; иккинчидан, муҳимлик қоидаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда баланс таркиби миқдorigа, фойда ва зарарларга таъсирини аниқлаш имконини беради, демак аудиторлик амаллари ёрдамида активлар ва пасивлар миқдorigа ҳамда молиявий натижаларга катта таъсир қиладиган бухгалтерия операциялари тадқиқ этилади; учинчидан, муҳимлик қоидаси фойдаланувчилар учун барча муҳим ахборотни кўрсатишни талаб қилади. Бу талаб барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботни тақдим этиш тўғрисидаги аудиторлик хулосасини шакллантиришга ҳам тегишлидир. Бунда, молиявий ҳисобот каби аудиторлик хулосаси ҳам кўп сонли фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар ҳисоботдаги ахборотлар асосида мутлақо аниқ иқтисодий қарорлар қабул қиладилар. Банк раҳбарияти, акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар ахборотдан фойдаланувчилар қаторига киради. Фойдаланувчиларнинг ҳар бирининг ўз

манфаатлари бор, улар бухгалтерия ҳисобида нима муҳимлигини ўз манфаатларига асосланиб белгилайдилар.

Аудит режасини ва дастурини тузиш даврида ички назорат rischi аниқланади, чунки унинг даражаси бўлажак иш ҳажмига ва текшириш якуни бўйича қилинадиган хулосага таъсир қилади.

Турли аудиторлик фирмалари муҳимликни баҳолашга турлича ёндашувини айтиб ўтиш керак. Баъзан аудиторлик фирмалари томонидан умуман муҳимлик даражаси баҳоланмайди, бир қанча ҳолларда эса тахминий баҳоланади.

Аудитда муҳимликни баҳолаш масаласи аввало молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир нечта кўрсаткичини ўз ичига олган аниқ бир базани ва муҳимликнинг миқдорий мезонини - хатонинг йўл қўйиш мумкин бўлган миқдорий ҳисоблаш усулини танлаб олишдан иборат.

Баъзи аудиторларнинг фикрича, муҳимликнинг аниқ миқдорий баҳоси зарур, бошқалар эса, аксинча, қатъий баҳолашдан қочишади. Баъзи аудиторлар муҳимликни баҳолаш чоғида ахборотнинг фақат миқдорий томонигина эмас, балки мижоз, тижорат банкининг асосий даромадининг таркиби ва тури, бозордаги мавқеининг барқарорлиги, молиявий аҳволи каби сифат томонини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблашади. Масалан, бирор миқдордаги берилган кредитдан олинган фойиз ялпи фойда ҳажмига нисбатан муҳим бўлмаслиги, лекин, ривожланиш тамойилларини аниқлаш чоғида аҳамиятли бўлиши мумкин.

Муҳимликни қўлланиш учун ҳар бир алоҳида счёт бўйича йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг энг юқори миқдори тушунчасидан фойдаланилади. Аудитор йўл қўйиш мумкин бўлган хатони режалаштирилаётган муҳимликдан пастроқ белгилаб, алоҳида счётлар бўйича тафовутлар (аниқланган ва аниқланмаган) миқдор муҳимлик даражасидан ошиб кетиши эҳтимолини камайтиради. Ҳар бир аниқ счётни текшириш дастурини ишлаб чиқишда ва энг аввало танлов ҳажми белгилашда йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг ҳажми ҳисобга олинади. Одатда йўл қўйиш мумкин бўлган

хато режалаштирилаётган муҳимликнинг 50-70 % даражасида белгиланади. Бироқ йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг энг юқори даражаси жуда кам бўлмаслиги лозим, чунки бу аудиторлик амаллари ҳажмини асоссиз кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

Аудитда муҳимлик даражасини аниқлашга бухгалтерия ахборотининг миқдорий ва сифат омиллари таъсир қилади. Бунда бир ҳолатда хатонинг сифат жиҳатидан арзимаган миқдори ҳам миқдор жиҳатидан (муҳимликнинг белгиланган даражаси доирасида) муҳим бўлмаслиги, лекин тижорат банкининг иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир қилиши ҳамда банкнинг молиявий барқарорлигига, обрўсига путур етказиши мумкин.

Муҳимликни ҳисоблаш учун базани танлаш молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчилар учун алоҳида аҳамиятли бўлган ва айни пайтда тижорат банкининг ўзига хос хусусиятлар, мулкчилик шакли, фаолият соҳаси ва кўлами, молиявий натижалар ва баланс таркиби (тузилиши) каби кўп омилларни ҳисобга оладиган кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Алоҳида ҳисоблаш йўли билан муҳимлик даражаси кўрсаткичи кўлланиб, баъзи счётларда хато бошқаларига нисбатан кўпроқ бўлишини, молиявий ҳисобот моддаларидаги эҳтимоли бўлган бузилишлар эса турли йўналишларга тегишли бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Бунда аудитор фақат ўзининг профессионал мулоҳазаларига асосланиши лозим.

Бизнингча, муҳимликни баҳолаш масалаларининг амалий аҳамияти ҳар бир аудиторлик ташкилотидан баланс моддалари муҳимлик даражасини белгилашни тартибга соладиган ўз усули бўлишини талаб қилади. Унда муҳимлик базасини танлашнинг ўзига хос хусусияти, сўм ёки фоизда муҳимлик мезони, ҳисоблаш тартиби, эҳтимол тутилган ўзгаришлар кўрсатилиши лозим.

Халқаро аудиторлик ташкилотлари ва Ўзбекистондаги аудиторлик ташкилотларнинг ишини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида улардаги аудиторлар муҳимлик даражасини бир неча усул билан аниқлашларини кўриш мумкин.

**ТИФ Миллий банкининг 2012 йил молиявий ҳисоботини муҳимлик
билан риск даражасини боғланиши (млн.сўм ҳисобида)³⁴**

№	Баланс моддалари	Суммаси	Муҳимлик даражаси (фоизда)	Аудиторлик риски суммаси
1.	Нақд пуллар ва Марказий банк балансидаги пул маблағлари(Cash and balances with the CBU)	623 884	90	62 388,4
2.	Бошқа банклардан олинадиган суммалар (Due from banks)	653 727	70	196 118,1
3.	Мижозларга кредитлар (Loans to customers)	2 684 678	85	402 701,7
4.	Сотиш учун мўлжалланган инвестициялар (Investments available-for-sale)	35 528	64	12 790,1
5.	Бошқа активлар (Other assets)	47 453	87	6 168,9
6.	Бошқа банкларга тўланадиган суммалар (Due to banks)	148 380	76	35 611,2
7.	Мижозларнинг счётлари (Customer accounts)	1 854 371	58	778 835,8
8.	Чет эл банкларидан олинган кредитлар (Loans from foreign banks)	934 630	74	243 003,8
9.	Бошқа мажбуриятлар (Other borrowed funds)	563 952	69	17 655,1
10.	Тақсимланмаган фойда (Retained earnings)	189 050	74	68 058,0

Муҳимликнинг ягона даражаси аудит қилинаётган молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади. Шу ягона даража бухгалтерия балансининг муҳим моддалари ўртасида ушбу моддаларнинг валютада солиштирма ҳажмига мутаносиб тақсимланади.

Ушбу усулнинг камчилиги хатонинг бухгалтерия баланси моддаларига фоиз ҳисобидаги стандарт даражасидир, бу ички назорат тизимининг хавфини ҳисобга олишга имкон бермайди, рискнинг аҳамияти эса муайян участкаларда турлича бўлиши, фарқ қилиши мумкин.

³⁴ ТИФ Миллий банкининг 2012 йил молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ички аудитида аудиторлик
рискини муҳимлик чегарасини гуруҳланиши³⁵**

№	Аудиторлик рискини муҳимлик чегаралари	Муҳимлик чегараларининг мазмуни
1.	Аудиторлик рискининг умумий аҳамияти	риск қанча кўп бўлса, муҳимлик даражаси шунча кам белгиланади, бинобарин, танлов ҳажми ортади ва аудитни ўтказиш чоғида хато қилиш rischi камаяди
2.	Модданинг мутлақ аҳамияти	модданинг валютадаги улуши кўпайган тақдирда муҳимликнинг 8-10% ташкил қилувчи стандарт чегараси камаяди
3.	Модданинг текширишнинг талаб қилинган имконияти	батафсилроқ текширишни талаб қилувчи счётлар бўйича муҳимликнинг стандарт чегараси пасаяди
4.	Моддани текширишга кетадиган вақтга режалаштириладиган меҳнат сарфи	муҳимликнинг режалаштирилаётган чегараси қанча паст бўлса, текшириш ҳажми шунча кўп бўлади

Аудиторлик текшируви жараёнида муҳимлик чегараларини белгилашнинг бир қанча омиллари мавжуд. Шу нуқтаи назардан тижорат банкларининг ички аудити омилларни гуруҳлаш лозим. Бизнинг фикримизча, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу гуруҳланиш амалиётда ишлаётган аудиторлар ҳисобот хатолари муҳимлигининг режалаштирилаётган чегарасини бухгалтерия балансининг муҳим моддаларига нисбатан белгиланган муҳимлик чегараларининг йиғма аҳамиятини аниқлаш жараёнида уларнинг тажрибасидан бевосита фойдаланилган ҳолда тавсифланган.

Юқорида келтирилган омиллардан баъзилари қарама-қарши таъсир қилади (масалан, аудиторлик rischi даражаси ва меҳнат харажатлари ҳажми), шу сабабга кўра модда хатосининг режалаштирилаётган чегаралари аудитор тажрибаси ва билимидан фойдаланишига қарайди.

³⁵ ТИФ Миллий банк ички аудит бошқармаси кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Шу усул билан ҳисобланган ҳисобот хатолари муҳимлигининг жами чегараси фирма ички стандартида белгиланган ҳажмидан ошмаслиги лозим.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг моддаларига нисбатан ҳам хато муҳимлигининг дастлабки чегараларини топиш мумкин.

Муҳимлик даражасини белгилашнинг кўриб чиқилган усуллариининг нуқсони муҳимлик даражаси билан риск ўртасидаги тескари қарамлик мавжудлиги фактини эътиборга олмасликдир: муҳимлик даражаси қанча юқори бўлса, умумий аудиторлик rischi шунча кам ва аксинча.

Ушбу ўзаро боғлиқлик (қарамлик)ни ҳисобга олмаслик аудиторлик тадбирлари-амалларининг тусига, вақтига ва даражасига салбий таъсир қилади. Режалаштириш чоғида аудитор бухгалтерия ҳисоби счётларига нисбатан муҳимлик даражасини баҳолайди, шунинг учун биз муҳимлик даражасини ҳисоб тизими rischi билан ўзаро боғлиқ ҳолда белгилаши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шуни айтиш лозимки, ҳисоб тизимини текширишнинг ўзи бухгалтерия ҳисоботида эҳтимоли бўлган хатоларни ва четга чиқишларни (оғишларни) аниқлаш имконини беради, чунки назорат муҳитининг ҳолатини ва корхонада аудиторлик амаллари вақти-вақти билан ўтказилишини баҳолаш аудиторга аудиторлик амалларининг бажариш қанчалик батафсил бўлиши ва танлаб ўтказиш даражасини режалаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банкининг ҳисоб тизимини аудитор томонидан текширишда бухгалтерия ҳисоби счётларида хатолар пайдо бўлиши эҳтимоллигини аниқлаш имкони яратилади. Шу муносабат билан тижорат банкининг счётлар бўйича у ёки бу қолдиқларни текширишга қанча вақт кетишини олдиндан айтиб бўлмайди.

**Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида ҳисоб тизими рискин
ҳисоблаш (2012 йил 1 январ ҳолатига)³⁶**

Асосий кўрсаткичлар номи	Асосий кўрсаткичлар миқдори, минг сўм		Тест натижалари бўйича ҳисоб тизими риски %	Асосий кўрсаткич учун ҳисоб тизими риски даражаси (текшириш дастури моддалари)	
	Ўзсаноатқур илиш банк	Қишлоқ қурилиш банк ОАТБ		Ўзсаноатқур илиш банк (2-уст.х 4-уст/100 минг сўм)	Қишлоқ қурилиш банк ОАТБ (3-уст.х 4-уст/100 минг сўм)
1	2	3	4	5	6
Асосий воситалар (қолдиқ қийматида)	32375291	8961824	20	64750,5	17923,6
Номоддий активлар (қолдиқ қийматида)	1633508	487542	20	3267,0	975,1
Инвестициялар	3901004	4133133	30	11703,0	12399,4
Соф кредитлар ва аванслар	1261347876	133246927	40	5045391,5	532987,7
Жами депозитлар	779962416	220201107	20	1559924,8	440402,2
Банкнинг нақд пул маблағлари	26521998	6029146	30	79565,9	18087,4
Оддий акциялар	116620289	52872980	20	233240,6	105745,9
Имтиёзли акциялар	6602327	1833769	20	13204,6	3667,5
Тақсимланмаган фойда	31745192	11655015	40	126980,7	46620,1
Мажбуриятлар, ҳаммаси	1421021814	311996120	50	705109,1	1559980,6

Жадвалдаги маълумотларга мувофиқ 5-устундаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик аҳамияти:

$(64750,5+3267,0+11703,0+5045391,5+1559924,8+79565,9+233240,6+13204,6+$

³⁶ ОАТБ Ўзсаноатқурилиш банк ва ОАТБ Қишлоқ қурилиш банкларнинг молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

126980,7+705109,1+): 10=1424313,8 шартли бирликни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичларни 6-устун бўйича ҳисоблаганимизда улар қуйидагича маълумотларни ўз ичига олди:

(17923,6+975,1+12399,4+532987,7+440402,2+18087,4+18087,4+105745,9+3667,5+46620,1+1559980,6): 10= 273879 шартли бирликни ташкил этади.

1) Тижорат банкларининг ички аудити дастури асосида тегишли бўлимларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобидаги синтетик счётларнинг асосий қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича асосий кўрсаткичлар миқдори белгиланади;

2) Ички аудит дастурининг барча бўлимлари бўйича кўрсаткичларга асосланган ўртача арифметик аҳамияти топилиб, унинг ҳисоб тизимидаги аудит rischi даражаси аниқланади.

Натижада тегишли миқдор, бизнинг банк кўрсаткичлари бўйича маълумот, яъни 981,31 минг сўмдаги қиймат кўрсаткичидан аудиторлик текширишни режалаштириш чоғида аудиторлик rischi даражасининг қиймати сифатида фойдаланиш мумкин.

Ушбу усул бўйича тижорат банкини аудит қилишда аудиторлик ташкилотларининг таклиф этилган бу усулдан фойдаланиши аудиторлик текширишларини режалаштиришни оптимал ҳолатни белгилаш имконини беради.

Ҳозир аудиторда муҳимликни баҳолаш муаммоси аудиторлик амалиётида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини қўллаш зарурияти муносабати билан долзарб бўлиб қолди. Муҳимликни баҳолаш масалаларининг амалий аҳамияти ҳар бир аудиторлик ташкилотидан муҳимлик базасини танлашнинг ўз усулини ҳамда унинг миқдорини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бунда, муҳимлик даражасини ҳисоб тизими хатари муҳимликнинг сифат кўрсаткичига қарашлигини аниқлаб, ҳисоб тизими хатари кўрсаткичидан фойдаланиб баҳолаш тавсия этилади. Бу молиявий ҳисоботни

текширишнинг янада батафсил ва сифатли ўтказиш ва меҳнат сарфини камайитириш имконини беради.

2.2. Тижорат банкларида назорат рискларини баҳолаш тартиби ва усуллари.

Аудитор режалаштириш босқичида ҳар бир объект бўйича текширув ўтказиш услуги тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Даромад ва харажатларнинг сальдоси ўзига хос бўлмаган ва хато операциялар натижасида юзага келган даромад (харажатлар) турлари ялпи текширилиши мумкин. Бундан ташқари айрим даромадлар (харажатлар) бўйича текшириладиган объектлар сони кам бўлиши мумкин ва бунда аудиторлик танловини қўллаш ғайриқонуний бўлади (масалан, кўзда тутилмаган даромад ёки харажатлар). Шу сабабли тижорат банкларида назорат рискин тўғри аниқлаш ва уни баҳолаш муҳим масала ҳисобланади. Назорат рисқи тўғрисида иқтисодчи-олим Р.Дўсмуратов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Назорат (назорат воситалари) рисқи – НР (CR-Control risk) – бу корхонанинг мавжуд ва мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида-алоҳида ёки биргаликда жиддий аҳамиятга эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичидир.”³⁷ Демак, ички назорат тизимини қандай йўлга қўйилгани, ташқи аудит томонидан амалга оширадиган аудиторлик амалларига таъсир қилади. Ушбу масалада тижорат банкларининг фаолиятини қараб чиқадиган бўлсак, улар томонидан ташкил этиладиган ички назоратни ташкил этиш учун асос бўлиб юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Марказий банкнинг “Тижорат банкларига ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар”(ЎзР МБ 04.07.1998 йил №404-сон) ҳисобланади. Ташқи банк аудиторлари томонидан ички назорат тизимини

³⁷ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003. 612б. - Б.85.

текширишнинг аҳамияти шундан иборатки, аудиторлик ташкилоти томонидан тижорат банки фаолиятини аудит бўйича бажариладиган ишлар ҳажми, шунингдек, текширув муддатлари ва қиймати айнан мана шунга боғлиқ бўлади. Тижорат банкларининг самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак деб ўйлаймиз: тижорат банки капиталини етарлилиги, ички назорат тамойилларини риоя қилиниши, банк мулклари, операцияларини тўғри амалга оширилганлиги ва дастлабки ҳужжатларнинг айланиши ва сақланиши; бошқарув учун ишонарли маълумот олиш; ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; қонун ҳужжатлари талаблари ва ҳисоб сиёсатининг қоидаларига риоя қилиниши назорат қилинади ва унга баҳо берилади. Тижорат банкларининг ички назорат тизимига баҳо беришда қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилинишига таянилади:

1. Банкнинг ички назорат тизимининг ташкил этилиши, операцияларни амалга оширишдаги назорат ва ички назорат бўлинмасини фаолият кўрсатиши учун банк бошқарувини жавобгарлиги;

2. Ички назорат тизимини белгиланган меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши, ҳужжатларнинг тўлиқ даражада тўғрилиги, улар асосида тузилган тижорат банкининг молиявий ҳисоботининг етарли даражадаги ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиниши;

3. Тижорат банки ташқи аудитидаги мавжуд чеклашлар: агар ички назорат тизими, унинг томонидан қўлланилаётган аудиторлик амаллари ва уларни амалда қўлланиш хусусиятлари ҳисобга олинмаса, уни самарали деб тан олиш мумкин эмас;

4. Банк иқтисодий ахборотларини ишлаш услуги: банк ахборот технологияларини қўлланилиши ички назорат тизими ахборотлар қўлда ишланганида ҳам, компьютерда ишланганида ҳам, самарали ишлов беришни таъминлаши лозим.

Хўжалик субъектлари фаолиятини аудит қилишда назорат воситалари risks маълум тартибда ҳисоблаб чиқилади ва унга таъсир қилувчи омиллар

аниқланади. Россиялик иқтисодчи-олимлар А.Д.Шеремет ва В.П.Суйц томонидан назорат рискига қуйидагича таъриф берилган: “Назорат воситалари rischi шуни билдирадики, бунда бухгалтерия ҳисоби счётларининг қолдиғи ёки бир хил турдаги операцияларга нисбатан четга чиқишлар riskини билдиради, улар бўйича айрим муҳим ёки бир хил типдаги операцияларни четга чиқишларини бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ёрдамида ҳатолиликларни топиш, тўғрилаш ёки олдини олишдан иборат амаллар тушунилади .

Назорат воситаларини rischi- хўжалик субъектини бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ишончлилик даражасини тавсифлайди.³⁸

Ушбу масала бўйича иқтисодчи-олим Н.Ф.Каримов томонидан шундай фикр билдирилган: “Шу ўринда таъкидлаш жоизки, низомга асосан, тижорат банки ички аудит хизматининг ажралмас қисми ҳисобланган банк ички назорат тузилмасини баҳолаш ва ундаги камчиликлар тўғрисида алоҳида ҳисобот тақдим этиш алоҳида эътиборга молик объект тариқасида юзага келади.”³⁹

Ушбу ҳисобот ташқи аудит томонидан банк кенгашига тақдим қилинадиган аудиторлик ҳисоботида алоҳида бўлимда акс этади, шу жумладан раҳбариятга хат бўлимида ички назорат тизимига баҳо берилиб, уни яхшилаш бўйича амалий таклифлар берилади. Ушбу тартиб асосида ташкил этилган ички назорат тамойиллари асосида кунлик операциялар, йиғма маълумотлар ва бошқа маълумотлар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Масалан: тижорат банкларини даромад ва харажатларини ички назорат томонидан текшириляётганда асосий эътибор қуйидаги томонларига қаратилади. Банк даромад ва харажатларини аудиторлик текширишнинг асосий услуби танлаб текшириш ҳисобланади. Бу эса даромадлар (харажатлар) қолдиғи кўплаб операциялар натижалари сифатида ҳосил бўлган ҳолат билан боғлиқ бўлиб, молиявий натижаларни ялпи текшириш кўп вақт ва жисмоний куч талаб қилади. Бундан ташқари жами

³⁸ Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит . - М.: ИНФРА-М, 2006. 448с. - С.143

³⁹ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. Тошкент: , «ФАН», 2006. 262б. - Б.99

текшириладиган объектлар ҳажми танлаш ҳажмига аҳамиятсиз таъсир кўрсатиши математик жиҳатдан исботланди. Шу тариқа текшириш учун 50 дан ортиқ элементни танлаб олиб, жами элементларнинг 1000 ва 10000 таси учун ҳам сезиларли натижаларга эга бўлиш мумкин. Аудитор текширув объектларини танлаш натижасига асосланган ҳолда текшириладиган ушбу барча объектлар хусусиятлари тўғрисида хулоса чиқариш имконига эга бўлади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ички назорат rischi кўп жиҳатдан аудиторлик танловини пухта режалаштириш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва текшириш жараёнини хужжатлаштириш каби жараёнларга боғлиқдир. Шу боис аудитор объектни текширишда кам меҳнат талаб қиладиган ва самарали услубни, яъни танлаш ёки ялписига текширишни қўллаш хусусида қарор қабул қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аудитор ҳар бир текшириладиган объектга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик танловини амалга ошириш имконияти мақсадга мувофиқлигини аниқлаши лозим.

Аудиторлик далилларни олишнинг муайян услублари аудиторлик жараёнларини ифода этади. Бу жараёнларни танлаш текширув мақсади, текшириладиган объектлар хусусияти, аудитор тажрибаси ва унинг профессионал сифатида фикр юритишига боғлиқ. Аудиторлик жараёнларини танлов асосида текшириш мақсадига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- назорат воситаларини текшириш (мувофиқлик бўйича текшириш);
- счетлар бўйича маблағ айланиши ҳамда сальдони таҳлил қилиш ва батафсил текширишни ўз ичига оладиган текширув.

Мувофиқлик бўйича текширувни (назорат воситаларини текшириш) ўтказишдан кўзланган мақсад кўриб чиқиладиган операциялар бўйича назорат воситалари тегишли равишда ишламаган ҳолатларни аниқлашдан иборат. Бу борада қуйидаги талаблардан мезон сифатида фойдаланиш мумкин: мажбуриятларни тақсимлаш принципларига амал қилиш (бошқарув ва ҳисобга олиш, операцияларни ҳал қилиш ва уларни ўтказиш),

операцияларни амалга оширишнинг қонунийлиги, операцияларни тўғри ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш, операциянинг асосланганини эътироф этиш ва бошқалар.

Мувофиқлик бўйича текширув ўтказиш назорат воситаларининг риск даражасини аниқлаш имконини беради. Бу эса танлов ҳажмини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Назорат rischi қанчалик юқори бўлса, танлов ҳажми ҳам шунча кўп бўлади, демак маълум бир объектни танлов асосида текшириш учун вақт ҳам, маблағ ҳам кўп сарфланади. Риск даражасини аниқлашнинг мураккаблиги шундан иборатки, уни муайян қиймат баҳоси сифатида ҳисоблаш мумкин эмас. Шу сабабли риск даражаси аудитор томонидан юқори, ўртача ёки паст деб таснифланиши мумкин. Бунда назорат воситаси rischi агар аудитор мижознинг назорат воситалари етарли даражада самарали ишлаётгани тўғрисида ишончли далилларга эга бўлмаса ва бу далиллар назорат riskини ўртача ёки пастлигини тан олиш имконини берса, юқори сифатида белгиланиши лозим. Банк фаолиятининг молиявий натижалари аудити пайтида мувофиқлик бўйича текширишни аудиторлик ташкилоти ушбу мижозни аввал текширган бўлса ва аудит ўтказаетган ташкилотда назорат воситалари riskини ўзгартириш мумкин бўлган воқеалар юз бермаган бўлса, уни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, мижоз аудиторлик компанияси томонидан биринчи марта текширилаётган бўлса ёки мижозда назорат воситаларининг ишончлилиқ даражасини ўзгартириш мумкин бўлган воқеалар содир этилган бўлса, бу ҳолда назорат воситалари мажбурий текширилиши шарт. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини текширишда аудиторнинг профессионал сифатида фикр юритишидан келиб чиққан ҳолда, назорат воситалари riskини баҳолаш учун бизнинг фикримизча қуйидаги учта ёндашувнинг биттасидан фойдаланиш ўринлидир:

1. Мувофиқлик бўйича текширув ўтказиш. Бунда мувофиқлик бўйича текширув ўтказиш ва олинган маълумотлар асосида назорат воситалари riskи даражасини аниқлаш зарур;

2. Даромад олиш манбаи ёки ишлаб чиқариш харажатлари бўйича мажбурият сифатида хизмат қилган банк операцияларига доир назорат воситаларини баҳолаш (базавий операциялар бўйича назорат рискин баҳолаш). Демак, кредитлар бўйича фоиз даромадларини текширишда мижозлар аудитор томонидан мижозлар иштирокидаги кредит операцияларини текшириш давомида бажарилган назорат воситалари ишончлилигини баҳолаш натижаларидан фойдаланиши лозим. Таъкидлаш керакки, бундай ёндашувни харажатларнинг бошқа моддаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш харажатлари, амортизация чегирмалари, тўланган солиқлар ва ҳоказо). Ушбу ҳолатда назорат воситаларини текшириш, сўнгра назорат риски оқибатида олинган натижа асосида аудит танлови бўйича текшириладиган объектларни белгилаш ҳамда муҳимлиги бўйича текширув ўтказиш учун аудиторлик жараёнларини ўтказиш зарур.

3. Назорат рискин мувофиқлик бўйича текширув ўтказмасдан юқори сифатида таснифлаш ва назорат рискиннинг аҳамиятини ҳисобга олиб, муҳимлиги бўйича текширув ўтказиш учун объект танлаш. Қатор ҳолатларда (масалан, фоиз ҳисобидаги сарф-харажатларни текшириш) мувофиқлик ва муҳимлиги бўйича текширув бир пайтнинг ўзида ўтказилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар назорат риски асосли равишда паст деб топилган ҳолатда, аудитор муҳимлиги бўйича текширишдан бош тортиши ва мижознинг ички назорати тизими самарадорлигига тўлиқ таяниши мумкин.

Муҳимлиги бўйича текширув ҳисоб юритиш ҳисоб-рақамлари бўйича сальдо ёки маблағлар айланмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш мақсадида қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилади: ҳисоб юритиш даврининг мукамаллиги, аниқлиги ва уни чеклаш, баҳолаш, мавжудлик ва бошқалар. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини муҳимлиги бўйича текширишда тегишли синтетик счётларнинг қолдиқлари, аналитик счётларнинг кўрсаткичлари ва таҳлилий натижалар аудиторлик жараёнларининг асосий турлари ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида аудити жараёнида банк даромади ва харажатларини текширишда қўлланиладиган аудиторлик жараёнлари назорат рискинни аниқлаш услублари (01.01.2012 йил ҳолатига)⁴⁰

Даромад ва харажат турлари	Нazorat воситалари рискинни аниқлаш услублари	Аудиторлик жараёнлари
Фоиз ҳисобидаги даромадлар (харажатлар)	Базавий операциялар бўйича	Таҳлил қилиш жараёнлар
Воситачилик даромадлари (харажатлари)	Базавий операциялар бўйича	Таҳлил қилиш жараёнлар
Банкнинг бошқа даромадлари (харажатлари)	Нazorat воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)
Бошқа операция даромадлари (харажатлари)	Нazorat воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)
Захирага пул ажратиш	Базавий операциялар бўйича	Таҳлил қилиш жараёнлар
Кўзда тутилмаган даромадлар (харажатлар)	Нazorat воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)
Даромад солиғи	Нazorat воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)

Бу жадвалда назорат воситалари рискинни аниқлаш услублари, турли даромад ва харажатларга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик жараёнлари рўйхати келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, таҳлил қилиш жараёнларини мувофиқлик бўйича текширув натижалари текшириладиган маълум бир объект бўйича назорат воситалари ишончлигининг юқорилиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган ҳолатда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда аудитор банкнинг молявий ҳисоботида жиддий хатолар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши учун счетлар сальдосини текшириши лозим. Даромад

⁴⁰ ТИФ Миллийбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ва харажатлар таҳлили бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилган даромад ва харажатлар миқдорининг тасдиқланганини аниқлаш имконини беради. Чунончи, мижозларнинг кредитлар бўйича олинган фоиз ҳисобидаги даромадлари миқдори кредит бўйича қарздорлик миқдори ва кредитлар бўйича фоиз ставкаси каби омиллар таъсирида юзага келади. Бухгалтерия ҳисоби счетларидаги даромадни ҳисобга олиш бўйича сальдони ва аудиторлик ҳисоб-китобининг натижаси сифатида олинган маблағни таққослаган ҳолда, ҳисоб юритиш маълумотларининг ишончилиги тўғрисида дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин.

Аудитор сальдони батафсил текшириш давомида олинган даромадлар миқдорини кредит ва депозит шартномалар, банк тарифлари, биржа савдолари бўйича тегишли ҳужжатларга асосан қайта ҳисоблаб чиқиши лозим.

Масалан: Тижорат банкига қиймати 267,0 минг сўмга тенг қимматли қоғозлар операцияси бўйича етказилган зарарни текшириш тартибини кўриб чиқамиз.

Текширишдан кўзланган мақсад ҳисобга олиш ва ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳақидаги фикрни шакллантириш. Энг аввало қимматли қоғозларни ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари текширилади. Бунда:

10700- “Олди-сотди қимматли қоғозлари”;

10800- “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” счётларнинг тегишли субсчётлар (иккинчи тартибли) счётлари текширилади. Шу жумладан 10700 счёт бўйича қуймдаги счётларга асосий эътибор берилади:

10701-Давлат хазина векселлари;

10705-Давлат облигациялари;

10709-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари;


10711-Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари;

10719-Корхоналарнинг улушли қимматли қоғозлари;
 10779-Бошқа қимматли қоғозлар;
 10791- Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив);
 10793- Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича мукофот;
 10795- Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши;
 10799- Олди-сотди қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив).

Мувофиқлик бўйича аввал ўтказилган текширувлар назорат воситаларига харажатларнинг ушбу тури бўйича ўрта даражадаги ишончилиikka эга бўлиш имконини берди, яъни бунда назорат воситаларининг риск даражаси ўртача ҳисобланади. Ҳисоботнинг ушбу моддаси бўйича йўл қўйиладиган хато 163,0 минг сўм миқдорида белгиланган. Аудитор томонидан танлаш асосида текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Аудиторнинг банк фаолиятининг молиявий натижаларини текширишдаги хатти-ҳаракатлари кетма-кетлигини қуйидаги схема кўринишида тасвирлаш мумкин:

Танлаш асосида текширув ўтказиш алгоритмини тузиш жараёнида унинг кетма-кетлигига катта эътибор берилади ва унда маълум тартиб сақланиши лозим. Шу жумладан, режалаштириш; танлов элементларига нисбатан аудиторлик жараёнлари; танлов текширувлари натижалари таҳлили, асосий жамланмага нисбатан маълумотларни тарқатиш; тадқиқот мақсади танлаш; текширилдаиган жамланма ҳажмини белгилаш; танлов ҳажмини белгилаш; танлаб текшириш учун элементларни танлаш ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим.



7-расм. Тижорат банки аудитида танлаш асосида текширув ўтказиш алгоритмини тузиш тартиби⁴¹.

Текшириладиган объектлар сонини аниқлашда танлаш асосида текширишни қўллаш имкониятларига тааллуқли шартларнинг бажарилишини таҳлил қилиш зарур. Умумий жамланма ҳажми, ҳар бир объектни бир хиллаштириш имконияти, ҳисобот даврини қамраб олиш ва ҳоказолар ана шундай шартлар ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган ҳолатда 267,0 минг сўм миқдорида етказилган зарар 50 та операция натижаси сифатида юзага келган, бунда харажатларни акс эттирадиган ҳар бир ҳолат бир хиллаштирилиши лозим.

⁴¹ Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит . - М.: ИНФРА-М, 2006. 448с.

Аудитор текшириладиган объектлар сонини аниқлаштириши учун энг юқори қийматга эга элементлар, шунингдек, риск бўйича асосий элементларни аниқлаши лозим. Миқдори жами элементлар ўртача қийматининг 30 фоизидан ортадиган элементлар энг юқори қийматга эга элементлар ҳисобланади. Текшириш учун танланадиган объектларни аниқлаш учун қуйидаги услублардан фойдаланиш мумкин: сальдо бўйича; маблағ айланиши бўйича; омиллар таъсирини баҳолаш бўйича; танлаш таваккалчилигини баҳолаш бўйича.

Қимматли қоғозлар операциялари бўйича кўрилган зарарни текшириш учун сальдо бўйича танлашни аниқлаш услубидан фойдаланамиз. Ушбу услубни қўллаш қуйидаги маълумотларга эга бўлишни талаб этади: текшириладиган жамланманинг энг юқори қийматга эга элементлар ҳамда риск бўйича асосий элементлар йиғиндисига тенг пул билан ифодаланадиган умумий ҳажми (ТЖ); текширув коэффиценти (ТК); текшириладиган жамланма учун йўл қўйиладиган хатолар даражаси (ЙХ). Текширув коэффиценти қиймати турли аудиторлик рисклари – бизнес- риск (паст даража), назорат воситалари rischi (ўртача даража) ва ўзаро боғлиқ жараёнлар (ўртача даража) натижасида юзага келган риск даражасининг бирикиши оқибатида аниқланди ҳамда 0,714 ташкил этди. ТИФ Миллий банкида танлаш асосида текширув ўтказиш учун танланадиган элементлар сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$TA=(TЖ`TK)/(ЙХ`0,75) = (2670000`0,71)/(163000 ` 0,753) = 15,5$$

Шундай қилиб, танлаш ҳажми 16 та элементни ташкил этди.

Аудитор танлаш ҳажми аниқланганидан сўнг танлаш асосида текширув ўтказиш учун элементларни танлаши лозим. Танлаш асосида текшириш ўтказиш учун элементларни танлаш услуби ва уларни қўллаш мезонлари 2.5-жадвалда келтирилган.

Элементни саралаш услуби	Услубни қўллаш мезонлари
Статистик	
1. Тасодифий танлаш услуби	Жами текшириладиган элементларни мажбурий рақамлаш
2. Интервал бўйича сон жиҳатдан танлаш услуби	Текшириладиган жамланма элементлари ўхшаш қийматга эга ёки қиймат билан ифодаланмайди.
3. Интервал бўйича қийматга қараб танлаш услуби	Текшириладиган жамланма элементлари бир-биридан жиддий фарқ қиладиган қийматга эга
Ностатистик	
1. Туркум танлаш услуби	Мунтазам такрорланадиган хатолар кўплиги
2. Асосий массив услуби	Асосий массивнинг ҳисоб-рақам умумий миқдоридаги улуши камида 3 фоиз
3. Риск бўйича асосий элементлар услуби	Хатолар юзага келиш эҳтимоллиги бошқаларига қараганда юқори бўлган элементлар мавжудлигига таяниш
4. Натижалар бўйича асосий элементлар услуби	Жиддий зарар етказиши мумкин бўлган элементлар, хато ва бузилишларнинг мавжудлиги
Бирлашган	Элементларни танлашнинг статистик ва ностатистик услублари қўшилади

8-расм. Танлаш элементларини саралаш услуби.⁴²

Аудитор танлаш асосида текшириш ўтказиш учун элементлар танланганидан сўнг аудиторлик ишларни бажаришга киришади. Бу ишларни амалга ошириш натижасида эса аудиторнинг назорат воситаларининг етарлилиги ва самарадорлиги ёки ҳисобга олиш ҳамда ҳисобот маълумотлари тўғрилиги ҳақидаги фикрини шакллантириш учун зарур далиллар олиниши лозим.

Аҳамияти бўйича танланган элементларни текширишда аудитор томонидан амалга ошириладиган қайта ҳисоблаш жараёни далилларга эга бўлишнинг энг яхши услуби саналади. Бунда дастлабки ахборот сифатида

⁴² Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Г.Н., Лебедев Е.А. Аудит банков. –М.: «Финансы и статистика», 2001, -352 с.

банк томонидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатлардан – қимматли қоғозлар олди-сотдиси тўғрисидаги шартномалар, биржа савдолари бўйича тегишли ҳужжатлар, таҳлилий ва синтетик ҳисоб маълумотларидан фойдаланамиз. Текширув натижалари, жумладан, банк ва аудитор маълумотлари ўртасидаги тафовутни иш ҳужжатида киритамиз. Текширув натижаларига кўра, текширалаётган элементларда умумий хатолар миқдори 1250 сўмни ташкил этгани аниқланди.

Текширув натижаларини баҳолаш ва умумлаштириш ва аудиторлик ҳулосасини тузиш аудиторлик текширувнинг якуний босқичи ҳисобланади. Танлаш асосида текширув ўтказиш натижаларини баҳолашга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Аудитор танлаш пайтида юзага келган ҳар бир хатони таҳлил қилиши, танлаш чоғида олинган натижаларни текширилаётган барча жамланмага экстраполяция, яъни тадбиқ этиши, танлаш рискин баҳолаши лозим. Танлаш пайтида юзага келган хатолар уларнинг нономаллиги ёки ўзига хослигини аниқлаш бўйича таҳлил қилинади. Агар хато нономал хусусиятга эга бўлса, у хатоларни экстраполяция қилишда истисно қилиниши лозим. Танлаш чоғида аниқланган хатоларни асосий жамланма ҳажмига тадбиқ этиш аудитор томонидан элементларни танлаш бўйича фойдаланилган услубга қараб, турли усуллар орқали амалга оширилади. Бунда танлаш асосида ўтказилган текширув натижалари ҳулосасига таъсир кўрсатадиган танлаш рискига эътиборга олиниши шарт. Масалан, аудитор танлаш асосидаги текширув натижаларини тасдиқлайдиган қўшимча аудиторлик далилларига эга бўлса, танлаш риски камайиш тенденциясига эга бўлади.

Хатолар хусусияти ўзига хос деб топилса, уларни текшириладиган барча объектларга тадбиқ этиш лозим. Қиймати 1250 сўмга тенг хато 754400 сўмлик жами элементларга ҳам хосдир. Демак, экстраполяция пайтида асосий жамланма бўйича тахмин қилинаётган қиймати 4424 сўмга тенг хато келиб чиқади. Тахмин қилинаётган хато ҳисоботнинг ушбу моддаси учун жиддийлиги бўйича қолади. Бироқ бузилишлар кўламини банк даромади

кўрсаткичнинг тўғрилиги ҳақидаги фикрни шакллантиришда ҳисобга олиш даркор.

Бундан ташқари аудиторлар томонидан текширув жараёнини назорат қилиш чоғида ҳам банк даромад ва харажатлари аудити натижаларини баҳолаш керак. Мисол учун, ҳисоботнинг барча муҳим соҳалари ҳақиқатдан текширилгани ёки текширилмагани, далиллар тўплаш жараёнини акс эттирувчи иш файллари ва натижалари тузилгани ёки тузилмагани, ялпи ва танлаш асосидаги текширув хатолари тўғри баҳолангани ёки баҳоланмагани, ҳар объект бўйича хулосалар умумлаштирилгани ёки умумлаштирилмагани, хулосалар ёки иш натижалари мос келиши ёки мос келмаслиги, улар аудиторлик фикрини тасдиқлаши ёки тасдиқламаслигини назорат қилиш лозим. Хатолар ва бузилишлар банкнинг якуний молиявий натижалари – фойда ёки зарарга таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш ҳамда миқдорий баҳолаш банк молиявий натижаларини текширишнинг якуний палласида муҳим босқич ҳисобланади. Хатоларнинг умумий ҳажмини даромад (зарар) учун мўлжалланган жиддийлик даражаси билан таққослаш ва молиявий натижалар салмоғини тузатиш зарурлиги хусусида қарор қабул қилиш лозим.

Аудитор хулосалар умумлаштирилиб, хатолар ва уларнинг молиявий натижаларга таъсири баҳоланганидан сўнг мижоз раҳбариятига маълум қилиш учун тегишли ҳисобот тайёрлайди. Аудиторлик хулосасини тузиш борасида шуни айтиш керакки, хулоса аудит ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги хусусидаги фикрни ифода этиши зарур. Шу сабабли банк даромад ва харажатлари аудити натижасида олинган хулосалар аудиторлик хулосасини тузиш пайтида эътиборга олиниши лозим. Аммо аудиторлик хулосасининг мустақил объекти сифатида тан олинмаслиги ҳам мумкин.

Мижоз раҳбариятига ёзма ҳисобот мазмунинг нусхасини фирма ичидаги стандарт шаклида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Аудиторлик фаолияти қонунчилиги ва миллий стандартлари талабларига мувофиқ очиб берилиши шарт бўлган масалалар бундан мустасно. Одатда, аудиторлик

хулосаси шакли ва мазмунига қўйиладиган ягона талаб аудитнинг миллий стандартларида кўзда тутилади. Шу тариқа ўтказилган текширув натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Банкнинг молиявий натижалари банкнинг самарали фаолият юритишини ифода этади ва мажбурий аудиторлик текширув объектига айланади. Банклар фаолияти, ҳисоб-китоб юритиши ва ҳисоботнинг ўзига хос хусусиятлари даромад ва харажатларни банк фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари сифатида кўриб чиқишни тақозо этади. Шу боис аудиторлик текширувни режалаштириш ва ташкил этиш, банк молиявий натижаларини аудитини ўтказишда аудиторлик жараёнларини танлаш ва қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, банк фаолиятининг молиявий натижалари аудитини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган ушбу тавсияларни амалга ошириш аудиторлик текширувлар сифатини яхшилайти, шунингдек, меҳнат сарфи ва вақтни тежаш мақсадида аудиторлар ишларини оқилона ташкил этиш, аудиторлик текширувни сифатли режалаштириш, аудиторлик таваккалчилик даражасини пасайтириш ҳамда уни аудитнинг халқаро талабларга яқинлаштириш имконини беради.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АУДИТОРЛИК РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1.Халқаро аудит стандартлари асосида тижорат банкларида аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш

Жаҳон иқтисодиётдаги молиявий-иқтисодий инқироз табиий равишда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ҳам таъсир қилади ва натижада банк тизими ва уларнинг фаолиятини аудит қилишни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш зарурияти пайдо бўлади. Чунки тижорат банкларида ташқи аудитни амалга оширишда маҳаллий аудиторлик ташкилотлари билан биргаликда чет эллик аудиторлик фирмалари ҳам фаолият юритмоқда. Шу сабабли уларнинг фаолиятини бир хил услубиёт асосида ташкил этиш ва аудиторлик ҳисоботларини халқаро стандартлари асосида ташкил қилиш зарурияти пайдо бўлади. Яқин келажакда Ўзбекистон Республикасида халқаро аудит стандартлари банк тизимининг иш амалиётига кенг жорий қилинишини назарда тутиб, халқаро аудит стандартлари тавсияларига асосланган аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш зарурияти пайдо бўлди.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати ўз ходимлари олдига якка тартибдаги аудиторлик вазифаларини қўйиши лозим. Улар қуйидаги аспектларни ўз ичига олади:

1.Банкнинг рискларини баҳолаш бўйича алоҳида тизимларини баҳолаш.

2. Қуйидагиларни таҳлил қилиш ва баҳолаш:

- ички назорат тизимлари ва тегишли процедураларнинг мақбуллигини;
- банк томонидан Марказий банк меъёрий ҳужжатлари, бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қоидаларига амал қилиниши;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот жараёнларининг мавжудлиги ва иш самарадорлигини;
- банкнинг бошқарув маълумотлари тизимида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг топилиши ва тузатилишини назорат қилувчи ҳамда аудит натижалари ва ички назорат тизимларини яхшилаш соҳасидаги тавсиялар бўйича банк бошқаруви Раисига маълумот тақдим этиш имконини берувчи

тизимларнинг мавжудлигини. Ушбу мақсадга эришиш учун тижорат банкларида ўрнатилган ички назорат тизимлари аудитига беш босқичли ёндашувни жорий қилиш зарур:

1-босқич.	Аудиторлик текширувини режалаштириш.
2-босқич.	Фактлар ва маълумотлар тўплаш.
3-босқич.	Маълум фаолият турини бошқариш ва назорат қилиш жараёни схемасининг мақбуллигини ҳамда унинг банк ва депатамент раҳбарлари томонидан қўйилган мақсадларга мувофиқлигини баҳолаш.
4-босқич.	Тизимнинг ишини баҳолаш. Унинг мувофиқлигини текшириш ва бошқа процедуралар ёрдамида тизим режали равишда, самарали ва сермахсул ишлаётганини тасдиқлаш.
5-босқич.	Якуний хулоса ва тавсиялар. Аудиторлик текшируви натижалари ҳамда ҳисобот ва назорат процедураларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

9-расм. Ички назорат тизимини ташқи аудитор томонидан текшириш босқичлари⁴³

Аудиторлик рискларини баҳолаш модели барча потенциал мумкин бўлган аудиторлик текширувлари билан боғлиқ рискларни таҳлил қилиш орқали мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қўлланади. Аудиторлик рискларини баҳолаш модели асосида банк фаолиятининг барча йўналишлари аудити билан боғлиқ рисклар даражаси (рейтинги) аниқланади. Рисклар рейтинги асосида аудиторлик текширувларининг устиворлиги аниқланиб, уларни ўтказиш графиги тузилади. Бундай ёндошув илгари кенг тарқалган банк аудити амалиётидан бирмунча фарқ қилади. Бу амалиётга кўра, аудиторлик текширувларининг изчиллиги ва даврийлиги кўпинча мавжуд рисклар ҳақидаги субъектив мулоҳазалар ва аввалги текширув санаси асосида белгиланар эди.

Бизнинг фикримизча тижорат банкларида аудиторлик рисклари модели 6 та омилга асосланади:

⁴³ Муаллиф томонидан амалий маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.

1. Ўтган даврдаги ташқи аудит текшируви натижалари.

2. Табiiй рискларга таъсирчанлик.

3. Назорат муҳити.

4. Банк филиаллари ва бошқармаларига раҳбарликнинг самарали эканлигига бўлган ишонч даражаси.

5. Тижорат банки таркиби ва штатлар жадвали ҳамда улар фойдаланувчи тизимлар конфигурациясидаги ўзгаришлар.

6. Аудиторлик текширувининг мураккаблиги.

Ҳар бир текширилаётган бўлим кўрсатилган 6 омил бўйича 1дан 3 баллгача бўлган рейтингни олади, бу ерда:

1) “муаммолар бўлмаслиги мумкин”;

2) “муаммолар бўлиши мумкин”;

3) “муаммолар шубҳасиз бор”.

Барча омиллар бўйича қўйилган баллар қўшилади ва аудит ўтказишнинг олдинги муддатига нисбатан интервал, яъни узоқлик коэффициенти омилига кўпайтирилади. Узоқлик коэффициентлари:

-Агар аудиторлик текшируви охирги 12-14 ой ичида ўтказилган бўлса, 100%.

-Агар аудиторлик текшируви 14-26 ой олдин ўтказилган бўлса, 125%.

-Агар аудиторлик текшируви 26-36 ой олдин ўтказилган бўлса, 150%.

-Агар аудиторлик текшируви 36 ойдан кўпроқ вақт олдин ўтказилган бўлса, 200%.

Энг юқори рейтингли дастлабки 10% текширувлар энг юқори рискка эга бўлади. Кейинги 30% текширувлар баланд рискли бўлади. Учинчи гуруҳ мўътадил риск хос бўлган аудиторлик текширувларининг 40% ини қамраб олади. Текширувларнинг 20%ини ўз ичига олиб, энг паст рейтингга эга бўлган гуруҳ паст рискли гуруҳ ҳисобланади. Аудиторлик текширувларининг йиллик стратегик режасини тузишда тўртала гуруҳнинг ҳар бирига хос

бўлган жиҳатлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади ва режага киритилади.

Риски юқори баҳоланган департаментларда аудиторлик текширувлари 100% ўтказилади. Баланд рискли гуруҳга кирувчи бўлимлар 50% га текширилади(эмиссия-касса операциялари ҳисоби, валюта оперцияларини аудити, кредит портфели таҳлили, қимматли қоғозлар ҳисоби, операцион харажатлар ҳисоби, пул муомаласини ташкил қилиш ва бошқалар). Мўътадил рискли гуруҳга мансуб бўлимлар 25% га (ҳисоб сиёсатини ташкил қилиш, мижозлар счётларини текшириш, мажбуриятларни аудити), паст рискли бўлимлар эса-танлов асосида 10% га (кадрлар сиёсати, банк ғазначилик тизимини ташкил қилиш,халқаро пул ўтказмалари ва бошқалар) текширувдан ўтказилади. Паст рискли гуруҳдан танловлар рейтинг мезонларининг мақбуллигини ва риск гуруҳи тўғри белгиланганини тасдиқлаши учун аудиторлик текширувларининг йиллик режасига киритилади.

Гарчи аудиторлик рискларини баҳолаш моделини тузиш маълум субъектив ёндашувни талаб қилсада, ҳар бир аниқ аудиторлик текшируви учун рискларни аниқлаш жараёни пухта ҳужжатлаштирилиб, батафсил таҳлил қилиниши ва баҳоланиши лозим. Моделни қўллаш аудитнинг ҳар бир сегменти бўйича рискларни аниқлашда бир хил ёндашувга риоя қилинишини таъминлайди. Масалан, банкнинг турли филиал ва бўлимларида ва банк ўз фаолиятини амалга оширувчи жуғрофий минтақаларда шунга ўхшаш аудит йўналишларини баҳолашда субъектив ёндашувни таклиф қилади.

Аудитнинг жами объектларини аниқлаш rischi рейтинги томон ташланган биринчи қадам ҳисобланади. Рисклари баҳоланиб, рисклар моделига киритилувчи жами аудиторлик текширувлари раҳбарияти ва Ички аудит хизмати бошлиғи томонидан аниқланади.

Жами аудиторлик текширувларини аниқлашда тижорат банкини ривожлантиришнинг стратегик режасига, банк фаолияти ва ташкилий тузилмасининг ўзига хосликларига, ҳар бир департаментнинг

мажбуриятлари доирасига, барча хизматларнинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатларга асосланади.

Рисклар рейтинги мезонлари қуйидагича талқин қилинади:

Аввалги аудиторлик текшируви натижалари-тижорат банкидаги ички назорат интизомининг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Муаммоларнинг мавжудлиги одатда назорат тизимидаги жиддий камчиликлар, кўп сонли аудиторлик тузатишлари, одатдагидан кўп қоидабузарликлар аниқлангани, аудиторлар кўрсатган камчиликларнинг тузатилмагани билан тавсифланади. Камчиликларнинг йўқлиги ёки уларнинг вақтида тузатилиши эса, аксинча, ички назорат талабларига риоя қилиш интизомининг юқорилигидан далолат беради.

Таъсирчанлик-бу мезон рейтинги аниқланувчи тижорат банки бўлимига хос бўлган ички рискни тавсифлайди. Ушбу кўрсаткич меъёрдан четлашиш ҳолатлари ва уларнинг тегишли оқибатларини баҳолашдан иборат бўлади. Бу ерда гап активларни йўқотиш ёки активлар ҳолатининг ёмонлашиши rischi; хатонинг аниқланмаслиги rischi; мажбуриятларнинг тан олинмаслиги ёки нотўғри миқдорий баҳоланиши оқибатида юзага келувчи риск; матбуоатда номақбул фикрлар билдирилиши, ҳуқуқий жавобгарлик ва ҳоказолар билан боғлиқ рисклар ҳақида гап боради. “Таъсирчанлик” кўрсаткичи бўйича рейтингда банк учун аудит объекти миқдори, мумкин бўлган йўқотишларнинг потенциал миқдорлари ва рискнинг амалга ошиш эҳтимоли ҳам ҳисобга олиниши керак.

Назорат муҳити-бу кўрсаткич ички сиёсат, процедуралар, лавозим мажбуриятларини бажариш тартиби, активларнинг жисмоний сақланганлиги ва ходимларнинг касбий лаёқатлилигини қамраб олади. Назоратнинг қониқарли ҳолати уйғун раҳбарлик, ички ҳужжатлар (сиёсат ва процедуралар)га риоя қилиниши, ички назорат тизимларининг ишончлилиги, хатоларнинг тез аниқланиши ва тузатилиши, ходимларнинг касбий тайёргарлиги мақбул даражада эканлиги ва кадрлар қўнимсизлиги назорат остига олинганлиги билан тавсифланади. Мақбул назоратнинг

йўқлиги, хатоларнинг кўплиги, ишни тартибга солувчи ички ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, ишдаги бошқариб бўлмайдиган кечикишлар, кадрларнинг қўнимсизлик даражасининг юқорилиги, ўрнатилган тартибни айланиб ўтиб амалга оширилувчи операциялар эса, аксинча, бошқарув қониқарсиз аҳволда эканлигидан далолат беради.

Банк филиал ва бошқармаларига самарали бошқарилаётганига бўлган ишонч даражаси- ушбу мезон Ички аудит хизмати раҳбарларининг филиал ва бошқармалари фаолияти ва ички назорат тизимларининг мақбул даражасини таъминлаш учун бевосита масъул мансабдор шахслар бўлган ишончи даражасини ифодалайди. Ишонч даражасини аввалги аудиторлик текширувлари жараёнида ҳамкорлик қилиш, раҳбарлик ишида тажрибага эгалик, ходимларнинг ишга лаёқатлилиқ даражаси ва штатларининг тўлдирилганлиги ҳақида аудиторларнинг фикрлари сингари кўрсаткичлар билан тавсифлаш мумкин.

Тижорат банкининг таркиби ва штатлар жадвали ҳамда у фойдаланувчи тизимлар конфигурациясидаги ўзгаришлар-тажрибадан маълумки, ўзгаришлар ички назорат даражаси ва молиявий ҳисоботга таъсир қилиши мумкин. Ўзгаришлар кўпинча узоқ истиқболда ижобий натижаларга эришиш мақсадида киритилади, аммо яқин истиқболда улар маълум салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкинки, бу ички аудиторлардан уларни янада чуқурроқ текширишни талаб қилади. Бундай ўзгаришларга ташкилий реструктуризация, бизнеснинг даврийлиги, тижорат банкининг тез ривожлантирилиши, янги тизимларнинг жорий қилиниши, бошқа банкрот субъектларнинг сотиб олиниши ва уларни соғломлаштириб сотилиши, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардаги янги қоида ва талаблар, ходимларнинг қўнимсизлиги мисол бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар кузатилмаган тижорат банки филиалида аудиторлик текшируви кам сонли аудитолик процедураларини ўтказишни талаб этади.

Аудиторлик текширувининг мураккаблиги-ушбу риск омили маълум фаолият йўналишининг ҳаддан ташқари мураккаблиги оқибатида рўй берган

хатолар ва суистеъмолларнинг аниқланмай қолиши эҳтимолини баҳолайди. Мураккаблик рейтинги кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги даражаси, ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги, алоҳида фаолият турларининг ўзаро боғлиқлиги, маҳсулот ва хизматлар сони, прогнозларнинг даврий диапозони учинчи томонларнинг боғлиқлиги, мижозларнинг талаблари, операцияларга ишлов бериш учун зарур вақт, амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қоидаларининг мураккаблиги ва бошқа кўплаб (балки аниқланмаган) омиллар маълум аудиторлик текширувининг мураккаблигини баҳолашга таъсир кўрсатади.

Агар ички аудит мақсадлари учун ушбу метод танланган бўлса, аудиторларнинг мақсади конфигурацияларнинг мақбуллигини ҳамда бухгалтерия тизимлари ва бошқа тизимларда тўғри иш олиб борилаётганини баҳолашдан иборат бўлади. Ушбу тизимлар аудитга тайёргарлик босқичида Ички аудит хизмати:

- Тизимнинг конфигурацияси ва имкониятлари билан олдиндан танишиш;
- Тизимдан самарали фойдаланишни таъминловчи мақбул процедураларни белгилаш;
- Тизимда зарур назорат турлари бор-йўқлиги ва уларга риоя қилиш интизомини баҳолаш.

Тизимлар маълумотларига ишлов бериш ва операцияларни амалга ошириш прцедураларини ўз ичига олади. Тизимлар икки хил бўлиши мумкин:

- Қўлда бажариш: масалан, касса китоби ёки филиаллардаги мижозларнинг омонатлари реестрини “қоғоз” форматида олиб бориш;
- Автоматлаштирилган: масалан, мижозлар нақд пулларини банкоматлардан оладилар, касса битимлари ҳисоби ва омонатлари бўйича маълумотларнинг янгиланиши автоматик равишда амалга ошади.

Тизим қўлда ёки автоматлаштирилган бўлишидан қатъий назар, тижорат банкининг филиалларини аудитига тайёрланишида қуйидаги масалаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ:

- Маълумотлар бир тизимдан бошқа тизимга қандай узатилади, масалан, бир кунлик операциялар реестрининг якуний сатрини оператор бухгалтерия ҳисоби тизимига қўлда киритади ёки автоматик равишда ахборотларга ишлов берилади;

- Операцияларга ишлов бериш қанча кўп амалга оширилади;

- Бўлим ва филиаллар қандай ҳисоботлар тайёрлайди, шу жумладан тизим автоматик равишда тайёрлайдиган ҳисоботларнинг тўлиқ рўйхати аниқланиб олинади;

- Назорат қандай амалга оширилади-тўлиқ қўлдами, тўлиқ автоматик равишдами, ёки қўлда, аммо компьютер тизимидан олинган маълумотлар асосидами;

- Жараён тўлиқ автоматлаштирилган ёки қўлда амалга оширилади.

Банкнинг маълумот фаолияти тури барча асосий тизимларни ҳужжатлаштириш учун стандарт форматдан фойдаланиш лозим. Стандарт формат блок-схемалар ва жараёнларнинг қисқачи тавсифи ҳамда ички назорат тизимлари учун сўровномани ўз ичига олади.

Бу шакллар ички назорат тизимларининг бор-йўқлигини ва тизимнинг маълум бўғинларидаги камчиликларни аниқлаш жараёнига кўмаклашиши учун ишлаб чиқилган. Қуйида бу жараённинг батафсил тавсифи келтирилган:

Тизимни ҳужжатлаштиришда қуйидаги процедураларни амалга ошириш керак:

1. Операцияларнинг оқим ва йўналишлари кўрсатилиб, уларни амалга ошириш процедуралари тавсифланган тизимнинг блок-схемасидан фойдаланиш. Имкон қадар содда блок-схемалар тузишга ҳаракат қилиш керак, чунки уларнинг мақсади тизимнинг ишини содда қилиб кўрсатишдан иборат.

2. Блок-схемалар қуйидаги мақсадларга эришиш учун хизмат қилади:

- Блок-схемалар аудиторларга тизимни ялпи тасаввур қилиш ва қайси назорат воситалари ушбу тизимнинг таркибий қисми бўлиши мумкинлиги ёки бўлиши кераклиги ҳақида (аввалги аудиторлик текширувлари мобайнида ва шахсий тажрибадан олинган маълумотлар асосида) хулоса чиқаришга ёрдам беради. Аудиторларнинг фикрича, тизимга киритилиши керак бўлган назорат турларининг рўйхати биринчи колонкада келтирилади.

- Блок-схемалар ички назорат воситаларини ҳужжатлаштиришнинг стандарт ва мантиқий усулларида ташкил топади (“Мавжуд назорат воситалари тавсифи” колонкасида келтирилади).

- Блок-схемалар аудиторларга аудит назорати дастурини маълум назорат воситаларини тестдан ўтказишга мослаб ташкил қилишнинг умумий тузилишини беради. Агар мувофиқликни текшириш тести режалаштирилмаган бўлса, аудиторлар маълум назорат турлари тестдан ўтказилмаганлиги сабабларини асослаб беришлари лозим.

Блок-схемалардан ички аудит сўровномаси билан бирга фойдаланилади. Сўровнома тузилишига риоя қилиш аудиторлар мавжудлигини текширувчи барча асосий назорат турларини қамраб олиш имконини беради.

Сўровномалардан фойдаланиш аудиторларга аниқланган камчиликларни жамлаб, мувофиқлик тестларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шундай қилиб, тизимлар банкда маълумотларга ишлов бериш жараёнини қайд этиш учун ҳужжатлаштирилади. Тизимларни ҳужжатлаштиришдан уч мақсад кўзланади:

- Асосий мақсад-тизимдаги ишини текшириш мумкин бўлган назорат воситаларини аниқлаш;

- Бўлимлар ва хизматларнинг раҳбарларига департаментларнинг иш самарадорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш борасидаги тавсиялар бериш учун асос бўладиган маълумотларни олиш;

- Ички аудит хизматининг янги ходимларига бўлим ҳақидаги умумий маълумотларни танишиш учун тақдим этиш.

Аудиторларнинг иш ҳужжатларида банкнинг муҳим операцияларига ишлов бериш жараёни ва мавжуд маълумотларни тушуниш учун етарли маълумотлар бўлиши лозим. Тизимларни ҳужжатлаштириш ушбу филиал ва бўлимлардаги аудиторлик текширувининг бошида амалга оширилади; кейинги текширувлар пайтида тизимлар тавсифи берилган илгари тайёрланган схема ва ҳужжатлардан фойдаланиш керак бўлади, башарти уларга ўтган давр ичида рўй берган барча ўзгаришларга мувофиқ зарур тузатишлар киритилган бўлса.

Агар аудит юқори даражали автоматлаштирилган тизимлар мавжуд филиал ва бўлимларда режалаштирилган бўлса, компьютер тизимлари билан боғлиқ рискларни ва мавжуд рискларни камайтириш имконини берувчи дастурий воситаларга ўрнатилган назорат турларини аниқлаш зарурияти туғилади.

Ваколатсиз шахсларнинг операцион тизимига ва маълумотларни ҳисобга олиш тизимига махфий маълумотларни олиш ёки тизимда сақланувчи маълумотларга рухсатсиз ўзгартириш киритиш мақсадида кириш мумкин эмас. Аудиторлар дастурий пакет қуйидаги назорат турларини таъминлаши ёки таъминламаслигини текширишлари лозим:

- Тизимга кириш учун фақат тегишли фойдаланувчига маълум индивидуал паролларнинг мавжудлиги;
- Паролларда зарур миқдордаги белгиларнинг мавжудлиги; паролларнинг мунтазам ўзгартирилиб турилиши;
- Фойдаланувчиларнинг тизимдаги фақат ўз хизмат мажбуриятларини бажаришлари учун зарур бўлган функцияларга киришлари;
- Тизимга ваколатсиз киришга уринишлар ҳақидаги ҳисоботларнинг тизим томонидан ҳар куни генерация қилиниши ва тегишли хизматлар томонидан текширилиши.

Кутиш режимидаги операция ва маълумотлар тизимга ишлов бериш учун киритилади, нотўғри, тўлиқсиз ёки бир неча марта киритилган бўлиши

мумкин. Бундай рискларни камайтириш учун дастурий пакет қуйидаги назорат турларини таъминлаши лозим:

Экранни таҳрир қилиш босқичида назорат қилиш ва тўғрилигини текшириш – бу назорат тури одатда маълум майдонга киритилиши мумкин бўлган белгиларнинг турларини-масалан, фақат ҳарфлар ёки фақат рақамларни назорат қилишни назарда тутати;

Тизим рад этган операциялар ва ҳисоблардаги суммаларни аниқлангунга қадар ажратиш, таҳлил қилиш ва тузатишнинг мумкин эмаслиги. Бундай рискларни назорат қилишнинг энг кенг тарқалган турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Бирламчи ҳужжатларни рақамлаш (қўлда ёки автоматик равишда). У операцияларга ишлов бериш жараёнида йўқолишининг олдини олиши мумкин;

- Пакет орасида назорат қилиш. Бу жорий кун балансини олдинги кун балансига солиштириш имконини беради (Олдинги кун /давр баланси плюс жорий кун/давр мобайинда киритилган операциялар бўйича умумий сумма);

- Маълумотларни узатиш босқичида назорат қилиш; бундай назорат тури маълумот олисдаги фойдаланувчи томонидан телефон алоқаси воситалари орқали берилганида зарур. Тизимли назорат воситалари операциялари бўйича маълумотларнинг тўлиқ ҳажмдаги ва тегишли ҳисоб форматида олинишини таъминлаши лозим. Одатда, олисдаги бўлимдан узатилган операцияларнинг умумий сони ва умумий суммаси назорат қилинади. Хатолар аниқланган тақдирда жўнатувчига маълумотни қайта узатиш ҳақида сўров юборилади;

- Ҳисобот даврини ёпиш босқичида назорат қилиш, бу назорат тури операцияларининг тегишли ҳисобот даврига киритилишини таъминлаш лозим; яъни тизим фойдаланувчига ёпилган ҳисобот даври(масалан, ой) даги операцияларни киритиши имконини бермаслиги керак.

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларида маълумотлар тизимини автоматлаштирилган шаклда назорат қилишнинг асосий қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

1. Ташкилий назорат: тижорат банкининг ташкилий тузилмаси жавобгарлик ва ваколатларнинг бўлимлари ўртасида тақсимланишини қатъий белгилаши лозим.

2. Мажбуриятнинг чегаралаб қўйиш: назоратнинг фундаментал шакли мажбуриятларни бирон-бир шахс ҳисобига олиш ва операцияларга ишлов бериш функцияларини амалга ошира олмайдиган қилиб қатъий чегаралаб қўйиш ҳисобланади. Операцияларни амалга ошириш, тизимда операцияларни ҳисобга олиш ҳамда операцияларнинг тўғри амалга оширилиши ва ҳисобга олинишини текширишга рухсат бериш мажбуриятлари чегаралаб қўйилиши лозим.

3. Жисмоний назорат воситалари: бу назорат тури активларга ва бухгалтерия ҳисобининг ва молиявий ҳисоботнинг маълумотларига фақат ваколатли ходимларнинг киришини таъминлайди.

4. Рухсат олиш: ҳар қандай операцияни амалга ошириш масъул шахснинг рухсати ёки тасдиғини талаб қилади. Рухсат беришга лимитлар ва имзо ҳуқуқи ёзма кўринишда берилади.

5. Қайта ҳисоблаш: бу назорат тури маълум бухгалтерия ҳисоби счётлари (биринчи ва иккинчи тартибли счётлар), ифодаланган математик ҳисоб-китоблар, масалан, назорат қилиш мақсадида синтетик ва аналитик счётлар, уларнинг қолдиқлари ва оборотларидаги суммалар, солиштириш ҳисоб варақларидаги суммаларнинг тўғрилигини текширишни назарда тутади.

6. Персонал: тизимнинг тўғри ишлаши кўп жиҳатдан персоналнинг манфаатдорлиги ва профессионал лаёқати даражасига боғлиқ бўлади; ходимлар қўйилган вазифаларни бажариш учун барча зарур билимларга эга бўлишини талаб этилади. Масалан бухгалтерия ходимларининг ҳар йили малакасини оширганлигини текшириш.

7. Тегишли назорат: ҳар қандай назорат тизимининг муҳим жиҳати хизмат раҳбарлари томонидан назорат процедураларининг мавжудлиги ҳисобланади.

8. Бошқарув назорати: бу назорат тури филиал ва бўлимлардаги раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган назорат ва кундалик фаолиятдан назорати каби турларга ажратилади. Бундай назорат турига филиал ва бўлимларда операцион харажатлар бюджетининг бажарилишини назорат қилиш киради. Компьютер тизимини текшириш ҳақида қарор қабул қилиниши каби масалалар киради.

Шундай қилиб, халқаро аудит стандартлари асосида тижорат банкларида аудиторлик рискларини такомиллаштириш масалани ечишда ахборотларга ишлов беришни автоматлаштирилган тизимидан фойдаланиш банкларда аудиторлик рискларини камайтириш имконини яратади. Шу нуқтаи назардан ушбу тартибда автоматлаштирилган усулда компьютер тизимини ташкил қилиш банклар фаолиятини аудит қилиш ва унинг натижаларини кўриш учун шароит яратади.

3.2. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш

Тижорат банкларининг аудиторлик рискларини баҳолаш жараёнида кўплаб омиллар қараб чиқилади ва унинг натижалари таҳлил қилинади. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ички аудит бош бошқармасида амалга оширилган ишлар натижасида ички аудит жараёнида аудиторлик рискларини аниқлашга турлича ёндошув мавжудлигини кўриш мумкин. Шу сабабли тижорат банклари учун ягона ички аудиторлик рискларини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш жуда қийин. Фақат ушбу соҳада маълум тавсиялар бериш мумкин ҳолос. Бизнинг фикримизча ички аудит қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин деб ўйлаймиз:

1-босқич: Тижорат банкининг ички аудити мақсадларини белгилаш- Ички аудит мақсадлари режалаштириш жараёнининг негизини ташкил

килиб, аудитнинг самарадорлиги унга боғлиқ бўлади. Мақсадлар аниқ белгиланиши, аудитни ўтказувчилар ва аудит натижалари тақдим этилувчиларга тушунарли бўлиши лозим.

<i>Операцион мақсадлар:</i>	Бу мақсадлар банк самарадорлигини, шу жумладан унинг фаолияти натижалари, рентабеллиги ва зарар кўришдан ҳимояланганлигини таъминлаш билан боғлиқ. Масалан, банк филиали тармоғи минтақа миқёсида максимал даромад олишини таъминлашни мақсад қилиб қўйилиши мумкин. Бундай мақсадга яна бир мисол – операцион фаолиятдаги хатолар натижасида кўрилувчи зарарни маълум сўмдаги миқдоргача чегаралаш. Савдо операциялари лимитларини ўрнатиш ҳам шу туркумга кириди.
<i>Молиявий ҳисоботга доир мақсадлар:</i>	Бу тўғри молиявий маълумотларни тайёрлаш ва эълон қилишга қаратилган мақсадлардир. Масалан, ой тугаганидан сўнг 10 кун ичида фойда ва зарарларнинг ҳақиқий кўрсаткичларини олиш мақсад қилиб қўйилиши мумкин.
<i>Амал қилиш ва мувофиқлик соҳасидаги мақсадлар:</i>	Бу мақсадлар қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларига амал қилиш билан боғлиқ. Масалан, банк ўз фаолиятини тартибга солувчи органлар билан яхши муносабатлар ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши мумкин.

10-расм. Тижорат банки томонидан корпоратив мақсадларга эришиш кўрсаткичларини гуруҳланиши⁴⁴

Одатда барча тижорат банклари корпоратив мақсадларга (ёзма ёки оғзаки шаклда) эга бўлади. Бу мақсадлар ички аудит бўлимининг ваколатлари соҳасини белгилаб беради. Корпоратив мақсадлар одатда Банк ўз фаолиятида интилиши керак бўлган қандайдир миқдорий кўрсаткичлардан ташкил топади. Бу мақсадларни белгилаш ва ҳужжатлаштириш ички назорат тизимини ўрнатиш ва баҳолашнинг зарур шарти бўлиб ҳисобланади. Аудитор томонидан бажариладиган функциялар ички назорат тизимининг бир қисми бўлгани сабабли, ички аудит мақсадлари Банкнинг умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Моҳият эътибори билан, ички аудит хизматининг мақсади Банк Кенгаши ўрнатган қандайдир расмий

⁴⁴ Муаллиф томонидан амалий маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.

кўрсаткичларга эришишдан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар ички аудит бўлимининг ишини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Ички аудит бўлимининг мақсадлари банкнинг корпоратив мақсадлари билан қандай боғлиқ бўлиши мумкинлигига мисоллар қуйида келтирилган:

Ички аудит мақсадлари рўйхатини тузгач, ҳар бир мақсаднинг нисбий аҳамиятини баҳолаш керак.

Ҳар йили ёки йилда 2 марта бу жараёни такрорлаш ва агар зарур бўлса, рўйхатга тузатиш киритиб, вазият ўзгарган тақдирда янги мақсадларни белгилаш лозим.

2-босқич: Корпоратив тузилма ва аудит соҳалари - Ички аудит хизмати бўлими ходимлари ўз ишларини яхшироқ тушуниш учун ички аудит режасини қисмларга бўлишда банкнинг ташкилий тузилмасидан келиб чиқишлари лозим. Бу дастлабки босқичда банк фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиш жуда муҳимдир. Шундай қилиб, аудиторлик текширувлари режаси кредит ташкилоти бўлимлари бўйича тузилади:

1. Кредитлаш бўлими, шу жумладан кредит рисклари бошқармаси
2. Кредит рисклари бошқармаси
3. Филиаллар билан ишлаш бошқармаси
4. Давлат хазинасига оид операциялар ва бэк-офис операциялари
5. Бухгалтерия ҳисоби
6. Молияни бошқариш
7. Ахборот технологиялари (S.W.I.F.T.).
8. Операциялар, автоматлаштириш бошқармаси ва электрон маълумотларни ҳимоялаш)
9. Маъмурий ва ҳуқуқий бошқарув
10. Қурилиш ва кўчмас мулк
11. Хавфсизлик ва қўриқлаш
12. Кадрлар бўлими

Текшириш лозим бўлган соҳалар белгилаб олинганидан кейин, ҳар бир соҳани аудиторлар олдида қўйилган вазифалар нуқтаи назаридан баҳолаш ва текширув жараёнида аудит билан қамраб олиниши керак бўлган йўналишларни белгилашга киришиш мумкин.

3-босқич: Риск турлари ва уни баҳолаш- Ички аудит вазифаси ресурсларни банк фаолиятининг энг кўп рисклар билан боғлиқ бўлган ва ички аудит мақсадларига эришишни қийнилаштирадиган соҳаларига қаратишдан иборат.

4-босқич: Аввалги тажрибани баҳолаш-бу аввалги (бошқа ташқи аудит аудиторлик ҳисоботи, ички аудит ҳисоботи ва МБ томонидан ўтказилган текшириш) аудит натижалари асосида текширилаётган соҳадаги назорат тизимлари аҳволини баҳолаш.

Бундай профессионал баҳолаш текширилаётган соҳа бўйича аввалги аудиторлик ҳисоботини таҳлил қилиш асосида қурилиб, бунда қуйидаги омиллар ҳам ҳисобга олинади:

- Аҳволнинг яхшилиги (бир нечта жиҳатлардан ташқари);
- Аҳволнинг қониқарлилиги (шу жумладан текширилаётган соҳанинг бу тури учун истисноларнинг мумкин бўлган турлари ва мумкин бўлган сони);
- Аҳволнинг ёмонлиги (жиддий камчиликлар мавжудлиги ёки бу соҳада аввалги аудиторлик текширувларининг йўқлиги, яъни аудиторлик хулосаларининг йўқлиги).

5-босқич: Баҳолаш натижаларини ҳужжатлаштириш-бизнес-рискни таҳлил қилиш натижалари ва аввалги аудит тажрибасини ҳужжатлаштириш жуда муҳим . Ҳужжатлаштириш жараёни қуйидаги сабабларга кўра зарур:

- Баҳолаш натижаларини солиштириш бу соҳада нечоғлиқ тез аудит ўтказиш зарурлиги ёки қандай ҳажмдаги аудиторлик иши талаб этилишини аниқлаш имконини беради;
- Таҳлил қилиш ва келишиш жараёнини соддалаштиради, фикр-мулоҳазалар ва қабул қилинган қарорларни мантиқий асослаш учун қайдлар билан таъминлайди;

- Аудиторларни зарур асос маълумотлар билан таъминлайди;
- Келгусидаги режалаштириш амалларини соддалаштиради;
- Ички назорат ва банк операцияларини методологиясидаги тенденцияларни аниқлаш ҳамда “заифлашиш” жараёнларини идентификациялаштириш имконини беради.

6-босқич: Аудиторлик текширувлари ўтказилишининг доимийлигини аниқлаш – ички аудит хизмати юқорида баён этилган баҳолаш жараёнини тамомлаб, риск омилларини аниқлаганидан кейин, бунинг натижасида олинган рейтинг банкнинг ҳар бир фаолият соҳасида ўтказилган текширувларнинг такрорийлик даражасини қуйидаги жадвал ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

6-жадвал

«Ички текширувлар ўтказилишининг такрорийлик даражасини аниқлаш тартиби»⁴⁵

аввалги тажриба	риск даражаси		
	юқори	ўрта	Паст
аҳвол ёмон	1 йил	1 йил	1-2 йил
аҳвол қониқарли	1 йил	1-2 йил	2 йил
аҳвол яхши	1-2 йил	2 йил	2-3 йил

Аввал келтирилган кредит бўлимига доир мисолда биз риск даражасини “Юқори”, аввалги тажрибани эса “Ёмон” деб баҳоладик. Бу ҳолда жадвалда 3 йил оралиғини таклиф қилади; яъни бу соҳа ҳар 6 ойда текширилиши лозим.

Юқорида келтирилган жадвал фақат муаллиф томонидан мисол тариқасида фойдаланиш лозим. Текширувларни ўтказишнинг зарур такрорийлик даражасини белгилаш учун ички аудит бўлими ўзининг аввалги тажрибасидан фойдаланиши, ўзининг профессионал билимларини қўллаши ва бошқа омилларни ҳисобга олиши керак. Аудит ўтказиш такрорийлиги даражасининг ўзгартирилиши ҳужжатли акс эттирилиши лозим.

⁴⁵ Щербаков В.В. Система информационного обеспечения внутреннего контроля в коммерческом банке//Аудит и финансовый анализ. Москва, 2000. №4.-С.18-19.

Аудит ўтказишнинг такрорийлиги даражаси боғлиқ бўлган бошқа омиллар малакали ходимлар штатининг мавжудлиги, ресурсларнинг чекланганлиги ва олисдалиги ҳисобланади. Шунингдек, кутилмаганлик омилидан фойдаланиш ва банк фаолиятининг текширилаётган соҳалари фаол ишлашини қўллаб-қувватлаш мақсадида аудит ўтказиш санаси ва муддатини ўзгартириш ҳам муҳим.

7-босқич: Текшириладиган соҳаларни танлаш-оралиқлар белгиланганидан кейин, қуйидагиларга ўтиш лозим:

Ички аудит бўлими ёки бунинг учун тайинланган ходим бу йил ўтказилиши лозим бўлган барча текширувлар (зарурий текширувлар) ни шу жумладан:

-бир йил ва ундан кам оралиқ билан режалаштирилувчи барча текширувларни;

-режалаштирилаётган аудит бу йил ўтказишни режалаштириш лозим бўлган аввалги аудит санасига қўшилган тақдирда, барча текширувларларни белгилаши керак. “Зарурий текширувлар” Бундай текширувларни ўтказиш учун қуйидагилар талаб этилади:

-Ички аудит бўлимининг “зарурий текширувлар”ни ўтказиш учун талаб этиладиган режалаштирилаётган ресурслари (инсон ҳафталари)ни қўшиш ва уларни мавжуд ресурслар билан солиштириш;

-Агар талаб этилувчи ресурслар мавжуд бўлса, барча “зарурий текширувлар” йил давомида ўтказилиши лозим. Уларни “даврий” режага киритиш керак бўлади;

-Агар юқорида кўрсатилган босқичлар тамомланганидан кейин ички аудит бўлими ҳали ресурсларга эга бўлса, бу йил яна қандай текширувлар (қўшимча текширувлар)ни ўтказиш масаласи ҳал қилиниши лозим.

Бунда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

- Бу текширувларни келгуси йилда ўтказиш зарур бўладими? Агар зарур бўлса, бу йилги аудит келгуси йилдаги текширувларни режалаштиришда катта қулайлик туғдиради;

- Ички аудит бўлимининг профессионал ресурсларини қачон ва қаерда қўллаши кўпроқ маъқул? Бунда хизмат сафарларига чиқиш зарурати, аудиторларнинг малака даражаси, раҳбарият сўровларининг мавжудлиги ва шу каби омилларни эътиборга олиш лозим.

Айрим ҳолларда аудит режасини қисқартириш зарурати ҳам туғилиши мумкин. Бунинг учун:

- Банк учун “ўта зарур”, асосий ва ҳаётий муҳим бўлмаган текширувларни режадан чиқариш;

- Режалаштирилган текширувлар бюджетини таҳлил қилиб, нисбатан муҳим бўлмаган тестларни ва улар билан боғлиқ вақт сарфларини режадан чиқариш керак бўлади. Агар шундан кейин ҳам ички аудит бўлими мавжуд ресурслар ва режалаштирилган текширувларни мувофиқ ҳолатга келтира олмаса, текширувлар ўтказилишининг такрорийлик даражасини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Ўтказиладиган текширувлар ҳақидаги якуний қарор қабул қилингандан кейин уларни ўтказиш графигини тузиш керак бўлади.

8-босқич: Ҳар бир аудиторлик текшируви учун иш ҳажмини белгилаш-келгуси иш ҳажмлари ҳақида қарор қабул қилиш жараёнининг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бунинг натижасида олинган рейтинг нисбий иш ҳажмларини акс эттиради (қуйидаги жадвалга қаранг).

Жадвал маълум фаолият соҳасини текширишда аудиторлик ишларининг нисбий ҳажмини белгилаш учун мўлжалланган.

7-жадвал

Аудиторлик ишлари ҳажмини аниқлаш ⁴⁶

аввалги тажриба	бизнес-риск рейтинги		
	Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража
аҳвол ёмон	ж	ж	М
аҳвол қониқарли	ж/м	м	У
аҳвол яхши	м	ч	Ч

⁴⁶ Суворова С.П., Куканова Н.В. Аудит системных вопросов: методика проведения. // Аудиторские ведомости. Москва. 2008. №10.

Калитлар: Ж-Жиддий (катта ҳажмдаги аудиторлик ишлари);

М - Мўътадил;

Ч- Чекланган(минимал ҳажмдаги аудиторлик ишлари)

Бу жадвалдан ва унинг асосида олинган маълумотлардан аудит дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш лозим.

Ички аудит хизматининг якуний йиллик иш режаси тузилиб, ички аудит хизмати бошлиғи томонидан имзоланганидан кейин, бу режага банк бошқаруви Раисига кириб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади . Бу режага қуйидаги масалалар бўйича маълумотлар киритилади:

- Ички аудит хизматининг техник вазифаси (бунда унинг умумий мажбуриятлари ва иш ҳажмлари сарҳисоб қилинади);
- Аудиторлик текширувларининг навбатланиш концепциясини тасдиқлаш;
- Бизнес-рискларни ва банк фаолиятининг барча йўналишларидаги аввалги текширувлар тажрибасини баҳолаш;
- Банк филиалларининг навбатма-навбат текшириш режаси;
- Ҳар бир филиалларни текшириш йўналиши бўйича аудиторларнинг нисбий иш ҳажмлари;
- Ҳар бир режалаштирилган текширув ҳар бир режалаштирилган текширув бўйича аудиторлик вазифаларининг қисқача тавсифи ;
- Маъмурий масалалар (Ички аудит хизмати офисининг манзили, аудиторлар рўйхати ва ҳакозалар);
- Бошқа масалалар, жумладан, банк раҳбарияти топшириғига кўра, махсус аудиторлик текширувлари ўтказиш, ташқи аудиторлар билан ҳамкорлик тadbирлари, Марказий банкнинг аудит ўтказишга доир талаблари ва шу кабилар;
- Аудиторлик текширувининг якунловчи процедуралари ва Ички аудит хизмати бошлиғининг маъқуллаши.

Шундай қилиб, тижорат банкларида автоматлаштирилган ишлов бериш тизими банкда маълумотларга ишлов бериш жараёнини қайд этиш учун ҳужжатлаштирилади. Тизимларни ҳужжатлаштиришдан асосий мақсад бизнинг фикримизча қуйидагилар бўлиши мумкин: асосий мақсад-тизимдаги ишини текшириш мумкин бўлган назорат воситаларини аниқлаш; бўлимлар ва хизматларнинг раҳбарларига филиал ва бўлимларнинг иш самарадорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш борасидаги тавсиялар бериш учун асос бўладиган маълумотларни олиш; ички аудит хизматининг янги ходимларига филиаллар ҳақидаги умумий маълумотларни танишиш учун тақдим этиш.

Аудиторларнинг иш ҳужжатларида банкнинг муҳим операцияларига ишлов бериш жараёни ва мавжуд маълумотларни тушуниш учун етарли маълумотлар бўлиши лозим. Тизимларни ҳужжатлаштириш ушбу филиал ва бўлимлардаги аудиторлик текширувининг бошида амалга оширилади; кейинги текширувлар пайтида тизимлар тавсифи берилган илгари тайёрланган схема ва ҳужжатлардан фойдаланиш керак бўлади, башарти уларга ўтган давр ичида рўй берган барча ўзгаришларга мувофиқ зарур тузатишлар киритилган бўлса.

Агар аудит юқори даражали автоматлаштирилган тизимлар мавжуд департаментда режалаштирилган бўлса, компьютер тизимлари билан боғлиқ рискларни ва мавжуд рискларни камайтириш имконини берувчи дастурий воситаларга ўрнатилган назорат турларини аниқлаш зарурияти туғилади.

Бу мақсадларни белгилаш ва ҳужжатлаштириш ички назорат тизимини ўрнатиш ва баҳолашнинг зарур шarti бўлиб ҳисобланади. Аудиторлар бажарувчи функциялар бундай ички назорат тизимининг бир қисми бўлгани туфайли, ички аудит мақсадлари Банкнинг умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Моҳият эътибори билан, ички аудит хизматининг мақсади Банк Кенгаши ўрнатган қандайдир расмий кўрсаткичларга эришишдан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар ички аудит бўлимининг ишини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида шакллантирилган амалий тавсиялардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

1. Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Шу туфайли уни такомиллаштириш бўйича халқаро аудит стандартлари талабига мос равишда ўзимизнинг хусусиятларимиздан келиб чиқиб тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиши лозим. Аудиторлик ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун уларнинг ички стандартларини (қоидаларини) шакллантириш лозим. Аммо бундай тартиб ҳамон ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари, тижорат банкиларида аудиторлик текширувларини ўтказишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди.

2. Аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандартлар асосида мувофиқлаштириш масалалари таҳлил қилинди, шунингдек халқаро тажриба ўрганилиб чиқилди, аудитнинг миллий ва халқаро стандартларнинг шунга мувофиқ тартиб-қоидалари қиёсланди. Уларни мамлакатимиз аудиторлик фаолиятига тадбиқ қилиш йўллари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиш учун тавсия этилди.

3. Ички аудит услубиёти маълум босқичлар бўйича ташкил этилиб, уларни бизнинг фикримизча қуйидаги босқичларга бўлишимиз мумкин: Риск даражаси паст бўлган соҳалар кам текширилади ёки у қадар синчиклаб текширилмайди.

4. Халқаро банк амалиётида турли рискларни ўлчаш ва назорат қилиш соҳасида етарлича тажриба тўпланган. Чунки айрим рисклар фақат банк фаолияти билан боғлиқ бўлади ва уларни тест усули билан назорат қилишнинг бошланғич даврида аниқлаш ҳамда баҳолаш лозим. Шундай қилиб, хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, банк рискларини тўғри гуруҳлаш ва уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Лекин ушбу гуруҳлаштириш етарлича яқуний натижага эришилмаган. Чунки банк рисклар ҳар доим ҳам аудит рискларига мос келмайди. Шу сабабли аудит рискларини ҳисобга

олишда асосий эътибор тижорат банкларининг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

5. Муҳимлик йўл қўйиш мумкин бўлган хато ҳажмини ва оқибатда аудиторлик хулосасини тузиш шаклини белгилайди. Бизнинг фикримизча, аудитда муҳимлик ва ички назорат рискени ўзаро боғлиқлиги ва аҳамияти бир неча сабаб билан изоҳланади: муҳимлик қондаси арзимайдиган нарсаларни эътиборга олмасликка йўл қўяди, лекин шу билан биргаликда тижорат банкларининг фаолиятида ички рискни пайдо бўлишига олиб келади ва ушбу кўрсаткич кейинчалик аудитор ҳисоботида ҳам таъсир қилади ва барча муҳим ахборотларни тўла очиқ бериш имкониятини чегаралайди; муҳимлик қондаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда баланс таркиби миқдорида, фойда ва зарарларга таъсирини аниқлаш имконини беради, демак аудиторлик амаллари ёрдамида активлар ва пасивлар миқдорида ҳамда молиявий натижаларга катта таъсир қиладиган бухгалтерия операциялари тадқиқ этилади; муҳимлик қондаси фойдаланувчилар учун барча муҳим ахборотни кўрсатишни талаб қилади. Бу талаб барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботни тақдим этиш тўғрисидаги аудиторлик хулосасини шакллантиришга ҳам тегишлидир. Бунда, молиявий ҳисобот каби аудиторлик хулосаси ҳам кўп сонли фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар ҳисоботдаги ахборотлар асосида мутлақо аниқ иқтисодий қарорлар қабул қиладилар. Банк раҳбарияти, акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар ахборотдан фойдаланувчилар қаторига киради. Фойдаланувчиларнинг ҳар бирининг ўз манфаатлари бор, улар бухгалтерия ҳисобида нима муҳимлигини ўз манфаатларига асосланиб белгилайдилар.

6. Турли аудиторлик ташкилотлари муҳимликни баҳолашга турлича ёндашувини айтиб ўтиш керак. Баъзи умуман муҳимлик даражаси баҳоланмайди, бир қанча ҳолларда эса тахминий баҳоланади.

Аудитда муҳимликни баҳолаш масаласи аввало молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир нечта кўрсаткичини ўз ичига олган аниқ бир базани ва

муҳимликнинг миқдорий мезонини - хатонинг йўл қўйиш мумкин бўлган миқдорий ҳисоблаш усулини танлаб олишдан иборат.

7. Тижорат банкларининг самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак деб ўйлаймиз: тижорат банки капиталини етарлилиги, ички назорат тамойилларини риоя қилиниши, банк мулклари, операцияларини тўғри амалга оширилганлиги ва дастлабки ҳужжатларнинг айланиши ва сақланиши; бошқарув учун ишонарли маълумот олиш; ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; қонун ҳужжатлари талаблари ва ҳисоб сиёсатининг қоидаларига риоя қилиниши назорат қилинади ва унга баҳо берилади.

8. Тижорат банкларининг ички назорат тизимига баҳо беришда қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилинишига таянилади:

- Банкнинг ички назорат тизимининг ташкил этилиши, операцияларни амалга оширишдаги назорат ва ички назорат бўлинмасини фаолият кўрсатиши учун банк бошқарувини жавобгарлиги;

- Ички назорат тизимини белгиланган меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши, ҳужжатларнинг тўлиқ даражада тўғрилиги, улар асосида тузилган тижорат банкининг молиявий ҳисоботининг етарли даражадаги ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиниши;

- Тижорат банки ташқи аудитидаги мавжуд чеклашлар: агар ички назорат тизими, унинг томонидан қўлланилаётган аудиторлик амаллари ва уларни амалда қўлланиш хусусиятлари ҳисобга олинмаса, уни самарали деб тан олиш мумкин эмас.

9. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини текширишда аудиторнинг профессионал сифатида фикр юритишидан келиб чиққан ҳолда, назорат воситалари рискин баҳолаш учун бизнинг фикримизча қуйидаги учта ёндашувнинг биттасидан фойдаланиш ўринлидир:

1). Мувофиқлик бўйича текширув ўтказиш. Бунда мувофиқлик бўйича текширув ўтказиш ва олинган маълумотлар асосида назорат воситалари рисқи даражасини аниқлаш зарур;

2). Даромад олиш манбаи ёки операцион харажатлар бўйича мажбурият сифатида хизмат қилган банк операцияларига доир назорат воситаларини баҳолаш (базавий операциялар бўйича назорат рискани баҳолаш). Демак, кредитлар бўйича фоиз даромадларини текширишда мижозлар аудитор томонидан мижозлар иштирокидаги кредит операцияларини текшириш давомида бажарилган назорат воситалари ишончлилигини баҳолаш натижаларидан фойдаланиши лозим. Таъкидлаш керакки, бундай ёндашувни харажатларнинг бошқа моддаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш харажатлари, амортизация ажратмалари, тўланган солиқлар ва ҳоказо). Ушбу ҳолатда назорат воситаларини текшириш, сўнгра назорат риски оқибатида олинган натижа асосида аудит танлови бўйича текшириладиган объектларни белгилаш ҳамда муҳимлиги бўйича текширув ўтказиш учун аудиторлик жараёнларини ўтказиш зарур.

3). Назорат рискани мувофиқлик бўйича текширув ўтказмасдан юқори сифатида таснифлаш ва назорат рискиннинг аҳамиятини ҳисобга олиб, муҳимлиги бўйича текширув ўтказиш учун объект танлаш. Қатор ҳолатларда (масалан, фоиз ҳисобидаги сарф-харажатларни текшириш) мувофиқлик ва муҳимлиги бўйича текширув бир пайтнинг ўзида ўтказилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар назорат риски асосли равишда паст деб топилган ҳолатда, аудитор муҳимлиги бўйича текширишдан бош тортиши ва мижознинг ички назорати тизими самарадорлигига тўлиқ таяниши мумкин.

10. Текшириладиган объектлар сонини аниқлашда танлаш асосида текширишни қўллаш имкониятларига тааллуқли шартларнинг бажарилишини таҳлил қилиш зарур. Умумий жамланма ҳажми, ҳар бир объектни бирхиллаштириш имконияти, ҳисобот даврини қамраб олиш ва ҳоказолар ана шундай шартлар ҳисобланади.

11. Тижорат банкларида автоматлаштирилган ишлов бериш тизими банкда маълумотларга ишлов бериш жараёнини қайд этиш учун

ҳужжатлаштирилади. Тизимларни ҳужжатлаштиришдан асосий мақсад бизнинг фикримизча қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Асосий мақсад-тизимдаги ишини текшириш мумкин бўлган назорат воситаларини аниқлаш;
- Бўлимлар ва хизматларнинг раҳбарларига филиал ва бўлимларнинг иш самарадорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш борасидаги тавсиялар бериш учун асос бўладиган маълумотларни олиш;
- Ички аудит хизматининг янги ходимларига филиал ҳақидаги умумий маълумотларни танишиш учун тақдим этиш.

12. Бу мақсадларни белгилаш ва ҳужжатлаштириш ички назорат тизимини ўрнатиш ва баҳолашнинг зарур шarti бўлиб ҳисобланади. Аудиторлар бажарувчи функциялар бундай ички назорат тизимининг бир қисми бўлгани туфайли, ички аудит мақсадлари банкнинг умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Моҳият эътибори билан, ички аудит хизматининг мақсади Банк Кенгаши ўрнатган қандайдир расмий кўрсаткичларга эришишдан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар ички аудит бўлимининг ишини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

1. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий материаллар

1.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. 25.04.1996 й. – Тошкент: «Адолат» 2003. -47 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. 30.08.1996 й. //Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: «Ўзбекистон».2003. -312 б.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуни. 2000 йил 26 май. (13 декабрь 2002 йил ўзгартиришлар киритилган). – Тошкент: 2003. -16 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора - тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 21.03.2000 й., ПФ №2564-сон. //Пул муомаласини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. -Т:«Ўзбекистон» 2003.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 27.09.2006 й., ПҚ №475.- Тошкент, 2006. -18б.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” №ПП-1438 2010 йил 26 ноябрдаги қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 48-сон(444) 2010 йил 6 декабрь. -442-модда.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда

катнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори. 19.05.2000 й., 195-сон.// Пул муомаласини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. -Т.: «Ўзбекистон» 2003. -384 б.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисидаги” 365-сон Қарори.//Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами., Тошкент:2000. №9. 62-модда.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил қилишга оид тавсиялар» . 04.06.1998 й., 404-сон. //Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини назорат қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами.–Тошкент.2006.-272б.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида » ги Низоми. (Янги таҳрири). 24.06.2000 й., 403-сон.

3.5. “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом.” 2004 й. 13 апрель.2005 й.ўзгаришлар билан//“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 52-сон, 394-модда. www.pogma.uz.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларни юритиш тартиби тўғрисида» Низоми. 14.01.2003 й., № 1201. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами. -Т.: «Ўзбекистон». 2004. -312 б.

3.7. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар Режаси». 13.08.2004 й., 773-17-сон. -Т.: «Yangi asr avlodi». 2004. -279 б.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари.

4.1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон

шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. -56 б.

4.2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.-80б.

4.3. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. Ж.18.-280б.

4.4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади . -Тошкент: «Ўзбекистон», 2011. -48 б.

4.5. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2012.

II.Китоб ва туркум нашрлари

5.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

5.1.1 Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ. -М.: «ЮНИТИ», 1995. -398 с.

5.1.2. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит:Пер. с англ. - М.:Финансы и статистика, 1995. - 560с.

5.1.3. Банковские риски:учебное пособие/кол.авторов;под.ред.д-ра экон.наук, проф.О.И.Лаврушина и д-ра экон.наук, проф.Н.И.Валенцевой. М.:КНОРУС, 2008. 232с. С.11.

5.1.4. Беляков А.В. Банковские риски:проблемы учета, управления и регулирования. - М.:Издательская группа “БДЦ-пресс”, 2004. - 256с.

5.1.5. Бычкова С.М. Доказательства в аудите.- М.:Финансы и статистика, 1998.- 176с.

5.1.6. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Г.Н., Лебедев Е.А. Аудит банков. –М.: «Финансы и статистика», 2001. -352 с.

5.1.7. Балабанова И.Т. Банки и банковское дело.– СПб.:«Питер», 2003. -304 с.

5.1.8. Банковский контроль и аудит : Учебное пособие для вузов/ Под.ред. Н.В.Фадейкина. -М: Финансы и статистика, 2002. -496 с.

- 5.1.9. Васильев Н.М., Катрин С.Н., Лепе Л.Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. -М.: 1999. -280 с.
- 5.1.10. Ветрова А.А. Операционный аудит-анализ. Под.ред. А.А.Ветрова –М.: Перспектива, 1996. 127-с.
- 5.1.11. Грюнинг Х., Брайович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском / Пер. с англ.- М.: Издательство «Весь Мир» 2004. -304с.
- 5.1.12. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003. –612 б.
- 5.1.13. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. -Тошкент: «Молия», 2007. 276 б.
- 5.1.14. Жарковская Е.П. Банковское дело. -М.: «Омега-Л», 2006. -452 с.
- 5.1.15. Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции. Учебник для ВУЗов. –М.: «Банки и биржи», «ЮНИТИ», 1997. -128 с.
- 5.1.16. Ибрагимов А.К., Очилов И., Кузиев И.Н. Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўқув қўлланма, - Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. - 480б.
- 5.1.17. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. -Тошкент: «infoCOM», 2010.-192б.
- 5.1.18. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. -Т.: ЎБАМА. 2003. -84 б.
- 5.1.19. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. –Т.: ЎБАМА, 2007. 84 б.

6. Диссертация ва диссертация авторефератлари

- 6.1. Азизов Ш.Ў. Ташқи аудит текширувини ўтказишни ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари (Акциядорлик-тижорат банклари мисолида: Иқтисод фан.номз. ... дисс. Автореферати. –Тошкент, БМА, 2009. 24б.
- 6.2. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Иқтисод. фан. док. ...дисс. Автореферати. – Тошкент:БМА, 2007. -39 б.

6.3. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари : 08.00.08 Иқтисод фан. док. дисс. Автореферати. –Тошкент:БМА, 2005. -40 б

7. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

7.1.Бычковой С.М. Методы оценки аудиторских рисков // Аудитор. -М., 2002. - №6. - С. 32-35.,

7.2.Данилевский Ю.А. Влияние глобализации на экономику и финансы Российской Федерации // Финансы. -М., 2003. - N 5. - С. 3-7.,

7.3. Дусмуратов Р. Аудиторлик фаолияти эволюцияси// Бозор, пул ва кредит . Тошкент, 2003. №3. –Б. 32-35.

7.4. Дусмуратов Р. Аудиторлик фаолиятида муҳимлик даражасини аниқлаш ва қўллаш услуги.//Бозор, пул ва кредит. Тошкент, 2003. №1. 40-43бетлар.

7.5.Ибрагимов А.К., Носиров А. Аудит финансовой отчетности на основе международных стандартов учета.//Экономика и финансы. - Москва. 2009. №4 –С.55-57.

8.Ҳисобот ва маълумотлар.

8.1. Ўзбекистон Республикаси 2011 йил статистик ахборотномаси.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2012.-235 б.

8.2. «Ўзсаноатқурилиш банк» йиллик молиявий ҳисоботи, 2011 й.- .– Тошкент, 2011. - 78 б.

8.3. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ банкнинг молиявий ҳисоботи, 2011 й.– Тошкент, 2011. - 86 б.

8.4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг 2006-2011 йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботлари.

9.Электрон манбалар

9.1. www.iasc.org.uk

9.2. www.uba.uz

9.3. www.uza.uz

9.4.www.cbu.uz

9.5. www.google.co.uz

9.7. www.bfa.uz

9.8. www.ncstu.ru